

◊(жаҳон шеърияти дурдоналари)◊

*Шота
РУСТАВЕЛИ*

*ЙЎЛБАРС ТЕРИСИНИ
ЁПИНГАН ПАҲЛАВОН*

Достон



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2013

УЎК: 821.353.1-512.133

КБК 84(2Рос.Дор)

P92

- Рус агад

Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва
изоҳлар муаллифи:

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9942-01-027-0

31822
N1 2g1

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

2014/8

Alisher Navciy

nomidagi

O'zbekiston M.

A

654

УМРБОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР КҮЙЧИСИ

Грузин халқыда ажойиб бир анъана мавжуд: турмушга чикаётган кизнинг сепига албатта «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарини кўшиб беришади. Ана шундай умумхалк эътирофи ва ифтихорига сазовор бўлган асар муаллифи, грузин адабиёти ва янги грузин тили асосчиси Шота Руставели XII асрнинг 60-йилларида туғилган. Шунга асосланиб, 1966 йили шоир таваллудининг 800 йиллиги дунё миқёсида катта тантана қилинди. Унинг қачон ва каерда вафот этгани ҳамда кабри маълум эмас. Ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар деярли сақланиб қолмаган. У малика Тамара ва эри Давид Сослани Грузияда хукмронлик килган вактда давлат ҳазиначиси бўлган.

Бой қадимий маданиятга эга Грузия XII асрда – Давид Сослани (1089 – 1125), Георгий III (1156 – 1184) ва Тамара (1184 – 1213) даврида сиёсий-иктисодий ва ижтимоий-маданий жиҳатдан ўзининг юксак тараққиёт чўккисига чиккан эди. «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони Тамара ва Давид ҳукмронлиги замонида – 1189 – 1207 йилларда яратилган¹.

«Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» жаҳон адабиётининг дурдона асарлари қаторига киради.

¹ Барамидзе А. Шота Руставели. Москва: «Знание», 1966. С. 3.

Унда дўстлик, мухаббат, ватанпарварлик, мардлик, садокат, ҳалоллик, олийжаноблик каби азалий ва абад тавзулар юксак маҳорат билан тараннум этилга киризламачилик, риёкорлик, кўркоқлик, тамагирл зулму зўрлик каби иллатлар эса кескин кораланган. Ўири умуминсоний «ғояларни биринчи ўринга қўйиб, қаҳрамонлар психологияси, воқеалар моҳиятини чукур оча билган. Қадим миллий маданият, фольклорнинг энг яхши анъаналарини ўзлаштириб, грузин шеъриятини юкори поғоналарга кўтарган. Руставелининг поэтик нутки мажозийлиги, ҳикматларга бойлиги билан ажралиб туради»¹.

Академик А. Барамидзе таъкидлаганидек, «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» бошдан-оёқ шоирнинг инсонпарварлик ғоялари асосига қурилган². Асар, биринчи навбатда, оташин ва эркин мухаббат хақида. «Мухаббат инсонни улуғлайди!» – дейди шоир ўзининг асосий қаҳрамони тилидан³. Бундай буюк мухаббат намунасини биз Нестон ва Тариэл, Тинатин ва Автандил жуфтликлари мисолида кўрамиз. Автандил, Тариэл ва Фаридунни ўзаро яқинлаштирган ва қиёматли дўстларга айлантирган куч ҳам ўзаро инсоний мухаббатдир.

Руставели талқинида дўстлик чегарани билмайди – у мамлакатни, миллатни тан олмайди. Арабистонлик Автандил, хиндистонлик Тариэл ва кичкина тоғлик ўлка ҳукмдори Фаридун дўстлиги мисолида

¹ Руставели // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент, 2004. 393-бет.

² Баранидзе А. Шота Руставели. С. 12.

³ Ўша ерда. 16-бет.

бу ғоя юксак бадиий пардада тараннум этилади. «Ёлғиз – ожиз, куч – бирликда» деган шоир ўзаро иттифокликда ҳар қандай мушкул муаммоларни ҳам ҳал қилиш мүмкүн деган қарашни илгари суради ҳамда Автандил, Тариэл ва Фаридун ҳамкорлиги мисолида унинг ёркин бадиий талқинини беради. Бу кучли ва мустаҳкам дўстлик уларга ўз орзуларини амалга ошириш, ўз маҳбубаларига зришиш, мамлакатларини душман хужумидан сақлаб колишда катта ёрдам беради. Дўстлик онтига содик кишилар бирбиридан нафакат молини, балки жонини ҳам аямайди. Чунончи, Автандил дўсти учун юксак мансабидан воз кечади; жондан азиз севгилисими хижрон қучогига ташлайди; оиласидан, ютидан узилиб, Тариэл учун ёрдамга шошилади, кадрдони учун ўлимга тикка боради. Бу – идеал дўстлик. Бу – романтик тасвир. Лекин инсон ҳамиша орзу килган ва интилган чинакам дўстлик! Айни жиҳатдан, «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» – муҳаббат ва дўстликка қўйилган абадий ҳайкал. Ҳаёт ва инсонга бағишлиланган бебаҳо қасида.

Руставели Шарқ адабиётини чукур билган. Достонда у Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Фахриддин Гургонийнинг «Вис ва Ромин», Низомий Ганжавийнинг «Лайли ва Мажнун» асарлари каҳрамонлари (Рустами Зол, Вис, Ромин, Мажнун)ни тилга олади. «Вис ва Ромин» «Висрамиани» номи билан грузин тилига насрый таржима ҳам килинган. У Низомийнинг «Хусрав ва Ширин»идан ҳам яхши хабардор бўлган. Мавзунинг Шарқдан олинганлиги, воқеаларнинг асосан Арабистон ва Ҳиндистонда кечиши, Ҳоразмшоҳлар ҳакида сўз бориши (Ҳинд

шохи у билан куда тутиномокчи бўлгани) жиҳатидан асар шаркона рухи ва оҳангি билан алоҳида ажралиб туради.

Достон дебоча билан бошланади – дастлабки икки бандда Парвардигори оламга мадҳу сано ўқилади. Сўнг шоир малика Тамара васфида қалам суради («Руставелилик кўшикчиман. Маликага нағмагўй»). Шундан кейин Автандил, Тариэл ва Фаридун – асарнинг асосий қаҳрамонлари бўлмиш уч садокатли дўст таърифига ўтади. Ўзининг қадимий Шарқ афсонасини назм илига терганлиги хусусида шундай дейди:

*Гуржистонда кўпдан бери маълум Шарқ афсонасин –
Меҳр қўйиб, пардоzlанган мисраларга тиздим...*

Жодугар Доварнинг афсунлари ҳам шаркона мотив: икки кора танли Дарижонни ўғирлаб, Кажети деган жинлар қалъасига олиб кетадилар. Уч дўст кизни шу қалъадан куткарадилар. Ёки ғорда қарор тутган Тариэлни сахромда вахшийларни дўст тутган Мажнунга ўхшатади: «Жониворлар ўртасида Мажнун каби нолакор». Жаннатда ўсадиган Тўбо дарахти, сарв, шамшод, базми жамшид каби шаркона тимсолу ташбеҳлар, муболағали тасвирлар ҳам шундан далолат беради. Мана, Автандилнинг маҳбубаси Тинатин таърифи:

*Сочлар – қатрон, ёноқ – бишлур,
лаблар – ёқут, тишлар – дур...*

Тинатин ва Нестонга нисбатан қуёш юзлик, ой чехралиқ каби истиоралар кенг кўлланади. Масалан, кўчадан ўтиб бораётган Дарижон ҳакида ҳалқ шун-

дай дейди: «Қаранглар-чи, қуёш кўқдан тушиб, ерда юрибди!» Ёки: «Куёш кайтиб келишини кутсин бунда Ой хозир». Бунда истиора сифатида Куёш – Дарижон, Ой – денгиз шахри шохи Сурҳав Маликнинг ўғлини билдириб келмоқда. Арғумоққа минган Тариэл асов арслонга минган куёшга ўхшатилади: «Куёш гўё минган эди бу пайт асов арслонга». Бу ташбеҳнинг охорлилиги Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонидаги куйидаги мисраларни ёдга солади:

*Кетурдилар бу хинги бодпаймой,
Равон минди шафақ гулгунига ой.*

Бу ерда оппок кийинган Шириннинг қизил отга минишини улуғ шоир шафак узра ойга киёс қиласди.

Жинларга асир бўлган Дарижон ҳакида эса: «Аждаҳонинг ҳалкумига тушган эди тўлин ой», – дейди.

Руставелининг муболагалари ҳам кўтаринки ва фавқулоддалиги билан Шарқ шоирларини эсга солади. Масалан, ғордан олинган килични таърифлаб: «Пўлатларни нак қофоздай кесар эди beminnat», – деб ёzádi. Бу Фарход тешасининг тошни сариёғдай кесиши ҳақидаги муболагани ёдга туширади. «Куёш инсонга айланиб, дилда ишқ-аланга қўзғаса-да, сендан ўзгани демайман!» – деб сўз беради Тинатин Автандилга. «Мен дайдиган маконларга етолмас булут ҳатто», – дейди Автандил Асматга ўзининг уч йил мобайнида Тариэлни излаб кечган сарсон-саргардонликдаги ҳаёти ҳакида ҳикоя килар экан. Нестон хусусида: «Жамолининг шуъласидан куёш бўлар бето-кат», – деб ёзса, Тариэлнинг дарду ғамлари тўғрисида: «Бу жафони тошлар кўрса, зирди аллақачон», – деб

муболаға килади. Буларнинг бари шаркона ташбехлар булибгина колмай. Шарқ шоирлари ижодида кўп учраганидан бир анъана тусини олган.

Руставели Шарқ шоирлари каби осмон жисмларидан ҳам ўз бадиий мақсади йўлида маҳорат билан фойдаланади. Масалан, Нурилдин-Фаридунни излаб, Мулкисангсор сари бораётган Автандил йўлда маҳбубаси хажрида ўртаниб, Куёшга, ойга ва барча сайёralарга мурожаат килади ва уларни Шарқ нужум илмида машхур сифат-хусусиятлари билан тилга олади. Зухал (Сатурн) баҳтсизлик келтирувчи сайёра хисобланади. Шунинг учун ҳам у айни сайёрага куйидагича мурожаат қилади:

*Зуҳал, сен-ку шум юлдузсан, майли, мени қўйдиргин!
Юрагимни гамга чулгаб, зулматларга қўмдиргин!*

Муштарий (Юпитер) Куёш тизимидағи энг катта сайёра бўлиб, ўтмиш мунажжимлари уни муборак, саодатли деб улуғлаб, Саъди акбар (баҳту саодат келтирувчи улкан сайёра), Фалак қозиси деб атаганлар. Шунга мувофик, Автандил дейди:

*Ҳаққонийлик посбони, эй Муштарий юлдузи,
Юракларда қайсаrlик бор, ўртада бул сен қози!*

Уторуд (Меркурий) фалак котиби, муншийси номи билан машхур бўлиб, ижод аҳли – шоиру ёзувчиларнинг ҳомийси, пири сифатида талқин қилинган. Автандил арзу додида бу хусусият ҳам ҳисобга олинган:

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Эй Уторуд, ҳимоячим! Дайдига қил илтифот!
Мен қўёшнинг асириман, куймоқда дилим, ҳайҳот!
Кўз ёшишни сиёҳ қилиб тасвир эт мусибатим,
Сенга қалам – найқамишдай чайқалувчи қоматим!

Шу тариқа, жангу муҳораба, фитнаю уруш рамзи бўлиб, кишиларга бадбаҳтлик келтирувчи шум ва бехосият сайёра Миррих (Марс), фалак созандаси, гўзаллик, санъат, мусика, ракс, курсандчилик тимсоли бўлган саъди асғар – баҳту саодат келтирувчи кичик сайёра – Зухра (Венера) ва бошқалар ҳам зикр этилади.

Шота Руставели забардаст сўз устасигина эмас, ўз даврининг барча илмларини згаллаган қомусий олим ҳамда олам ва одам, тириклик моҳияти, инсон табиатининг ижобий ва салбий кирралари ҳақида теран мuloҳаза юритган мутафаккир ҳам эди. Достондаги кўплаб байту мисраларнинг ҳикмат каби, ҳалқ мақоллари каби жаранглаши шундан. Чунончи:

Душманларнинг энг хавфлиги – дўст кўринган душмандир.

* * *

Гул шохига қўнса, ўзин булбул сезар қарга ҳам.

* * *

Ёвузликнинг умри калта, яхшилик-чи, умрзоқ.

* * *

*Одамзодки, муродига етиб қолса ахир,
Унумилиб кетгучидир аччиқ кунлар тахири.*

* * *

Одамзоднинг донолиги ютуқларга қалимдир.

Бу ҳикматлар некбинлик рухи билан йўғрилгани, яшашга, курашга ундаши, ғаму тушкунликларни енгиб ўтишга йўналтириши билан икки карра таъсир кучига эга:

Бадбаҳтиликни енгади баҳт ҳамиша бу жаҳонда!

* * *

Дейдиларки, жўмард одам баҳт топгуси ҳар қачон.

«Бу дунёни ташлаб кетсанг, етасанми муродга?!» – дейди тушкунликка тушиб, ўлимини истаб колган Тариэлни севгиси учун курашишга чакириб Автандил.

У ҳаёт мохиятини шундай тушунтиради:

Бу дунёнинг севгисида синов, заҳмат қўрамиз.

Шум фалакка бўйин эзмоқ одамзодга номус-ор...

Донишманд бўл! Ҳикмат билан тўсиқларни енг ташла!

Эр киши мард бўлмоги шарт: кам йиглаю кўп ишла!

Балоларга, баҳтсизликка қалъадай тур устувор...

Шоирнинг кўп ҳикматлари такдир деб қўл қовуштириб ўтирмасликка, балки баҳт учун курашишга чакириди.

Шу тариқа, «Достонларда билинади шоирларнинг аълоси» деган Руставели ўзининг буюк инсонпарварлик ғоялари ҳамда дунё, ҳаёт ва инсон умрининг маъноси ҳақидаги муҳим қарашларини теран тафаккур қурдати ва ҳассос қалб кечинмаларига омихта қилган ҳолда катта маҳорат билан ўз асарида акс эттиради. Асарнинг умрбоқийлигини таъминлаган омил мана шунда.

«Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони Максуд Шайхзода ва Миртемирлар таржимасида 1959 ва 1966 йилларда икки марта нашр этилган. Таникли грузин шоири ва таржимони Г. Цагарели таржимаси – достоннинг рус тилидаги таржималари ичида аслиятга энг яқини ҳисобланади. Ўзбек тилидаги таржима ана шу нусхага асосланиб амалга оширилган. Ушбу нашр ана шу таржиманинг бир кадар кискартирилган нусхасидир. Бунда биз достон сюжети, воеалар ривожида узилиш бўлмаслигига ҳаракат қилдик.

Эргаш ОЧИЛОВ

ДЕБОЧА

... Шер султонки, қалкон-найза, тифи паррон¹ эгаси,
Зулфи ақиқ бонумизки, замона маликаси,
Ёзолмасам керак улар шаънида таъриф – ғазал,
Ким уларга бир тикилса, топар гўё бол – асал.

Тамаранинг ҳашамати қамаштирас кўзларни,
Гулчамбардай ўраб бердим мадҳиялик сўзларни,
Ақиқ кўзнинг қўлларидан сиёҳ ичди қаламим,
Ништар каби юракларни тилсин куйим – аламим!

Маликаи Тамарани ширин куйда куйламок,
Мужгонларин², биллур юзин, лаъли лабин сўйламок,
Осон эмас мадҳ айламок инжу тишин ва қошин,
Аммо олмос қирралашга ярап юмшок қўрошин.

Менга лозим сўз куввати, оташин дил ва рубоб.
Менга лозим фаросатки, зеҳним олсин ундан тоб.
Улуғлайлик Тариэлни, у оламнинг зийнати,
Охиратлик ўртоқ бўлмоқ уч ботирнинг қисмати.

Тариэлнинг мотамига кўтарайлик биз фиғон,
Бундай дардга дучор бўлди на гадою на султон,
Мен-ку исмим Руставели, изтироблар кўрдим мен,
У қадимий эртакларни инжу каби тердим мен...

¹ Паррон – учувчи.

² Мужгон – киприк, мижжа.

Минг-минг кафтда жилваланган жанубнинг
дурдонасин,
Гуржистонга кўпдан бери маълум Шарқ афсонасин –
Мехр кўйиб пардозланган мисраларга тиздимки,
Маликанинг лутфи бирла камайсин азоб юки...

Рухга сафо бермокчиман, ўртанса-да баданим,
Уч сипохий¹ баҳодирни қилгусиман тараннум...

1

АРАБ СУЛТОНИ РОСТЕВОН ТАЪРИФИДА

Арабларда султон бўлиб ўтган эди Ростевон,
Парвардигор лутфи билан ҳукми баланд, зўравон.
Ўзи сахий ва донишманд, одил ва конунпараст,
Суҳбатларда шакаргуфтор², урушларда забардаст.

Подшоҳнинг ўғли йўғу битта қизи бор эди,
Юлдузларнинг ўртасида куёшдай дилдор эди:
Уни кимки гар бир кўрса, бўлар эди ошуфта³,
Шоиргина унинг ҳуснин мактай олур таърифда.

Мактovларга лойик қизнинг исми эди Гинатин,
Унга бокиб қуёш ўзи хира бўларди бутун.
Бир кун барча вазирларин чакиртирди подшоҳ,
Бу кенгашга етиб келди аъён⁴, маҳрам, аҳли жоҳ⁵.

Султон деди: «Ташвишимга сиздан кенгаш сўрайман,
Баҳор фасли ўтиб кетиб, гул сўлмокка бошларкан,

¹ Сипоҳий – аскар.

² Шакаргуфтор – ширин сўэли.

³ Ошуфта – ошик, шайдо, гирифтор; паришон.

⁴ Аъён – шоҳ ҳузуридаги улуғ мартабали кишилар.

⁵ Аҳли жоҳ – амандорлар, мансабдорлар.

Бошка бир гул яшнаб олиб, гулистонни безайди,
Аммо күёш совуб колса, зулмат чўкар абадий...

Умрим тугар. Қариликдир касалликнинг ёмони,
Одамзоднинг қисмати шул: ажалдан йўқ омони...
Агар ёруғ ўчиб кетса, у бефойда ва бекор!
Куёш юзлик маликамни килсакмикан хукмдор».

Вазирлардан унга жавоб шундай бўлди: «Киблагоҳ,
Ҳаммага ҳам равшандирки, гул сўлиса баногоҳ¹,
Гул атрига тенг келолмас ҳеч бир чечак, барибир!
Ҳатто эски ой ўроғи юлдузлардан ёркиндин!

Қайғурма шоҳ! Гул сўлмабди! Сенинг ноҳақ сўзинг ҳам
Бировларнинг ҳикматидан бизга азиз, мукаррам,
Қалб буйруғин ҳеч айнамай сен амалга оширгин:
Сен тахтингни шафак юзли ёш қизингга топширгин!...»

Бир амирнинг ўғли эди машҳур сардор Автандил,
Хусни күёш баробари, шамшоддай² қадди адил,
Бўлиб эди бу қаҳрамон маликанинг хуштори,
Тинатиннинг киприклари гўё найза қатори...

Аммо маҳфий тутар эди у севги можаросин,
Куёшсизлик тез сўлдирап гулнинг қирмиз либосин.
Лекин нурлар унга ёғса, кизаради гултожи,
Ишқ заҳрини тотиганнинг йўқдир бошка иложи!..

Султон амри тез тарқалиб кетди араб элига:
«Мен тахтимни ўзим хоҳлаб бердим қизим қўлига.

¹ Баногоҳ – кутилмаганда, тўсатлан, дафъатан.

² Шамшод – хушкомат ва чиройли дарахт.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯГИ ДУРДОНАЛАРИ»

Одамларга баҳт келтирсин қуёш юзли малика.
Ҳамма ёқдан тўпланинглар тантанага, табрикка!»

Йиғилишди араб эли, аъёнлар-ла баробар
Келиб қолди Автандил ҳам – у шуҳратли сарлашкар:
Султон дўсти Сукрот вазир – у ҳам бўлди муҳайё,
Тахтни кўргач ҳамма деди: «Кўп ажойиб, бебахо!»

Умидларга тўлган султон кизни тахтга ўтқазди
Ва шохона олтин тожни қиз бошига тутқазди.
Зардўз либос ва салтанат ҳассасини топширди,
Тинатиннинг яркираши кувончларни оширди.

Шоҳ ва лашкар куллук килиб олдида бош эгдилар,
«Маликамиз, омон бўл!» – деб ҳаммаси тиз чўқдилар.
Ҳамма ёкни янгратиб карнай ва жом чалинди...
Сўнгра султон меҳмонларга катта зиёфат курди...

... «Подшоҳга хурматсизлик навкарга катта гуноҳ! –
Автандил дер: – Ҳаммасини мен айтаман, шаҳаншоҳ
Аммо гапни очик десам, гуноҳимдан сен кечгин!
Менга жазо бермаслигинг хусусида онт ичгин!»

Султон деди: «Мен шаддодлик қилмай,
айбинг кечаман,
Нуридийдам Тинатиннинг номига онт ичаман!»
Автандил дер: «Шогирдингни эшигтгин, улуғ устоз!
Шу базмни тутатайлик яхшиликда, дилнавоз¹.

Шоҳ олдида ўрним ҳасча, аммо менда бор ҳунар,
Ўзишайлик, бизга ҳакам бўлсин зийрак мерганлар.

¹ Дилнавоз – кўнгилни овловчи, дилни яйратувчи.

Ҳануз енгмай мақтанишни яхши кўрар ожизлар,
Тирандозга¹ совринларни копток ва ўқ келтирас!»

Султон деди: «Мардлигингга мен қойилман астайдил.
Бу шартингга мен розиман, баҳслашайлик, Автандил!
Бизга ҳакам бўлиб колсин ўткир кўзли мерғанлар.
Баҳсимизнинг оқибати шикоргоҳда² кўринар!..»

Султон айтди навкарларга: «Чикиб чўлга, ирмокқа,
Тонг отарда жонворларни хайдаб келинг овлокка!»
Сипоҳларга буюрдики: «Мени кутинг бўлиб шай!»
Базми жамишид³ тугаб колди. Кўп эди таом ва май.

Тонг ёригач, отин суриб сардор келди дарборга⁴...
Саркардани кўп кутдирмай султон дарҳол отланди,
Чиндовуллар⁵ даштга чопди, тиғларда нур товланди.
Суворийлар⁶ от кўйдилар, ҳамма ёқ шовкин-қийғир,
Ҳар иккови жониворларга ўқ узди мисли ёмғир...

Кирда, ўрда ва увада чопишарди ҳайвонлар,
Кийиклару буғулару тез чопагон кулонлар⁷.
Подшоҳ ҳам, саркарда ҳам қувлаб бориб овларни,
Кўп забардаст кўлларида тортар эди ёйларни.

¹ Тирандоз – ўқ отувчи, мерған.

² Шикоргоҳ – ов майдони.

³ Базми жамишид – катта, дабдабали ва тўкин зиёфат.

⁴ Дарбор – сарой.

⁵ Чиндовул – дубулға шаклидаги, бир томони тери билан копланган урма чолғу асбоби (ҳарбий юришлар ва турли маросимларда кўлланган).

⁶ Суворий – отлик аскар.

⁷ Кулон – ёнвойи эшак.

❖ **ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ** ❖

Кунни булат қоплагандай тўсиб олди чанг-тўзон
Ва янчилган чаманларда буғланарди кизил кон.
Бўшаб колган садокларга янги ўқлар кўйилди,
Жониворлар ўқ захмидан¹ ер билан яксон бўлди...

«Менинг овим ошиқ бўлди!» – «Йўқ, менинг
ўлжам кўпроқ!»
Шоҳ ва сардор шундай қилиб баҳслашарди хушчакчак.
Навкарларга қараб султон ташлади шундай сўроқ:
«Хушомадгўй бўла кўрманг, ростин дент, ким
устунрок?»

Дедиларки: «Тўғри сўздан ғазабланма, хукмдор!
Сендан энди ўзиб кетди ўз шогирдинг неча бор!..

Сенинг ўлжанг икки мингта бўлгандир шу орада,
Автандилнинг отганлари икки марта зиёда.
Унинг ўки биронтаси беҳудага учмаган,
Сенинг талай ўкларингни биз чикардик тупроқдан!»


Нардда ўйнаб ютсан каби шохнинг кўнгли бўлди тўқ:
«Ха, арзандам ғолиб чикди! Унақаси бошқа йўқ!..»
Икковлари отдан гушиб соязорда ўтирди,
Найзабардор сипоҳийлар саф тортишиб йўл юрди...

II

**АРАБ СУЛТОНИНИНГ ЙЎЛБАРС ТЕРИСИНИ
ЁПИНГАН ПАҲЛАВОННИ КЎРИБ ҚОЛГАНИ**

Кўрдиларки: сой бўйида йиглар битта мусоғир,
Жиловида кора тулпор, ар

¹ Захм – яра, жароҳат.



«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Эгар-жабдук, курол-ярок безаклари гавхар тош,
Икки бетда кировланар кўздан тинмай оккан ёп.

Елкасида яркирарди йўлбарс тери – зар мисол,
Телпаги ҳам шу теридан: ўтиради жимжит, лол;
Нақшин эди кўлдан йўғон камчисининг дастаси,
Мард кўркига койил бўлди шоху кўшин – барчаси.

Мусофири ни чақиргали шоҳ жўнатди битта кул,
Сой бўйида бошин згиб, йиғлар эди у нуқул;
Шаффоғ ёмғир ёғар эди йўлчининг жуфт кўзидан,
Шошиб қолди шоҳ элчиси ва адашди сўзидан.

Шоҳ амрига тили қелмас, ваҳимада кул ғоят,
Мусофири ниң чиройига мафтун бўлиб ниҳоят
Пичирлар: «Шоҳ айтдики, сиз...» ва ёндашар
бирма-бир,

Лекин хаёл қучоғида номаълум у баҳодир.

На кўшиннинг суронлари ташвиш солар йўлчига,
На қайрилиб бокар эди шоҳ юборган элчига;
Нақ оловда тўлғангандай, дилдан кўпар¹ дод-фиғон,
Ғусса тўла кўзларидан куйиларди ёш ва кон.

Мусофири ни ҳаёллари олисларда кезарди!
Ҳайрон кулга на қайрилар, на тинглар, на сезарди...
Жавобсиз ҳам зътиборсиз қайтиб келди кул охир,
Деди: «Кўриш истамайди сени йўлчи баҳодир!..»

Қовок солди, ғазабидан ҳайрон ва лол эди шоҳ,
Ўн иккита хос навкарни чорлаб, кескин деди шоҳ:

¹ Қўймоқ – кўзгалмок.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

«Куролланинг ва амримни бажо этинг тўхтовсиз!
Кимки ўқтам, у қайсарни тутиб келгай аёвсиз!»

Навкарлар ҳам ёндашмокда; чўчиб тушди даргумон –
Юланч топмай, тиним олмай йиглаётган пахлавон.
Кўрдики – шоҳ қўшинида аниқ бежо ҳаракат,
«Эвоҳ!» – деди сукунатга ғарқ баҳодир дар ҳайрат¹.

Ғамли кўзлар тўккан ёшин кўли билан силди тез,
Белда килич, ёнда ўқдон – садоқни ҳам илди тез.
Отланди-ю чопа кетди, ёлворишар куллар хит,
Кетга бокмас, кулоқ солмас олис юртлик чўнг² йигит.

Терс меҳмонни тутмок учун чўлда кўшин тўсар йўл,
Ёндашганни абжак этар у кўтариб ночор қўл:
Ағдаарди, тўнтаарди, бош ёрарди беомон,
Камчи ураг, кетга сурар, ишлатмайн ўқ, камон.

Шоҳ ғазаби баттар бўлди: «Кувла!» – деди лашкарга,
Бари бекор, йигит чопар парво қилмай хатарга;
Кимки етса, даст кўтариб, от тагига отарди,
Уни бунга ураг эди, шоҳнинг қаҳри ортарди.

Охир шоҳ ёш Автандил биргаланиб кўйди от,
Борган сари узоқлашар нотаниш у қайсар зот;
Учар кора аргумокда кундай ёркин шахсувор³,
Бехуда от чопарди шоҳ, қалбидан ранж ва озор.

¹ Дар ҳайрат – ҳайратда.

² Чўнг – катта, улкан.

³ Шахсувор – чавандоз.

У билдики, шоҳ келмоқда, шоҳ қилмоқда илтижо,
Лекин кўздан ғойиб бўлди, ундашларга бепарво...

Хайрон кўшин чўлда ҳадеб нари-бери от чопар,
Сехргардай кўздан учди; на белги, на из топар;
Яраларни боғлаб кўшин ўлганлар-чун йигида;
«Омад кетди!» – дер Ростевон, бағри алам тигида...

От бошини уйга буриб, жўнаб қолди шоҳ дарров,
Кўшининг дедиларки: «Тамом ортик базму ов!»
Кўшин бир-бир тарқар овдан, ўйин-кулги тақа-так,
Бири айтар: «Бекор бўлди!» Ўзгаси дер:

«Подшоҳ ҳак!»

Ётоғига киради шоҳ ҳорғин ва ганг, эзар ғам,
Бирга кирап ўз ўғлидай суюкли Автандил ҳам.
Шоҳни ғамгин кўриб тарқар чўрилару сардорлар,
Жарангламас занг, чилдирма – овоз бермас

чилторлар...¹

Қиз дер: «Шоҳим! Сабр этайлик, хайри бўлур нихоят!
Дуруст эмас оғир кунда бад² толедан шикоят...

Одам бўлса агар тўсат кўздан ўчмиш чавандоз,
Ахири у биронтага дуч келар-ку кишми, ёз.
Агар шайтон васвасаси бўлса ўша кўрганинг,
Кувон, айш сур, маъкул эмас ғам юкида юрганинг!..

Ҳар томонга чолар жўнат, ахир бўлгай сир аён:
Ким у ўзи – келгинди бир хаёлотми ё инсон...»

¹ Чилтор – кўп торлн қадимий чолғу асбоби.

² Бад – ёмон.

← ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ →

Шоҳ амрига қулоқ солар сафарга шай кўп чопар:
«Йўлга тушинг, жон аяманг ҳам келтиринг бир хабар:
Фойиб қайсар изин топинг! Олис элларга бўлса,
Нома ёзинг ва ўтининг, шояд жавоби келса!»

Булар не-не йўллар ўтиб, юрт оралаб чопдилар,
Бир йил дайдиб, баҳодирдан на сўз, на из топдилар.
Мен кўргандим ё эшитдим, дегучи ҳеч бўлган йўқ,
Хорғин, ночор кайтди бари, кўнгиллари тўлган йўқ.

Арз этдилар: «Эй ҳукмдор, оч ва ташна кездик биз,
Кайсар, кочкин у йигитдан тополмадик дарак, из;
Йўлбарс тери ёпинганни кўрган киши бўлмади,
Ўзгаларни юбориб кўр, бизда мадор колмади!»

Ростевон дер: «Аниқ бўлди шоҳ қизимнинг ҳак сўзи!
Йигит бўлиб кўринибди, асли шайтон у ўзи;
Бошга бало, кўзга эса сукмоқ бўлмиш хору¹ хас;
Ўйнант, кулинг, дафъ бўлди ёв, шоҳга қайғу
ярашмас!...»

Автандил ўз ётогида ёлғиз ҳордик оларди,
Кўйлакчан-ди, секин қуйлаб, секин рубоб чаларди;
Тинатиннинг қора кули кириб келди бош эгиб:
«У ой юзли ўтирибди йўлингизга кўз тикиб!»

Хушхабардан лол Автандил айтарди юз шукrona,
Кимматбаҳо либос кийиб, йўлга тушиди мардона...

Киз касрига келди йигит, дилда умид жўш урап,
Ҳасратида, ахир, талай ёш тўкару тек юрап.

¹ Хор – тикан.

Юлдузлардан ёруғ эди, яшинлардан ярқирок,
Тенгсиз хусни туш чоғида қуёшдан ҳам ёркинрок...

Юзларида шаффоф парда, ўйчан эди малика,
Ўтириң; дер Автандилга, лаблар ўхшар лаълига¹.
Кул курсини суриб кўйди; соғинчларда ёнган дил,
Қуёш – киздан кўз узолмас, баҳтдан рози Автандил.

Охир деди: «Бахтиёрмен, муруватинг шоҳона,
Порлок қуёш каршисида ой ёруғи – афсона.
Ақлу хушим ўзда эмас, олди хуснинг жилоси,
Ўзинг айтгин, нима қилсан бўлур қайғунг давоси...»

Қуёш юзли шоҳ киз дарров Автандилга дер жавоб:
«Билардимки, яшрин ишқда ўртанардинг – дил кабоб.
Аввал яқин эмас эдик; сириң очдим, бўлма лол,
Хозир дегум мени кийнар нечук ташвиш ва хаёл.

Ёдингдами, овда бўлдинг ҳукмдор-ла бир замон,
Дуч бўлганди йиглөк, ғарип ва нотаниш қаҳрамон;
Ўша кундан юрагимни эзар аччик хотирот.
Дунёни кез, топиб келгил, билайлик – ким ўша зот!..

Уч йил тинмай излагин сен ва қайтмагин безафар,
Энг бахтиёр куним бўлур – сен келтирсанг хушхабар.
Аниқлаб қайт: одамзодми ё алдоқчи руҳми, ким?
Пешвоз бўлгум ғунчалаган бодом янглиғ², севгилим!

¹ Латъ – кизил рангли қимматбаҳо ялтироқ том.

² Янглиғ – каби, ўхшаш, мопанд, сингари.

Тангрим гувоҳ, сендан ўзга сайлар бўлсам мен куёв,
Одам бўлиб қуёш, дилда қўзғаса ҳам ишқ-олов,
Сени дейман, сўздан қайтсан, жоним борсин жаҳаннам,
Севгинг тиғдай юрагимни парчаласин ўша дам!»

Киприклари ақиқ қизга жавоб айтар баҳодир:
«Севганингни билдим, бўлди, нетсин менда хавотир?
Жон чекиб мен ўлмоқдайдим, бағишладинг сен ҳаёт,
То ўлгунча кулинг бўлай, майли ўлдир, майли от!..»

Қайта-қайта ваъда берар бир-бирига икковлон,
Узок, ширин сухбатга банд пошшо қиз ва паҳлавон...
Икки ёник дил сухбати тингани йўқ кўп маҳал,
Ёкут лаблар ширин-ширин бўса олди галма-гал...

Хайрлашдилар, икковга ҳам оғир эди бу ҳижрон,
Ёр юзига қайта-қайта тикилади паҳлавон.
Ёши окар, кўксин эса тешар кайғу ханжари,
Йигит ишқи чексиз эди, тенгсиз эди дилбари...

Жаҳонғашта, зийрак полвон йўлга бўлди равона,
Йигирма кун йўл юрди у кеча-кундуз мардона.
У салтанат суюнчидир, у душманинг заволи,
Йирок кетмас кўз ўнгидан Тинатиннинг хаёли.

Ўз мулкига келди полвон, суюнч тўлди ҳар ёнга,
Фармонбардор¹ сипоҳлари пешвоз бўлди полвонга.
Офтоб юзли баҳодирнинг саёҳатга вақти оз,
Кўрган кўзга суюнч берди, аммо йўлга тушар боз².

¹ Фармонбардор – итоат килувчи, муте.

² Боз – яна, тагин.

Душманига хавф солгудай қалъаси бор мустаҳкам,
Айланаси баланд тоғлар, ёв кўёлмас ҳеч қадам.
Уч кун туриб, овда юриб ором олди жонига,
Кенгашгали Шермадинни чакирди ўз ёнига.

Шермадин – кул, ёшлигидан бирга ўсган курдоши,
Ихлос кўйган содик дўсти, ҳатто якин сирдоши.
Аммо ҳануз билмас – полвон дилида ишқ тафтини,
Бугун ботир очик айтди Тинатиннинг аҳдини:

... Ўз ўрнимга сени айлай лашкарбоши, хукмдор,
Сендан ўзга, ўзинг айтгин, ишонгулик кимим бор?..
... Уч йилдан сўнг келмас эсам, кийгил мотам жомаси¹,
Васикада сенга ўтар мулку давлат ҳаммаси».

IV

АВТАНДИЛНИНГ БЕГОНАНИ ҚИДИРИБ ЮРГАНИ

... Арабларнинг диёридан босиб ўтгач тўрт манзил,
Чўллар оша ғурбат элга бориб етди Автандил...

Кунчехрани соғинса-да, ҳар лаҳзада Автандил,
«У ёр учун чидагайман», – деб турарди у дадил.
Кезиб юрди узок элни, чўлларни, ёт томонни,
Кўп қидирди йўлбарс пўстин кийинган паҳлавонни...

Кезди дунё йўлларида, мусофирилик кўйида,
У кўрмаган жой колмади етти иклим бўйида.
Аммо унинг дардларига малҳам кўяр бир одам –
Тополмади дайдиса ҳам уч санадан уч ой кам.

¹ Жома – тўн.

Сарсон юриб пираварди¹ етди даштий бир элга,
Осмони кўп бадқовок, кимсасиз, куруқ ўлка.
Кеча-кундуз азобларда соғинарди нигорин,
Айрилиқда шунча жафо на Вис кўрган, на Ромин².

Излаб топди баланд тоғда тунайдиган жой – қўним,
Нари ёқда чўзилганди етти кунлик сахро – кум.
Ёнбағрида оқишарди булоклар кумушсимон,
Тезоб ирмок кирғозида кораярди зич ўрмон.

Шу ўринда хафталарни чўтлаб кўрди каҳрамон,
Сал кам уч йил ўтганини билиб тортди ох-фиғон...

Ташвишланиб сўрар эди: – «Энди колди не чора?
Қайтайинми? Нега бўлдим шунча йиллар овора?!
У номаълум пахлавондан тополмасам ҳатто из,
Энди қайтиб кунчехрага нима дейман мен баҳтсиз?..»

Шум толеин қарғаб-қарғаб у қайтмоққа жазм этди,
Узок йўлга тикилди-ю, хаёлга чўмиб кетди:
Роса бир ой бирон маскан учратмади йўлларда,
Биронта ўқ узмаганди жонворларга чўлларда.

Гарчи уни алам эзиб, изтироблар енгганди,
У ҳам инсон бўлганидан очлиги билинганди.
Овлаб Рустам Зол³ қўлидек дароз⁴ ўқ-ла бир буғу,
Отдан тушди, чақмоқ чакиб, гулхан ёқди кирда у.

¹ Пиравард – охир, сўнг, натижа.

² Вис ва Ромин – Фахриддин Гургонийнинг «Вис ва Ромин» достони каҳрамонлари.

³ Рустам – «Шоҳнома» каҳрамони. Золнинг ўғли.

⁴ Дароз – узун.

Ўтда кабоб пишираркан, от ўтларкан ўтлоқда,
Келаётган отлиқларни кўриб қолди шу чокда...

Ўқ-ёйини тутиб ботир чопди уларга карши,
Ушлаб нимжон бир йигитни судрарди икки киши.
Пешонаси ёрилгану бош ёстанган елкага,
Кон кўп кетган, ранги ўчиб, ўхшаб қолган мурдага.

Ботир деди: «Ҳай номардлар, қароқчилик феълингиз!»
Улар жавоб қайтаришди: «Ҳайиқмай бер ёрдам тез!..»

Автандилнинг сўроғига йўловчилар қарашиб
Бошга тушган можарони нақл этдилар инграшиб:
«Биз хатовлик¹ уч оғайни, бўлиб колдик шарманда,
Бунча тахкир этилмасдик, бўлса эдик ватанда.

Бутазорда күш-инқ кўп деб эшитгандик баногоҳ,
Ану ерда сой лабида курган эдик лашкаргоҳ;
Сатта² мерган бўлиб кездик дараларда, яйловда,
Мўл ўлжадан рози бўлиб бир ой юрдик биз овда...

Бадковоқ бир сипоҳини пайқадик шу ародада,
Зулукдай тим кора оти йўрғаларди сахрова.
Елкасига чипор йўлбарс терисини ёпинган,
Чехрасига teng келолмас тўлин ойнинг ўзи ҳам...

Унинг йўлин тўсмоқ бўлдик, кимлигин билайлик деб,
Аммо қаттиқ жавоб олдик яхшигина калтак еб...

¹ Хатов – Шимолий Хитойда яшаган мўғул қабиласи.

² Сатта – факат, нукул, хамиша.

Кўрасанми, ху олисда кетаётир паҳлавон,
 Ўз йўлидан айнамайди қуёпсимон, ойсимон...»
 Автандилга кўрсатдилар йиғлаб-йиғлаб йирокни,
 Куёш юзли отликни-ю, Гиротдай¹ арғумоқни.

Шунда сардор бўлиб кетди кўз ёшлардан осуда,
 Шунча йиллар бу дунёда юрмабдикан бехуда?
 Одамзодки, муродига етиб қолса ахири,
 Унутилиб кетгусидир аччик кунлар тахири.

Айтди: «Мен ҳам ғурбатларда дайдиб юрган
 дарвешман,
 Паҳлавонни излаб-излаб тортдим талай ташвиш ман;
 Ғойиб бўлган изларини мен сиздан олдим хабар,
 Тангрим сизни ярлақасин, кўрмагайсиз дард-хатар...»

Хайрлашди ва арғумок биқинин никтаб кетди,
 От тушовин узиб кочган лочиндай ўқтаб кетди.
 Талпинарди куёш билан кўришмоққа Автандил,
 Бора-бора кутуларди изтиробдан, ғамдан дил...

Қора олиб қува кетди икки кундуз-икки кеч,
 Кочкин-кувгин икки отлик дам олмади йўлда ҳеч...
 Кеч кирганда рўпарада қўккайди тоғ – улуғвор,
 Пастда ирмок кўринарди, тоғ бағрида зса – ғор...

Ирмокнинг сув кечигидан кесиб ўтди Автандил,
 Бир чеккада арғумокни тушовлади ва дадил –
 Бир чинорга тирмашди-ю, барглар аро яширин
 Таъкиб этди бегонанинг ғорга қараб боришин.

¹ Гирот – Гўрўғлининг афсонавий оти.

Фор оғзига етиб олгач, шўрпешона сувори –
 Фор ичидан чика келди кора кийган бир пари.
 У дилбарнинг кўз ёшлари тўлдиргудай денгизни,
 Ботир шунда отдан кўниб, кучиб олди у кизни.

Қиз – тинкаси қурган дилбар, ғам ичра гирён¹ эди,
 Ботир ўзин синглисидай унга меҳрибон эди.
 Фарёдларин акс садо кайтариб турар эди,
 Бу лавҳага моту маҳтал Автандил карап эди.

Йиғи-сиғи гўё бир оз дармонларин тиклади,
 Қиз жиловлаб арғумокни фор томон етаклади.
 Эгма-букма камонларни ва зарб еган қалконни,
 Ечинтириб қиз олди-ю, форга элтди ўғлонни.

Автандил дер: «Бунда ҳали кўргилигим бор талай!»
 Тонгда чиқди фордан у қиз тун бўйи мижжа кокмай.
 Арғумокқа сув ичирди, юганлади, ўша вакт –
 Эгарлади, жуба²-ярог олиб чиқди таппа-тахт.

Биқик жойлар бу ўғлонга ёқмас экан унчалик,
 Айриларкан қиз йигларди: «Борми бадбаҳт менчалик!»
 Ботир уни кучиб ўпди, отланди арғумокқа.
 Кизда мадор-куч йўқ эди ғуссасин емирмоқка...

Кеча келган йўлдан тағин жўнаб кетди сувори,
 Чангалзордан ўтиб чикиб юзланди ува³ сари...

¹ Гирён – йиғловчи, йиғлаб турган.

² Жуб (б) а – совут.

³ Ува – пасттекислик.

Ўтлоқдаги арғумокни тез эгарлаб паҳлавон,
Чопа кетди қояларда оғиз очган ғор томон.
Уни карши олиб чиқди кўп паришон ғамгин киз,
Ўйлабдики, қайтиб келди у биллурин лаълий юз.

Лекин ўзга киши кўргач, қиз ялинчок фарёд-ла,
Юз ўгириб, ғорга караб қоча кетди вой-дод-ла.
Ўғлон кизга етиб олди, у күш каби тузокда,
Ох-войлари янграп эди тоғда, кирда, узокда.

Киз зуғум-ла талпинарди, ўчган эди ранглари,
Қарчиғайдан типирчилаб қолган каклик сингари:
«Тариэл!» – деб киз қичкириб, сўрар эди омонлик,
Ботир касам ичиб дерди: «Сенга қилмам ёмонлик!

Кўрқма! Мен ҳам одамзодман! Жонга тегди саёклик,
Таркидунё паҳлавонни насиб бўлди кўрмоқлик.
Қадди шамшод, чехраси кун у ботирдан сўйлагин,
Ўтинаман, қичкирмагин, мени дўст деб ўйлагин!»

Киз жавобан: «Сен эсингни еб қўйдингми, ҳай тентак!
Қора босган эсу хушиңг ёруғласин кундуздак.
Минг уринсанг у кишининг сирин очолмайсан, бил,
Бу хусусда мендан сира қиссагўйлик кутмагил.

Унинг чаппа толеини билолмайсан мутлако,
Бесаранжом ҳолларини қалам ожиз ёзмоққа.
«Айта қол!» – деб ёлборсанг ҳам юз марта
 «йўқ» жавобим,
Кулги ғамдан яхши, аммо менга маъкул азобим...»

◊(жаҳон шеърияти дурданалари)◊

Тизни букиб киз олдида ялиниб-ёлборарди,
Аммо, афсус, билолмади, сирларин, пираварди.
Шиддат билан ғазаблангач, ўтинглардан тўхталди,
Киз кокилин ушлаб олиб, ханжарини ўқталди...

Киз дедики: «Пўписанг-ла, ҳеч бало қилолмайсан!..
Мунглуғ ахвол ўзи бизнинг сиримизга посбон...
Заҳматлардан безиб кетдим, ўлим менга бир чора,
Ўлдиравер, йиғилардан кутулай мен бечора...»

Сирни зўрлаб ололмаслик аён бўлгач ботирга,
Муродига етмоқ учун кўчди бўлак тадбирга;
Кўзларидан ёш тўкилиб, бошини солди кўйи,
Деди: «Хотин койитганлар тинчимас умр бўйи!»

Киз жим эди ғамли кўзин тикиб оёқ остига,
Мард йигларди эртаклардай ўтмиш тушгач эсига.
Ёноклари биллур чашма орасидан пуштиранг,
Киз ачиниб, кўз ёшларин тиёлмасди лол, гаранг.

Кутилмаган ишонч билан киз энгашди ботирга,
Аммо ҳануз шубха-гумон ҳоким эди хотирга.
Қаҳр ўрнига илтифотни кўргач, ботир севинди,
Тиз чўкди-ю, кизга шундай сўзлар билан ялинди:

... «Ишончингга мухтождирман, навкаринг,
кулинг бўлай,
Ҳижронзада ошиқларга шафкат килмоклик кулай...»

Қониқмаган ишқ наклини эшилди-ю у дилдор,
Қайта бошдан хўнграб кетди, кўз ёшлари шашқатор.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Ҳаяжон-ла қулоқ солиб йиғиларга, фарёдга,
Фаҳмлади Автандилки, у етгудай муродга...

«Мұхаббатнинг бандасиман, синовларга йўликкан,
Бегонани топмоқлиқка ёримдан буйруқ чиқкан.
Мен дайдиган маконларга етолмас булут ҳатто,
Аммо ёрлар қалби, эй киз, яхшиликка раҳнамо.

Ўша ботир арвоҳ қаби лип этиб қилди парвоз,
Уч йил бўлди пайдаман, ҳар нарсадан кечдим воз.
Энди сенга вобастадир¹ ё туткунлик, ёки эрк,
Сўзинг билан келтир менга: ҳалокат ё тириклиқ».

Энди қизнинг тасалибахш сўzlарин тинглади у:
«Кўп ялиндинг, дил юмшади, энди сендан йўқ қўрқув.
Аввал сочдинг юрагимга кек ва зуғум уруғин,
Аммо энди сингил топдинг туғишгандан ҳам якин...

Ҳамма гапни айтай, агар бизга бўлиб қолсанг эл,
Йўлбарс пўстли паҳлавоннинг қутлуғ исми Тариэл.
Менинг эса номим Асмат, дилни ёқар аланга,
Шум толеим дучор килиб кўйди фарёд, аламга.

Бу ғарибнинг қиссасини нақл этурман батафсил,
У дарбадар, олиб кўйган ёвлар дилин муттасил.
Овқатимдир у келтирган ов ўлжаси: куш ва инк.
Бир кетганча қачон қайтур? – Айтолмайман мен аниқ.

Ўгитимга сен қулоқ сол, бизлар билан бунда қол,
Ўртангизга ўзиб тушиб, боллайман ишни дарҳол.

¹ Вобаста – боғлик.

Сизларни мен таништирсам, тезда бўларсиз инок,
Паҳлавоннинг хабарини ёрга элтарсан қувноқ».

Автандилга шундай пандлар бергунича у хури,
Эшитилди кечик ўтган отнинг дукур-дукури.
Пайдо бўлди у нотаниш гўё равшан бир юлдуз,
Саркардани ғор ичига бошлиб элтиб қўйди киз.

Деди: «Максад пайида кўп кулфат тортдинг «ёр» дея,
Энди етдинг муродингга, бирпас тургин хуфия.
Питирласанг жаҳли қўзғар, кишибозор у одам, –
«Мен-мен» деган не-не мардлар чўкди гурзи –
қўлидан».

Киз меҳмонни ғорда ички бошпанага кузатди,
Ўғлон отдан тушиб келиб камар-тиғин тузатди.
Ўғлон йиғлар, киз ҳам йиғлар тиймай жала қўз ёшин,
Бу холатга у бикингган меҳмон қарап яширин.

Икковлари бирор жигар ўлганидай йиғлайди,
Кўз ёшидан нам ёноклар заъфарондай¹ сарғайди.
Арғумоқни яланғочлаб киз оборди ғор томон,
Фарёдларга чек қўйди-ю, ғорга кирди паҳлавон.

Хузур билан бокар эди меҳмон жазманга ўхшаб,
Киз ётаржой тайёрлади ерга пўстаклар тўшаб.
Кўп толиккан у бегона ўтириди ётоғида;
Ялтиради олмос ёшлар салқиган қовоғида.

¹ Заъфарон – сарғини тус беруячи хушбўй ўсимлик; мажозан: сарик ранг.

Киз шу чокда чакмоқ чакиб, ўт кўйди ўчоғига,
 Кабоб сели томчилади ўтнинг лахча чўғига.
 Бир жаз кабоб шошилмасдан Тариэл олиб кўрди,
 Томоғидан ўтмади-ю, чайнамай улоктириди.

Жанг олдида аскар каби бирпас мизғиб олди-ю,
 Ғалат тушдан ҳайқирганча сесканиб уйғонди у.
 Шашпар¹ билан бош қонатиб, кўкрагига мушт урди,
 Асмат эса сўлғин юзин тирнади, бўзлаб турди.

Киз сўради: «Тушунмайман, – чин айтсан, –
 нима қилди?»

Ботир деди: «Бир кун менга бир подшоҳ дуч келди,
 Лашкари ов қуршагани шикоргоҳда кўринди,
 Суворилар овни кувиб кўп шошилди – уринди.

Дил оловда ўртанарди. Одамзоддан бекиниб,
 Дайдир эдим мен сўккабош, ёзмишимдан сўкиниб.
 Отдан кўниб, яшириндим бир ўрмоннинг остида,
 Тонг отганда йўлга давом этиб кетмок касдида!»

Асмат жавоб берганида дарди ортди юз чандон:
 «Сен хуркасан одамлардан, одам билан сухбатдан.
 Шўрлик такдир кишанларин узолмайсан аник бил,
 Ваҳшийлар-ла юриб, бўлдинг ўзинг ваҳший, барибир!

Толе сени кўп ранжитди, кунинг ўтди дарбадар,
 Пайт келди – топмоқ лозим бирон дўсту биродар.
 Бундай кипти чикиб қолса, рўйхушлик-ла кутиб ол,
 Жигарларни хуноб қилиб ўлиб кетсанг, бу – увол!»

¹ Шашпар – олти киррали гурзи.

Тариэл кўп ғамгин деди: «Тасаллидир бу жавоб,
Дардларимга топиларми бу дунёда бир даво?..»

Асмат деди: «Қаҳрланмай эшит мендан ўгит-панд,
Сенга мадад бермоғимни амр этгандир Худованд.
Билки, минбаъд, яхшиликлар тақдирингга ўнг келур,
Ҳаддан ошиқ азобларга, кийнокларга сўнг келур...»

Ботир деди: «Имоларинг, азизим, нима экан?
Наҳот, менга содик бир дўст юборибди Яратган?..»

Журъат билан Асмат деди: «Сўзларимдан койима,
Борди-ю, бир ўғлон сен-ла аҳд қилишиб доимо
Садоқатли дўстдай юрса юртма-юрт ёр, ҳамкадам,
Сен у билан душманчилик қилмасликка ич қасам!»

Деди: «Бунга мен розиман, миннатдорман шунча ман,
Мени ўн йил қийнаб келган нигорга онт ичаман!..»

Автандилнинг берк жойидан олиб чиқди киз тетик,
Пичирлади: «Хотиржам бўл, мақсадга келиб етдик».

... Тариэл кўп рағбат билан боқиб янги дўстига,
Кўлин олиб ўтирилар пўстакларнинг устига.
Иккови ҳам хўнграп эди, Асмат эса ёлборар:
«Етар йиғи, йўқса фалак ғамдан қорайиб борар!»

Хўнграётган Тариэлнинг юзида гўё киров,
Мусоғирга қараб унга билдири шундай сўров:
«Кимсан, қайга юзланасан, қайда манзил ва макон?
Ростин айтсам: мени ҳатто ажал ўзи унугран...»

Сидкидилдан хушнуд бўлиб жавоб берди Автандил:
 «Шафаклардан нуринг ошик, эй кудратли арслондил!
 Мен арабман. Ҳижозда бор мулким, касрим, кўргоним,
 Муҳаббатнинг оловида ўртамоқда шу жоним.

Ақлим-дилим асир қилмиш султон қизи – бекаси,
 Эндиликда араб мулкин у ўзи маликаси.
 Аввал сени бир кўрувдим, чўлдан ўтдинг шовуллаб,
 Сенга етай деганларни саваладинг хўб болаб...

Иш унмагач, хуноб бўлди султоннинг хотирлари:
 Амри билан етти иқлим кидирди шотирлари.
 Аммо дарак беролмади на кари, на ёш сендан,
 Шунда мени чакиртирди кунчехра, Ҳавобадан¹.

Менга айтди: «Тилаганинг бажарурман, билгайсан,
 Шарти шуки: у ботирдан хабар олиб келгайсан».

... Жаҳон бўйлаб кезиб, сендан ололмадим хабарни,
 Ногох кўрдим кисматидан аразлаган туркларни;
 Бири ёмон саваланган, конга ботган пешона,
 Менга ҳасрат килишаркан сендан топдим нишона».

Шоҳ қулларин мажаклаши эсида колган экан,
 Жавоб берди: «Бу ходиса хотиримда кўп равшан...

Дилим хушҳол, шу келишинг хайрли ишга ўхшар.
 Эй қаҳрамон, сарвқомат, юзингдан кўз камашар;
 Синовларнинг гирдобидан ўтиб келдинг зовталаб,
 Тангри ўзи унугланни излаб топиш мушкул гап».

¹ Ҳавобадан – Момо Ҳаводай гўзал.

«Сен донолар мактovига лойик!» – деди Автандил...
 Энди дилбар маликамнинг сеҳрларин унутдим,
 Мансабларни қўйиб кўйдим, факат сени дўст тутдим.
 Лаъл олдида ўчиб колар арзимас ялтирок сир,
 Ўлгунимча бирга бўлсам, мен учун баҳт бу тақдир!»

Тариэлнинг жавоби шу: «Сен баҳтсизга лутфкор,
 Можаромга сен ачиндинг. Сендан мен кўп миннатдор.
 Ошиқларда бир-бирига кўмаклашмоқ яхши раъй,
 Маъшуқангдан жудо қилсам, мен ўрнига не берай?..»

Ишқ ўтида ўртанаркан ўғлон энгаштириди бош.
 У Асматга шунда деди: «Сен-ку менга кайғудош,
 Биласанки, яраларим ҳозиргача кийнару –
 Бу қардошнинг дарди кўшди дардимга тағин кайғу...»

V

ТАРИЭЛ ЎЗ МОЖАРОСИНИ АВТАНДИЛГА БАЁН ҚИЛГАНИ

Энди менинг можаромга қулок солиб тинглагин,
 Агар тилим англатолса, азобимни англагин!..

Бу маълумки, етти ўлка ичар Ҳинд дарёсидан,
 Бу ўлканинг олтисида ҳукмрон шоҳ Парсадон.
 У шаҳаншоҳ: жасоратли, доно, жўмард, диловар¹,
 Шер кудратли, куёш юзли, ундан чўчир кўшнилар.

Еттинчи юрт тождори менинг отам – Саридан,
 Бақувват ва ботир эди ўзи барча сардордан.

¹ *Диловар* – довюрак, ботир, жасур.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Бирорларнинг хужумини илғамасди назари,
Хузур килиб, базму овда ўтар эди кунлари.

Тождорликдан зерикканды жаннатмакон падарим¹
Шу қарорга келиб қолди: «Поймол бўлди ёвларим.
Хиёнатдан хавфим йўқдир, тожу тахтим мустаҳкам,
Парсадонга мен сиғинсан, хеч нимам-ку бўлмас кам».

Хиндистоннинг пойтахтига нома ёзди Сарданшоҳ:
«Аълоҳазрат, ҳаммамизга ўзинг ҳомий – қиблагоҳ.
Сенга қарам бўлмоқлиқдир менинг дилда армоним,
Токи, мангут яшаб қолсин садоқатда шу номим».

Бу хабардан шоҳ суюниб, ўз бағрини очди кенг,
Жавоб берди: «Эй ҳукмдор, куч-кудратинг мента тенг.
Бу қароринг оқилона. Шукр килдим Тангримга,
Ота ёки кардош каби кутай: келгин қасримга!»

Отамга ўз мулки қолди. Амир унвонин олди,
Тағин сипоҳ бошлиғи деб сипоҳсолор² аталди.
Парсадоннинг беги бўлиб, ишончини оклади,
Гарчи тахтдан воз кечди-ю, аммо ҳукмин саклади.

Шоҳ отамни тенгдай кўриб, ўйларди иззат билан:
«Ана сардор! Ёв устига отилар даҳшат билан».

... Парвардигор шаҳаншоҳни қолдирганди бефарзанд,
Шу сабабли шоҳ ва сипоҳ кайғураг эди дардманд.
Мени кўргач: «Менга ўғил бўлиб қолсин!» – деди шоҳ,
Не билайки, ғамга тўлган кўргиликлар бор, эвоҳ!

¹ Падар – ота.

² Сипоҳсолор – лашкарбоши.

Парсадон хүп авайлади, ўғлидай күрди мени,
Валиахдлик тарбиясин бердириб юрди мени.
Донишмандлар қаҳрамонлик ҳадисларин¹ ўргатди,
Бўй тортганда бўлдим жасур, кунюзли, шер қувватли...

Йўлбарс билан олишмоқлик севган эрмагим эди.
Фарзандсизлик подшохнинг эсидан чиқиб кетди...

Ўглон оғир хўрсинди-ю, деди: «Бир кун малика
Кўзи ёриб, киз тукканин эшилди улус²-ўлка».
Бирдан ўглон хушдан кетди. Сув сепиб уйғотдилар.
Тагин деди: «Куёш янглиғ порлар эди у дилбар!

Унинг мадху таърифига етмас менда куч-қувват,
Суюнчига султон берди лашкарларга зиёфат.
Ақлларни ҳайрон кўйди шоҳга келган совғалар,
Шоҳдан тухфа олмай колган йўқ эди бирон аскар.

Киз билан мен бирга ўсдик саройда лобар, азиз.
Султон қизин жамолидан бўлиб қолди тонг³ кучсиз.
Шоҳ ва бону иккимизни тенг кўрарди, айтсан чин,
Энди ўша паризоднинг айттай исми шарифин...»

Султон қизин кутлуғ исми эди Нестон-Дарижон,
У болалик ҷоғиданоқ акли равшан кунсимон...

Бўйга етди малика киз. Мен бўлдим жангчи сардор,
Султон таҳтин ўз кизига бермокка килди карор.

¹ Ҳадис – бу ерда: сўз, нутк.

² Улус – эл, ҳалқ, омма.

³ Тонг қолмоқ – ҳайрон бўлмоқ, ҳайратда колмок.

«ЖАХОН ШЕҮРНЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Парсадондан рухсат олиб, отам шаҳрига кайтдим,
Худди мушук мажақлашдай шер янчиши машк
этдим.

Нестон учун зўр кошона қуриб берди Парсадон,
Тахти равон қўйилдики, гавҳарларга копланган.
Чорбоғларда фонтанлардан шарқиллаган сув гулгун¹;
Гард чўқмаган хаёлларда яшар эди киз эркин.

Кечакундуз манқаллардан² анқирди мушку райхон,
Йўловчини жалб этарди салқин боғ, кўшку айвон.
Жодугардан тул қолганди Довар, шоҳга эгачи,
Кизга ҳикмат таълим берган устоз ва тарбиячи...

Ҳашаматли у даргоҳда, танҳо боғда хиромон,
Баҳорларнинг ғунчасидай яшнар эди Дарижон.
Қомат гўё Фаластинда кад кўтарган санавбар³,
У билан нард ўйнашарди икки каниз ва Довар.

Ўн беш ёшга тўлган эдим. Шоҳ менга мафтун эрди,
Доим бирга... Уйга бориб туний десам, йўқ дерди.
Бўйим жаннат тўбосидай⁴, юзим – қуёп, кучим – шер,
Пойгаларда, мерғанликда ҳамма менга «Балли!» дер.

Нишонлаб ўқ узганимда учар күш ерга тушар,
Жавлонгоҳда ўйин қилсанм ҳамма хурсанд бўлишар;

¹ Гулгун – гулранг, пуштиранг, қизил.

² Манқал – хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган идиш.

³ Санавбар – арчасимон тиг ўсадиган дараҳт.

⁴ Тўба – жаннатдаги ранг-бараг мевали ва хушбўй серсоя дараҳт.

Улфатларнинг даврасида кайфи сафо сурсам-да,
Гулчехрани яширинча ўллар эдим ҳар дамда.

Ичиб умр косасини дунёдан ўтди стам,
Шоҳ буюрди, базму ўйин тўхталиб, бўлсин мотам...

Бир йилгача ўз-ўзимга чилла¹ қилдим ихтиёр,
Кеча-кундуз мен фалакни қарғаб ётдим йиғлаб зор.
Аммо шоҳдан фармон олиб келди менга вазирлар.
«Тариэлжон, азиз ўғлим, йиғлашинг, азанг етар.

Биз азада. Тенг-тўш эдим раҳматли отанг ила,
Бундан буён сарлашкарлик² сенга бўлди ҳавола!»
Кунинг кора қилмагин деб, шоҳ қилганди илтимос,
Саркардалик номи билан инъом қилди мулки хос.

Ота доғи чўқтиарди дилни ғамга-губорга.
Аммо шоҳнинг аъёнлари элтди мени дарборга;
Ҳинд беклари менга таҳсин дея кўнглим кўтарди,
Қаср олдида пешвоз чикиб худ³ жигардек ўпарди;

Тахтгоҳга олиб келиб ўғил каби сийлашди,
Мансабимни тушунтириб, забардастлик тилашди,
Иккиланиб турган эдим, мен бу ишга тонг эдим,
Лекин беклар кўп ёлворди, ахир, мен ҳам хўп дедим.

¹ Чилла – сўфий ёки муриднинг якка ўзи алоҳида хона (хужра)да, одамлардан яшириниб, кирк кун давомида тоат-ибодат килиши.

² Сарлашкар – лашкарбоши.

³ Худ – худди.

ТАРИЭЛ ЎЗИНИНГ ИЛК СЕВГИСИНИ БАЁН ҚИЛГАНИ

Ўз наклини давом этди йиғлаб бўлгач дилафгор¹:
 «Бир кун овдан султон билан қайтар эдик ҳамқатор.
 Кўлим тутиб деди: «Қани, борайлик қизникига!»
 Ох, у кунни эслаб туриб яшамоғим, айт нега!

Илтифоткор Парсадон-ла кириб кетдик бир боқка,
 Сайрап эди қумри-булбул қўниб шоху бутоқка,
 Гулоб² сувлар кўзни силар серсоя ҳовузларда,
 Пештоқларга тутилганди зарбофт³, баҳмал дарпарда⁴.

Қизин сийлаш максадида шох томондан буйрулди,
 Биз овлаган какликлардан у қиз учун айрилди,
 У кундан шўр пешонамда мусибат бениҳоя,
 Тош юракни тилмоқ учун олмос найза кифоя.

Билардимки, холи тутар султон у шаҳзодани,
 Кейин қолдим. Султон очди оғир зарбофт пардани:
 Эшиздимки, канизакка шоҳ айтди: «Уқ амримиз:
 Какликларни Дарижонга топширгай амиримиз!»

Асмат менга пешвоз чиқиб, пардани оралади,
 Дарижонни кўрдим... Найза бағримни яралади.

¹ *Дилафгор (Дилфиғор)* – кўнгли яра, дилхаста.

² *Гулоб* – 1) гул суви, атиргул япроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик; 2) кўз ёши.

³ *Зарбофт* – зардан тўкилган мато, кимхоб; шундай матодан тайёрланган кийим.

⁴ *Дарпарда* – эшик пардаси.

Какликларни Асмат олди, ўради мени олов;
Шўрим курсин! Ўша кундан йўлим заҳмат ва синов.

Ох, куёшни хира килган у нигоҳлар қайдадир?!»
Шунда бошин қуи солиб, хушдан кетди баҳодир.
Автандил ҳам Асмат бўзлаб, қилишди оҳу фиғон:
«Ботирларни титратган мард энди ўзи нотавон!»

Тариэлни уйғотдилар юзларига сочиб сув.
Ғуссаларга тутқин юрак караҳт эди, серкайғу.
Унинг аччик кўз ёшлари коришди чанг-тупрокка:
«Шўрим курсин! Тил бормайди бошқа номни айтмоқка!

Нафси ёмон дунёдорлар охир бўлур музтар¹ – хор.
Фоний дунё кувлигидан шоҳу гадо бўлди зор.
Фалакка бош эгмаганлар мактовларга сазовор.
Бош оғриғим бир оз тинса, наклиминг давоми бор.

Қиз совғани олар-олмас зеҳнимни кора босди,
Қўлларимдан мадор кетди, кўчкидай ернинг ости.
Кўзим очсан, эшигтганим йифи-сиғи, оҳ-нола,
Гўё кема сафарига жам бўлгандай қароллар.

Ётгандим шоҳ ётоғида, атрофимда боёнлар²,
Юзин менга энкайтириб йиғлашарди аъёнлар,
Тирнаб-тирнаб қонатганди маҳрамлар ўз юзини,
Дуохонлар таъбир қилди: «Бу шайтоннинг афсуни!»³

¹ Музтар – мажбур бўлган, начор, ноилож.

² Боён – бойлар.

³ Афсун (Фусун) – сехр, жоду, хийла.

Кароматдан тирилгандай мен келганды үзимга,
Шох дедики: «Сен тирилдинг – ёруғ кайтди күзимга!»
Асабларим күзиб кетиб, колгандым сүз айтолмай,
Кулаб тушдим тағин телба жазаваси тутгандай.

Азайимхон, дуохонлар мени ўраб олдилар,
Чилёсин¹ ўкиш билан жин ҳайдамок бўлдилар.
Мени шунда девона деб авроклаб² санноқлашди³,
Роса уч кун уйку келмай хуш қотди-ю, туш қочди.

Хукамолар⁴ хайрон колди: «Бу қандай дард, ажабо!
Дилда катта кудурат⁵ бор, бундай мараз⁶ бедаво!»
Кечалари алаҳсираб кетар эдим ўлгудек,
Шох хотини кўз ёшидан зўр денгизлар тўлгудек.

Шох қасрида уч кун ётдим ўлар ҳолатида ман,
Ахир хаёт bemорликни енгиб чиқди тамоман...
Аъёнларга сихатимни асрашни шоҳ буюрди,
Маликанинг ўзи менга ғамхўрлик қилиб турди...

Менга улар нўшдорини⁷ ичирдилар, тиникдим,
Шохга дедим: «Касалликдан туриб, қайта чиникдим.
Эркни, кирни, дарёларни, чўлни кўмсақ колди дил».
Биз отландик султон билан, чопишиб кетдик дадил.

¹ Чилёсин – Куръонининг «Ёсин» сурасини кирк марта ўқиб, дардини енгиллаштириш максадида оғир касалларга дам солиш.

² Авроказмоқ – авраш.

³ Санноқзамоқ – инс-жинсларни ҳайдаш учун дуо ўкиш.

⁴ Ҳукамо – ҳакимлар, табиблар.

⁵ Кудурат – ғашлик, хафалик.

⁶ Мараз – касаллик, хасталик.

⁷ Нўшдори – заҳарга карши дори, тарёк.

Чопиб бориб кайтиб келдик ирмок бўйин айланиб,
Қаср олдида хайрлашиб кетди султон шодланиб...
Ногоҳ навкар ҳудайчимни¹ чакириб олди ҳайлаб,
Чамаладим: «Икковидан бирида бор янги гап!

Бу Асматдан келган чопар қандай хабар келтирас?»
Хатни шошиб олган қўлим титрок босиб қалтирас.
Ажабландим: «Наҳотки, мен ёкканман севги ўтин?»
Шунча бало кўрган кўзим умидсиз эди бутун.

Тонг қолиб мен ўйлар эдим: «Севишига у икрор?!
Агар жавоб бермай қўйсам мени санар у беор.
Агар сукут саклаб турсам, ноумидга ҳакорат».
Мухаббатнинг низомига мослаб ёздим жавоб хат...

Дори билан дафъ бўлмади лоҳаслигим ҳолати,
Бетобликнинг асил важин табиблар билолмади,
Танимдан қон олинсин деб буйруқ берди Парсадон,
Сирни саклаш ниятида бунга кўниб бердим тан.

Ётоғимда ётар эдим, битта қўлим танғилган.
Хизматкорим кириб деди: «Асматдан чопар келган!»
Киргизиши буюрдиму ўладим: «Бу қандай сир?
Унга мендан нима лозим? Узи шунча бесабр!»

Хатни олиб таажжуб-ла, ўқидим мазмунини,
Асмат менга ёзган эди: – Кўришим керак уни.
Жавоб бердим: «Сени кўрмак иштиёки менда зўр,
Мен соғайган соат бориб гаплашармиз баҳузур!..»

¹ Ҳудайчи – хон хузурига келганлар ҳакида унга хабар етказувчи амалдор.

Шоҳ маҳрами келиб мендан сўради дармонимни,
Кизикибди шоҳ жарроҳлар олганмикан конимни?
Шоҳга хабар юбордимки: «Айрилдим бекор кондан,
Аммо шахсан кўришганда бахт топарман султондан!»

Аъёнлар-ла султон сарой олдида турган эди,
Менга ўқ-ёй бердирмади, отлангани хўб деди.
Лочинлар «пирр!» этиб учар, какликлар довдирарди.
Ёйотарлар кувиб бориб, «Ўқтал!» – деб кичкирарди.

Овдан қайтгач, базми жамшид куриб берди шаҳаншоҳ,
Хонандаю созандадан янграп эди у даргоҳ;
Аъёнларга жавоҳирот тортиқ килди Парсадон,
Хатто қуллар бўш қолмади тухфа деган нарсадан.

Мени хароб қилган дардни тутар эдим яширин,
Оловларда ўртанаркан тиярдим юрак сирин.
Уйга келгач аъёнларга бердим катта зиёфат,
Кий-чув, шўхлик қилиб турдим, сирни очмадим факат.

Маҳрам келиб манга деди қалтираб бу лаҳзада:
«Жанобларин битта аёл пойлайди дарвозада...
Гарчи юзда никоби бор, аммо хусни барибир...»
Амр этдимки: «Уни дарҳол ичкарига олиб кир!»

Мени кўриб, андишада туришди меҳмонлар ҳам;
Узр сўраб: «Кетмайсизлар, қайтиб чиқаман шу дам!»
Ётөғимга кириб кетдим. Эшикда қул колдирдим,
Ўз-ўзимни тияй десам, йўқ, кўнглимни олдирдим.

Келган аёл ерга чўкиб, менга галирди майин:
«Бу лутф учун Худовандга минг-минг шукр айтайин!»

Англадимки: «Бу киз ҳали тажрибасиз киз, бирок
Шунча очиқ гапирмасди бўлса эди пишикроқ!»

Қиз дедики: «Беихтиёр хижолатдан куяман!
Ўйламовдим шу хилватда кўришармиз дея ман.
Сенинг дарҳол келишлигинг катта умид паноҳи,
Мен учун ҳам бир оз шафқат йўллабди Ҳак даргоҳи.

Мен ўзимни тиёлмайман, безовтаман, койима.
Аммо, бонум фармойишин бажо қилдим, ғам ема!
Мен бу ерга келишимга сабаб унинг фармони...
Мана мактуб – ичига бор барча сирлар баёни...»

VII

НЕСТОН-ДАРИЖОННИНГ ЎЗ СЕВГАНИГА МАКТУБИ

Ўқиб чиқдим юрагимни куйдирган жонон ҳатин,
Ёзган эди: «Сен арслонсан, сир сакла жароҳатинг!
Мен сеники, бирок менга сира ёқмас ожизлар,
Ўйларимни билай десанг, эшит Асмат не сўзлар?!

Ноумидлик, фиғон-фарёд ошиқларга номаъкул!
Яхшиси сен мардлик ила садокатинг исбот кил!
Бож тўлашни истамайди ҳатовлар бўлиб гумроҳ –
Фитна элнинг хиёнати – кечириб бўлмас гуноҳ.

Мен рафиқанг бўлмоқликни азалдан тилар эдим,
Аммо сенга иқрор учун етмас эди журъатим.
Сенга парда оркасидан караб туриб куярдим,
Мен туфайли азобларга тушганингни туярдим.

Бу самимий сўзимни ўқ: хатовларнинг дўкига –
Жазолаб кел, гард етмасин давлатимиз ҳақига!...»

IX

ТАРИЭЛНИНГ ХАТОВЛАР ХОНИГА ЮБОРГАН НОМАСИ

Хатовларнинг қувлигидан дарғазаб юбордим хат:
«Ёгийларни¹ ром килипга хинд шохидা бор қудрат...
Кимки тахтга содик қолса, шоҳдан инъом олади,
Сотқинлар-чи: шоҳ қаҳридан минг балога колади.

Бу айёрлик яхши эмас, хатов хони, шуни бил,
Хинд султони хузурига тезрок келиб тавба қил!
Ёгийлигинг давом этса, юрtingни жазолаймиз,
Сени бўлса, фитнанг учун ўз қонингга белаймиз».

Хатовларга борган чопар олиб келди жавоб хат.
Таклифимга йўқ дейишган қилиб анча ҳакорат:
«Биз кўркмаймиз, кўргонимиз тошдай маҳкам,
устувор,
Шоҳ Парсадон минг уринса, бўлмас бизга ҳукмдор!»

X

ХАТОВЛАР ХОНИНИНГ ТАРИЭЛГА НОМА ЁЗГАНИ

Мен – Рамазман, хатов шоҳи, Тариэлга ушбу хат:
«Жангда ҳалок этмоқликка бел боғлабсан, не журъат?

¹ Ёгий – душман, ёв.

Хатов юртин жиловлашга, тентак, кучинг етмайди,
Эсингни йиф, бундан буён адабсизлик кетмайди!»

Навкарларга буюрдим мен: «Қани, түпланг
тез лашкар». Етиб келди юлдузлардай саноғи йўқ кўп аскар...

Қароргоҳда хилпиарди кизил-кора ранг байрок,
Буюрдимки, йўлга тушсин ланикар нак тонг отар чок,
Ўзим инграб, тақдиримни карғаб дердим: «Нетгайман,
Ой юзлини кўролмасдан нечук жангга кетгайман?!»

Мен уйимга қайтиб келдим, яширин рашиқда дил яра,
Кўз ёшларим оқар эди бамисоли шаршара:
«Қора бахтим! Нахот, менга насиб бўлса факат ғам?!
Нечун гулга интиlamан, ҳиддолмасам бирон дам?»

Ҳўнграп эдим, бирдан элчи пайдо бўлди Асматдан,
Гангиб колдим ўша фурсат кутилмаган бу хатдан.
Ёзибдики: «Қуёш юзли йўлларингга кўз тутар,
Тезрок келгил, оху фифон вақти эмас, васл кутар!»

Бу хабардан хушвақт бўлдим, дил ёришди ва жўшкин,
Боққа ўтдим, мовий кўкда юлдуз тўп-тўп, гўзал тун.
Асмат бўлса, карши олди – таниш айвон, таниш жой,
Табассум-ла деди: «Арслон, ётоғида кутар Ой!»

Йўл бошлади данғиллама ва юксак кошонага,
Ой сингари ёруғ сочар қиз улкан хос ҳонага.
Яшил сарпо, бўйи расо, нур ёғилар бетидан.
Тенгсиз гўзал пошиша кизни кўрдим парда кетидан.

Гиламига оёқ босдим, тухфа этди табассум,
Дил уйимга ёруғ шуъла тушди гўё ўша зум.
Болишига суюнганди, қуёш эди жамоли,
Бир боқди-ю, юзин тўсди тағин нафис рўмоли.

Жорияга¹ буюрдики, менга берсин тез болиш,
Ўтиридим мен ёр ёнида, эсдан чиқди ғам, нолиш.
Терс тақдирни лаънатламиш кўнглим эди шодумон,
Кучим етса, такрорлайн, нелар деди у жонон:

«Баҳодирим! Индамадим сени илк бор кўрган кун;
Чўлда куёш ковжиратган гул сингари сен сўлгин,
Қора, наргис кўзларингда қайнок ёшлар паймона;
Сукут этдим, менга, ахир, хаё эмас бегона!

Қиз севгани қархисида ювош бўлсин ва оғир,
Лекин севгим зўррок келди, маҳв² этарди у, ахир.
Жилмаярдим, лекин маҳфий оҳ чекардим бекарор,
Сирдош Асмат кўмагида охир этдим ошкор.

Ҳаёт йўлин биргаликда ўтайлик биз икковлон,
Вафо расмин саклагайман, токи танда тирик жон,
Онт ичаман, сўздан қайтсан, тил тортмайин ўлайин,
Тўққизинчи кўқдан қулаб, тўзон ва хок³ бўлайин.

Дагаллик-чун жатовларни жангда янчиб, йиғ ўлпон!⁴
Ишонаман, зафар олиб қайтажаксан соғ, омон.

¹ Жория – чўри, оқсоч.

² Маҳв – йўқолиш, йўқотиш.

³ Хок – тупрак.

⁴ Ўлпон – ер солиги.

То бахтиер кўришгунча юпанч бўлур ким дилга?
Қалбим олиб, уз қалбингни ташлаб кетгил кафилга.

Севган ёринг бўлишідан ҳам ширин қисмат бўлмагай!
Умидворман, Эгам мени bemуруват қўймагай.
Совук зулмат босган дилим ёритишга сен қодир,
Токи гўрга киргунимча сеникиман, баходир!»

Эзгу китоб тепасида килдик икков аҳд-паймон,
Мангаликка вафо расмин бузмасликка тикдик жон:
«Баҳодирим, – деди, – сенга бўлгум доим вафодор,
Кўнглим олса бирор, дархол жоним олсин Бирубор!»¹

Хурсанд этди ширин сухбат – нозикадо, меҳрибон.
Мевалардан тотдик бирга, сўзлашардик биз ҳамон.
Хайрлашдиму кўзларимдан оқди ёшлар тошкини,
Лекин дилга шуъла отди ёр кўзларин чақини.

Айрилмоқ кўп оғир бўлди, кўз узмасдим юзидан,
Лекин кувват олди қалбим тағин ёрнинг ўзидан.
Асло ботмас қуёш эди менга у соҳибжамол,
Севганим-ла хайрлашдим, руҳан нак коя мисол.

Дедим: «Мардни шавкат кутар! Чалинг карнай,
ноғора!»

Жангга тайёр қўшин сони ортар эди тобора.
Юриш қилдим хатовларнинг устига мен худди шер,
Лапқар юрган йўллар бўйлаб титрар эди бутун ер.

Биёбондан ўтмоқдаман, ортда колди Ҳиндистон,
Қаршимизга элчи келди – юбориби Рамазхон.

¹ Бирубор – Яратган, Худо.

Дилга ором берадиган сўз айтди хон элчиси:
«Хатовларнинг бўриларин ер Ҳиндистон эчкиси».

Рамаз совға юборибди ажойиб ҳам бебахо,
Элчи деди: «Хон ялинар, бўйнимизда бор гуноҳ;
Ғазаб килма, раҳм эт бизга, хароб этма, бер омон.
Пешкаш¹ бўлсин, таслим бўлсин сенга бутун
молу жон.

Гунохимиз кечиргайсан, ўзимиз ҳам пушаймон,
Тангри ҳаки, қўшинсиз кел, қиличсиз кел, паҳлавон.
Юртимизни вайрон қилма, пояндозлар йўлингта!
Лашкарсиз кел, калъаларни топширайлик қўлингга».

Вазирлар-ла ақллашдим, берди менга маслаҳат:
«Ҳали ёпсан, шунинг учун биздан кенгаш ол, факат.
Огоҳ бўлки, душман тараф кўринади ҳийлакор,
Бир хиёнат юз бермасин, ваъда бўлиб бекарор.

Яхиси шу – энг ишонган полвонлар-ла бирга кет,
Лашкар юрсин орқамиздан узоклашмай, кетма-кет.
Ихлос билан таслим бўлса, онт айласин Тангрига,
Бош тортса гар, аямасдан қаҳрингни соч барига!..»

Ёнга олдим шер шиҷоат уч юз полвон саралаб,
Лашкар қолди, булар билан кетдим сахро оралаб.
Фармон бердим: «Бутун лашкар юрсин ортдан изма-из,
Бир наърада қиличларни яраклатиб келгайсиз!»

Уч кун юрдим, тағин элчи, юборибди хон савғо,
Тағин кимхоб тўнлар келди, бошдан-оёқ сарупо.

¹ Пешкаш – тортиқ, инъом, эҳсон.

Рамаз дебди: «Мағур мәхмөн, кўзларимиз ниғорон,
Тез келгилки, сенга деган тухфаларим бепоён».

... Отдан тушдим дам олай деб қалин ўрмон четида,
Тағин қанча элчи келди, ҳәёси йўқ бетида;
Тағин совға юборибди, менга қанча аргумоқ,
Элчи деди: «Дийдорингга хон интизор, тоқат тоқ...»

Ҳар яхшилик кайтар экан одамзоднинг олдидан,
Бир сир айтди кимдир келиб тунда Рамаз ёнидан:
«Сизга чексиз миннатдордим, қарзингиз бор
зиммамда,
Унутмайман, хоин бўлиш фикри асло йўқ манда.

Камол топдим, катта бўлдим мен отангнинг кўлида,
Сўзим шулки, тузок курган Рамаз сенинг йўлингда...

Хийла тўрин курган ёвинг, мунофиқдир Рамазхон,
Юз минг кўшин яширмишдир, ўралмишдир ҳар томон.
Шунинг учун Рамаз шошар, элчи-элчи устига,
Тез чора кўр, бало бўлур, тушмиш жонинг қасдига...»

Бу сирни мен ёнимдаги ёронларга¹ очмадим,
Такдир ёзса, нима чора, мен чекиниб кочмадим.
Бир чопарни йўлга солдим хабар учун кўшинга:
«Тез етишинг, ҳаялламанг, кулфат тушди бошимга».

Эрта билан элчиларга дедим: «Билсин шоҳ Рамаз,
Бугун сўзсиз мен бораман, фурсат колди жуда оз».

¹ Ёронлар – дўстлар.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Тушга қадар йўл ўтдим мен уч юз мард-ла, бўш сахро,
Агар тақдир ўлим ёзса, қочган билан йўқ даво.

Тепаликка чиқиб кўрдим – кўтарилиур гард-тўзон.
Билдим: йўлга тузоқ қуриб, келар эди Рамазхон...

Мағрур садо солдим: «Жангга хозирланинг, ёронлар!»
Совут кийди, тайёр бўлди дарров соҳибқиронлар.
Ясов¹ тортиб, мисли бўрон ёв устига қўйдим от,
Қиличларим ғилофидан чиқсан эди тез ва бот.

Жангга тайёр турганимни тез англади Рамаз ҳам,
Таъзим бажо айлаб келди битта элчи ўша дам:
«Бизга берган ваъдангиздан бўлдингизми пушаймон?
Аслаҳадор, жангга тайёр кўринасиз, каҳрамон!»

Жавоб бердим: «Барибир сиз канча хийла айламанг,
Хинд лашкарин хиёнат-ла кирамиз, деб ўйламанг...»

Элчи кетди, фурсат ўтмай қарши қўшин тузди саф,
Тутун чиқиб, белги берди, тўлиб кетди ҳар тараф.
Пистирмадан сонсиз қўшин пайдо бўлди ўшал дам,
Икки ёндан ҳамла килди, чекилмадим бир қадам.

Қалкон тутдим, совут кийдим, бошимда бор дубулға,
Фазаб билан жангга кирдим, оқар эди кон жилға.
Сафларини бузар эдим қилич чолиб, хой-хойлаб,
Аммо лашкар сонсиз эди, келар эди авайлаб...

Тагин лашкар ўраб олди, айланамда қаттиқ жанг,
Конлар оқди, бир зарб ила бўлур эди ҳоли тант.

¹ Ясов – саф, катор.

◀ (ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ▶

Қилич урсам, икки бўлак бўлур эди ҳар душман,
Яқинлашсам, қочишарди бас келолмай битта жон.

Кеч кирганда ёв томонда садо солди бир одам:
«Парвардигор қаҳри келди, ортга қайтинг ушбу дам.
Қаранг, тўзон пайдо бўлди – бу Ҳиндистон лашкари.
Барчамизни кириб ташлар, ана келур биз сари».

Мен билдимки: қўшин менга ёрдам учун шошибди:
Тун-кун демай йўл юрибди, тоғу чўлдан ошибди.
Кенг сахрога сиғмай кетди – лашкар бўлди ораста,
Жанг довлини¹ коқтирдим мен, жангга хозир
ҳар даста.

Буни кўриб ёв лашкари қочди, қувдик орқадан,
Сахро бўлди жанг майдони, майдон бўйлаб оқди кон.
Рўбарўдан Рамаз чиқди, қиличбозлик бошладим.
Отдан уздим, асир этиб, маҳкам боғлаб ташладим.

Қочкинларни тутиб олдик, тутқун бўлди барчаси,
Маглуб бўлди малъун Рамаз, ўлиб кетди қанчаси.
Душманимиз жазо олди қилмишига яраша,
Асир тушган қўшин тинмай килар фифон, ҳархаша.

Шу сахрога қўнди лашкар дам олгани жангдан сўнг,
Бир қўлимга қилич теккан, аммо ишим келди ўнг...

Қўшинимни юбордим мен тўплагали ғанимат²,
Ўлжа олиб магрур қайтди, тошиб кетди шон-шавкат.

¹ Довул (Довул) – катта ногора.

² Ғанимат – ўлжа.

Ёв конидан чексиз сахро бўлган эди лолагун¹,
Жангиз шаҳар дарвозасин очдирдим мен ўша кун...

Қалъалару хазиналар менга ўтди бус-бутун,
Душман ўзи килмишига пушмон бўлди ўша кун...

Хазинаю дафинани² бирин-кетин кўрдим мен.
Ажойибот-ғаройибот орасида юрдим мен.
Бир ажойиб дурра, нимча олдим шунча давлатдан,
Шундоқ мато, агар кўрсанг, аклинг шошар ҳайратдан.

Кандай уста тўкигандир, нафис эди накадар.
Кимки кўрса ҳайрон колар, ошуфтаю гирифтор,
Зарбофт десам, зарбофт эмас, кимхоб десам,
кимхобмас.

Утда ёнмас, сувга ботмас мато дердим ҳар нафас.

Бу совғани суюклимга атаб олдим атайин.
Хокон учун бутун давлат кимматбаҳо матойи!
Минглаб ҳачир туяларга юклаб олди лашкарим,
Чопар кетди шоҳ билсин, деб ғолибият ҳабарим.

XII

НЕСТОН-ДАРИЖОННИНГ ТАРИЭЛГА МАКТУБИ

Асмат менга хат топширди кунчехра Нестонимдан.
Мен ўқидим: «Сен қимматли гавҳарлардан порлоқсан.
Сен сафардан қайтар чоги хуснинг кўргач мафтунман.
Йиғилардан, ёлғизликдан кутулганга мамнунман...

¹ Лолагун – лоя рангли, кизил.

² Дафина – бойлийк, хазина.

Дуррачангни совға килки, менга бўлсин у кутлуг,
Олиб юрсам кўзинг кўриб, баҳтларга бўлгай тўлик.
Эвазига билагузук юбораман армуғон –
Жилосидан шу кечамиз бўлиб қолсин дурахшон!¹

... Армуғонни олиб келган Асмат қилди сингиллик,
Нома билан билагузук дилга берди енгиллик,
Армуғонни қўлга такқач ёрга қилдим куллукни
Ва юбордим ўрасин деб дуррачани, қийикни.

XIII

ТАРИЭЛНИНГ МАЛЬШУҚАСИГА ЁЗГАН МАКТУБИ

«Куёшдай қиз, сулувлигинг барқига² мен парвона³,
Мадорим йўқ, қарорим йўқ, ақлу хушдан бегона.
Мажнун бўлдим, латофатинг кархисида девона,
Ижозат бер, кулинг бўлай, хизмат қилай мардона!

Эсингдами, лутфкорим, ҳамдард бўлдинг бир замон,
Бахтиёрман, эсдан чиқмас ўша фурсат хеч қачон.
Билагузук юборибсан менга улуг армуғон,
Суюнчимни нечук айтай, эй куёш қиз – Дарижон.

Сен сўратган дуррачани юбордим мен, гулрухсор,
Нимчани ҳам сенга атаб келтирганман, азиз ёр.
Мажнунингман, куч бағишила, фироқингда қўйма зор,
Бу жаҳонда сендан азиз, сендан яқин кимим бор?»

¹ Дурахшон – порлок.

² Барқ – чакмок, яшин.

³ Парвона – кечаси шам ёки чироқ атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот.

↔ (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ↔

Хатни Асмат олиб кетди, мен уйкуга кўйдим бош,
Чўчиб турдим, чунки тушда жилва қилди у қуёш:
Кўзни очдим, аммо у йўк, хаёт гўё тун бўлди,
Ширин тушим такрорланмай жигар-бағрим
хун¹ бўлди.

Ўрдасига² чақирибди эрта билан шаҳаншоҳ,
Кутлуғ хабар эшигандай шошиб кетдим баногоҳ.
Шоҳ, малика илтифот-ла кўз ташлашар мен томон,
Шоҳ лутфи-ла таҳт ёнида ўтиредим мен ўшал он.

Хоқон деди: «Йиллар ўтар, чолман – ўрним тўрдадир,
Аммо, сўнгги куним яқин, бир оёғим гўрдадир.
Кизимиз бор, менга ўғил бермагандир Худованд,
Мен ўлганда хинд тожига лойик ворис киз фарзанд.

Баҳодирлар аро борми, айт, ўзимдай мард бирор?
Салтанатни топширайин, бўлса лойик, бир куёв.
Эга бўлсин мулкимизга шундай доно, жанговар,
Ёв қиличи сололмасин бошга кўркув ва хатар».

Мен дедимки: «Ўғилсизлик оғир сенга, эй хоқон,
Лекин кизинг – қуёш ўзи, ёруғ олар кенг жаҳон,
Тангри суйган йигит сенга қуёв бўлур шаким йўқ,
Сайлаб олим ўз ҳукмингга – ўзга сўзга ҳақим йўқ».

Бир шум хабар тахмин айлаб, куйи солдим бошимни:
Ўйладимки: «Майли, ичай золим тақдир ошини».
Хоқон деди: «Хоразмшоҳ ўғли каби йўқ бирор,
Факат ўша бўла олур шаънимизга боп қуёв».

¹ Ҳун – қон.

² Ўрда – хон қароргоҳи, сарой.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Равшан бўлди – илгаридан кисматдир ёт шаҳзода,
Айтгулик сўз дилда колди, кайғу бўлди зиёда.
Мен хоконнинг хоҳишига нечук айтай карши сўз?
Юрагим кул бўлди, гўё кўкрагимни олди муз...

Хоқон дарров нома ёзди Хоразмшоҳ номига,
«Ўғлинг келиб устун бўлсин давлатимиз томига,
Ёлғиз кизим – ворисимдир, тожим унга колади,
Шаҳзодани юбора кўр, кўнглимиш шод бўлади».

Элчи қайтди, шаҳаншоҳга талай совға – гулдор тўн,
Хоразмшоҳ рози бўлмиш, нома ёзмий содда, жўн:
«Тақдир шуни хоҳлар эса, рози бўлдим юз марта,
Маликадай гўзал келин тополмайман, албагта».

Хоразмшоҳ пойтахтига элчи тағин йўл солди,
«Шаҳзоданинг жавобини кутаман», – деб шоҳ колди...
Тўп ўйнагач, бир кун роҳат ётар эдим уйимда,
Якинлашган балоларнинг оғирлиги кўнглима.

Неча марта ханжар олдим – хавфлик эди бу фурсат,
Аммо, бир кул кутмаганда олиб келди менга хат:
Асмат ёзмий: «Сарви бўйлик ёр интизор йўлингга,
Тезрок келгил, азиз йигит, бокма ўнгу сўлингга».

Соҳибжамол қасри томон шошиб кетдим ўша дам,
Боғ минори бурчагида кутар экан Асмат ҳам,
Нимадандир изтиробда, ёши тинмас кўзида,
Бир машаққат кўланкаси маълум эди юзида...

Мушкул бу дам, шубҳаю ғам, изтиробда турадим,
Асмат мени оромгоҳга бошлай кетди, мен бордим.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Парда очди – офтобимни кўрдим, танга кирди жон,
Кайғуларим учиб кетди, аммо қиз кўп паришон.

Тўлин ойдай ёруғ сочар шу пайт унинг жамоли,
Елкасида очик-чочик товланарди рўмоли.

Тахт устида ўтиради, лабда қотмиш айтар сўз,
Кўз ёшини зўрга тутар, ғазаб сочар икки кўз.

Тоғ устида йўлбарс янглиғ ўт сачради у караш,
Бу гўзалга тенг келолмас на ой, на сарв, на күёш,
Маликадан анча нари ўтиридим мен журъатсиз,
Кўз ташладим, бирдан турди ёнар кўз-ла пошиша қиз.

Сўз бошлади: «Аҳду паймон расмин нечук бузолдинг?
Қасамларинг поймол этиб, ваъда ипин узолдинг?
Тангри ўзи жазо берсин сўздан қайтган номардга!»
«Гуноҳим айт!» – дедим, – дучор бўлди бошим
не дардга?

Менинг айбим айтсанг агар, жавоб бергум, куёшим,
Ранжишларга сабаб надир, сўйла, битди бардошим». Ахир, деди: «Хиёнаткор! Бундан оша нетардинг?
Алданганман, уят менга! Итқинг ёлғон, йўқ дардинг!

Хоразмлик шаҳзодага унашганни биласан,
Маслаҳатда бор эдинг-ку, нега бағрим тиласан?
Қандай журъат? Ваъда қани? Вафо расми йўқ санда!
Аёв бўлмас – қилгум сени бадном, расво, шарманда...

Кимки бўлсин – тожу тахтни эгаллашга қўймайман,
Хиндистонни келгиндига топширгунча ўлгайман!

Сенга маъқул бўлмас эса, хийла курмай, кет, турма!
Фикру зикринг қилиғингдай беномус ва уйдирма.

Балки сенга Ҳинди斯顿да бадбаҳт кунлар туғдиргум,
Ё бу юртдан жўнаб қолгин, ёки дархол бўғдиргум:
Мендақани тополмайсан осмонда ҳам, бўл ҳушёр».
Кўз ёшини тўхтатолмай йиғлар полвон нолакор.

Давом этди: «Англадимки, биз айрилмас қўшалок,
Бор кучимни кўзга тўплаб, ёрга боқдим ўшал чок.
Куёшимдан айрилсам гар менга ҳаёт на даркор!
Конларимни ичиб тўймас золим фалак шум, ғаддор.

Куръон олдим тахт устидан, Нестон боши ёнидан,
Даст кўтариб касам ичдим Тангри ва ёр номидан:
«Эй куёш киз, парвонаман жамолингнинг шамига,
Ўлмай туриб бир сўз айтай – ғам кўшма дил ғамига.

Ёлғончилик душманимдир, инон менга, бағрим қон,
Агар аҳдим ёлғон бўлса, ағдарилсин кенг осмон.
Ёвузликка бегонаман, тингла, ахир, арзи ҳол!»
Розилигин имо ила билдириди у ёр дархол.

Мен дедимки: «Ишқ ваъдасин агар қилсан поймол,
Тангри мени жазоласин худди чакмок урган тол...

Маслаҳатга соҳибфармон мени таклиф айламиш,
Хоразмлик шаҳзодани унинг ўзи сайламиш.
Норизолик шоҳ олдида тентаклик ва маъносиз,
Гўё маъқул, дедим, аммо дард ичимда, сўлим киз!

Озорланиб ўйладимки, – англаб етмас шоҳ наҳот,
Салтанатга содик сокчи йўқ эмас – бор, барҳаёт,
Тожу тахтга, мамлакатга факат-факат ҳакли мен,
Хоразмшоҳ омон топмас, яёвмасман, отли мен.

Билардимки, бу никоҳни бузмас содда баҳона,
Ўйлай-ўйлай сахро кездим, суюнч бўлди бегона.
Ёвуз мотам кархисида бош эгма Мажнун каби,
Шахзодага сен тегмайсан, ёнса-да, шоҳ ғазаби».

Баҳодирлик – муҳаббатга қурбон бўлди беимо,
Юпатишлар, икрорлардан очилмишди гулсиймо.
Киприкларда садаф ёшлиар, бокиб кулди Дарижон,
Деди: «Нечук хиёнаткор атадим мен, бадгумон?

Инонаман, мунофиқлик – алдамчилик сенга ёт,
Сен вафоли баҳодирсан, шубҳам йўқ, сен пок бир зот.
Сўра мени ва тожини берсин отам – Парсадон,
Хиндистонда ойлар, йиллар сурайлик биз
хуш даврон».

Ғазаб ўти кўзларида сўниб, бўлди мулойим,
Дер эдимки, яна порлар бу куёшим, бу оим,
Биринчи гал ёрга яқин ўтирдим мен ўшал кун,
Нестон деди: «Инонаман, жигар бўлмас тагин хун.

Аммо ўйлаб иш қўрайлик, шошилгандан на фойда?
Донишманддай қисматни ҳам ҳисобга ол ҳар кайда.
Агар тўйга қарши турсант, шоҳ қаҳрига қоласан,
Адоватдан эл бошига қазо-қадар соласан.

Хоразмдан куёв келур, бошланур тўй-маросим,
Айрилиқда суюнчимиз мотам бўлур, куяр ким?
Толе қуши бориб кўнар келгиндининг бошига,
Йўк! Эронлик бўлолмайди эга тоғу тошимга!»

Мен дедимки: «Дилни тўк тут, у сени хеч ололмас,
Майли келсин Хоразмдан кўшин, менда тиф-олмос.
Иродамни ишга солай, қирғин қилай, тўкай кон,
Ғов бўлганлар халокатга дуч бўлишар беомон!

Нестон деди: «Мен аёлман, аёлларча ўйлайман,
Аммо бекор кон тўкишга асло рози бўлмайман.
Шаҳзодани ўлдир факат, лашкарини қилма хор,
Такир ердан мева унар, Тангри берса, эй сардор...

Шаҳзодани қатл айла-ю, шаҳаншохга тўғри бор:
«Ўзгаларнинг Ҳиндистонда ҳаки йўк, – деб айт,
сардор,
Ёвга дирҳам¹ рано эмас, салтанатга эга – ман,
Йўк десанг, бош кўтараман, бир четингдан тегаман».

Падаримга сезилмасин бизнинг ишқу муҳаббат,
Хоқон билан келишарсан шу йўсинда сен факат.
Унинг ўзи куёвликка сайлар сени, ноилож,
Иккимизга колур, сўзсиз, Ҳиндистонда тахту тож».

Доно кизнинг кенгашлари бағишлайди ғайрат, жон,
Суянчигим – қиличимдир, ёвга бўлмас ҳеч омон.
Кетайин деб турдим, менга ноз-ла бокди Дарижон,
Бир қучишга ботинолмай термулардим нотавон.

¹ Дирҳам – кумуш танга.

Чиқиши мушкул бўлди, лекин хайрлашдим ниҳоят,
Дил сирдоши Асмат мени йўлга солди сердиккат.
Баҳт, тасалли кутган юрак бўлди юз кат беором,
Қадам оғир, тилда эса такрорланур нозик ном.

Хоразмлик келди, деган хабар билдик элчидан.
Қандай билсин куёв, уни ажал кутар ушбу тун!
Шоҳ кувонар, тўй-томоша бошлаб нозли Нестонга,
Кулар юз-ла сухбат этар, гўё лутфи зўр манга...

Шоҳ буюрди: «Сайҳонларга чодир қуринг етгулик,
Шаҳзода ҳам, лашкари ҳам роҳат-ором этгулик.
Ёронларим, лашкарларим бўлсин бутун хизматимда,
Чодир кургач, сен ўрдага ҳозир бўлгин, албатта».

Буюрдимки, ипак бўлсин чодирлари бус-бутун,
Куёв келди лашкари-ла пайшанба кун кечқурун.
Сарой аҳли, бутун қўшин пешвоз бўлдик меҳмонга,
Хар қабила ўз сафида турди келиб майдонга.

Шоҳ амрини куч аямай килдим тўлик, жобажо,
Хордик учун уйга қараб келар эдим мен танҳо,
Йўлда навкар Асмат ёзган мактуб берди қўлимга,
Дарҳол билдим, сарви бўйлик интизордир йўлимга.

Ёр амрига бўйинсуниб, хузурига йўл солдим,
Тағин Асмат кўз ёши-ла, карши олди, лол қолдим,
Деди: «Сенга ён босай деб, колаёздим балога,
Ёклаёлмай гирён бўлдим, канча тушиб орага».

Бирга кирдик, киз юзида қаҳру ғазаб кўлкаси,
Онт этаман, у офтоб, у гўзаллик эркаси...

Сўз бошлади: «Наҳот, жангдан бўйин товлаш
истайсан?
Қасам қани? Кўркоқлардай нега ортга қистайсан?»

Қаттиқ ранжиб жавоб бердим маликага тўхтовсиз:
«Бизга ҳеч ким гов бўлолмас, инон-инон, пошша киз.
Менга унча зарур эмас жангда аёл нидоси!
Рақибимни йўқ килурман, жоним ёрнинг фидоси».

Уйга қайтдим, кулларимни йиғдим, бари жанговар,
Шаҳаримиз канорига¹ чикдим барча баравар.
Қонга ташна кириб бордим куёв ётган чодирга,
Шаҳзодани пачоқладим шамшир олмай хотирга.

Оёғидан тутиб роса урган эдим устунга,
Ўлди, бутун умидлари айланмишди тутунга.
Бирдан қўшин ўртасида қўтарилиди ғалаён.
Ўровлардан ёриб ўтдим кийиб совут ва калқон.

Хоразмшоҳ аскарлари қувлаб қолди орқамдан,
Қиличимнинг зарбасида колганлари берди жон...

Фармон бердим чопарга мен: «Лашкар етсин ёрдамга,
Ўлка бўйлаб жар сол, англат ихлосманд ҳар одамга».
Кун, тун демай ҳамла қилас Xоразмшоҳ лашкари,
Мени кўрса, кочишарди кўркиб, гўё сарсари².

Ўровдан йўл очмоқчиидим янги чиқиб қальадан,
Аммо менга юборибида уч вазирни Парсадон;

¹ Канор – чекка, чет.

² Сарсар – кучли ва совук шамол, даҳшатли бўрон, довул.

Шох дебдики: «Сен ўғлимдай яқин здинг, билур эл,
Юрагимга ништар бўлди бу ўлим, эй Тариэл!

Мартабамни ерга урдинг, бадном этдинг тўкиб қон,
Маликага ошик бўлсанг, нега тутдинг сен пинхон?
Кариганда колган умрим заҳаролуд¹ бўлдими?
Ўғиллигинг унутдингми? Умид нобуд бўлдими?»

Жавоб бердим: «Пўлат янглиғ бардош қилдим,
улуг шоҳ,
Оғир ишнинг уддасидан чиколдим мен, бўл огоҳ...
Гар ўғилга санар эсанг, меникидир Ҳиндистон,
Шу бу кундан давлат тожи менинг ҳаққим, эй ҳоқон...»

XIV

НЕСТОН-ДАРИЖОННИНГ ЎҒИРЛАНГАНИНИ ТАРИЭЛ БИЛИБ ҚОЛГАНИ

Бехабарлик кўп кийнагач, ёрга чопар юбордим;
Изтироб ва ташвишларда мен фалакни қарғардим...
Бир кун кўрғон минорида турган эдим сермалол,
Шунда бирдан кўриб колдим ачинарлик бир ахвол.

Чўл томондан икки киши ташларди судраб одим,
Разм солиб қарадиму бехосдан калтирадим,
Мен Асматни таниб олдим! Юзи ғамгин, пажмурда²,
На чехрада кизиллик бор, на табассум лабларда.

¹ Заҳаролуд – заҳар аралашган, заҳарли.

² Пажмурда – сарғайган, қуриган, эзилган.

Мен кўргондан тушиб дарҳол улар томон югурдим.
 «Не мусибат юз берди, айт!» – деб Асматдан мен
 сўрдим.

Улгунича маъюс ҳолда деди Асмат дилфиғор:
 «Кўк куббасин тепамизга қулатди Парвардигор!»

«Яна нима бало чиқди?» – суриштиридим Асматдан,
 Офатларнинг чангалида ўртандандай гулбадан –
 Бошга тушган можаронинг ўндан бирин айтолмай,
 Ёноклардан кўкрагига кон томарди пайдарпай!...

«Хоразмшоҳ халокати элда гапу сўз бўлди,
 Шоҳ Парсадон аччиғланди, қаҳру ғазабга тўлди,
 Шунда сени чакиртириб жазоламоқ бўлганди,
 «Амир кочди», – деган хабар унга ташвиш солганди.

Сени чақиб: «Телба амир кўркиб кочди», – дебдилар,
 Чопарларга ишонмайин, ғазабланган у раҳбар:
 «Маликани севар экан Тариэл девонавор,
 Бегуноҳнинг конин тўкиб, мени қилди шармисор!

Жазолайман мен Доварни, у имонсиз синглимни!
 У қизимни йўлдан урди ишга солиб тилсимни.
 Иффат, номус йўлларини бекитди у баҳлок.
 Мен Доварга шафкат қилсан, Тангри килур мени ок!»

Шоҳга одат эмас эди қурукгина дўк қилмок,
 Бирон жазо ўйлаганда чакнарди мисли чакмоқ.
 Ҳукмдорнинг таҳдидларин Доварга етқиздилар,
 Каждан² колган у беванинг ўзи эди жодугар.

¹ Пайдарпай – кетма-кет.

² Қаж – одамга ўҳшаган ярим афсонавий маҳлук.

Шайтонларнинг дастёри олиб келди хабарни:
 «Жаллодларга топширмокчи шоҳ сендей
 муштипарни».

У онт ичди: «Айбим бўлса менгинани ер ютсин,
 Аммо тентак қизчага мен ишлатиб қўяй афсун!»

Дарижон сен ғойиб бўлгач, балодан ҳазар этиб,
 Шаффоф рўмол ёпинди у ғамгин кўзин бекитиб;
 Бирдан Довар кириб келиб бағиллади ҳаёсиз;
 «Ҳай фохиша! Худо ургур, йўлдан озган, шалок киз!

Бундай мохов ишга қандай журъат қилдинг, мочагар?
 Мехмонга сен котил йўллаб – мени килсанг жавобгар.
 Назоратсиз кўйдим сени, ўзимдан чиқкан хато,
 Энди сендан касос олиб, ёрингдан киласай жудо!»

Маликани ағдарди-ю, тортиб олди рўмолин,
 Конатгунча ура солди аямай қиз жамолин.
 Киз бечора кучдан қолди, хўрсинди ва ингради,
 Мен келтирган дориларнинг бўлмади ҳеч мадади.

Аламини қиздан олгач, Доварнинг жаҳли тинди,
 Амри билан кириб келди икки ҳабаш¹ келгинди.
 Кунчехрани ушлаб олиб, сўкиб, тахкир этдилар,
 Ўтинчларин писанд қилмай тахтравонда элтдилар.

Кизни солиб бир қайиқقا суздилар уфқ томон,
 Довар эса ўйлаб қолди: «Мен бўлурман тошбўрон,
 Сазойи бўлмокдан кўра ўлдирайин ўзимни!»
 Юрагига ханжар қадаб, бажарди ўз хукмини...

¹ Ҳабаш – кора танли.

Унга дедим: «Жафокашим, бу йигилар бекорчи!
Дарижонни ахтармоғим виждонимнинг чин бурчи,
На тоғ йўлим тўса олур, на денгизлар, на қумлок!»
Синовларда қалб чиниқди бамисоли тош – чақмок.

Ҳали умид узмагандим, ўйлар эдим қайғуда:
«Мен ўзимни ҳалок этсам, ҳеч нафи йўқ, бехуда!
Ҳаялламай, ёрни топмок учун йўлга чиқсан ман,
Йўлдошликка кўп синашта одамлардан йиғсан ман!

Яроғландим, маъюсликнинг пучлигини англадим:
Махрамлардан юзу олтмиш сипоҳини танладим.
Биз кальани ташлаб чиқдик, жиҳозланиб йўл юрдик,
Бир денгизга келиб етиб, бир кемага ўтиридик.

Денгизларда сузар эдик, тинчимасди ҳеч юрак.
Ҳеч каерда Дарижондан ололмадик биз дарак.
Факат дардга йўликардим кезганда диёр-диёр,
Менга мадад кўлин чўзмай унутди Парвардигор.

Ойлар ўтди, заҳмат чекдим ҳар ойни йилдай сезиб,
Севгилимни ҳатто тушда бўлмади кўрмок насиб.
Офатлардан бирин-бирин қирила кетди қўшин,
Мен Тангрига таваккал деб оқизмадим кўз ёшин.

Охир, етмай биз муродга, чикиб колдик кирғокқа;
Ҳеч кимсанинг насиҳати кирмас эди қулокка.
Таркалишди бу сафарда соғ колганлар жамиси,
Ҳак таоло, нечук бўлса, ўз қулларин ҳомийси.

Факат Асмат заҳматимга шерик бўлган дугона,
Тирик колган икки навкар таянчимда ягона.

Дарижондан на овоза, на хабар, на афсона,
Фойиб бўлди, тополмадик, жаҳон бўлди ғамхона.

XV

**НУРИДДИН-ФАРИДУННИ УЧРАТГАНИ ҲАҚИДА
ТАРИЭЛНИНГ ҲИКОЯТИ**

Боғзорлардан юриб бордик тунда сув ёқасидан,
Эртасига шаҳар кўрдик коялар орқасидан;
Лекин менга ирганч эди умуман бани одам¹,
Шунинг учун шаҳар бормай, ўрмонда қилдик тўхтам.

Кўхна дараҳт соясида ётгани топдик пана,
Аммо кўзим очган билан куйинди юрак яна.
Ўғирланган киз ҳакида ололмадик хеч хабар,
Шуни ўйлаб, тагин хуноб бўлиб кетди шу кўзлар.

Бирдан кимдир хайкирди-ю, манзилимиз ёнида –
Отга камчи босиб чопган суворини кўрдим ман;
Киличлари чўрт узилган, бўялган конга ўзи,
Кисматини қарғишларди, кимгадир дўк ҳар сўзи.

Қора отлик мард, чамаси, энди жангдан ўтганди,
Кейин менга тортиқ бўлган у от жуда кетганди.
Соҳил бўйлаб чопаётган отликка қул жўнатдим,
Сўйла: – Сени ким ранжитди, эй арслон? – деб
сўратдим.

Жавоб олмай қайтиб келди қул паришон, қайтуриб,
Мен йўлидан кесиб чиқиб, сўроғладим хайкириб:

¹ Бани одам – одам авлоди.

«Агар тахкир килингансан, сенга бўлай муовин!»
Бу нидони у эшитгач, тортди отнинг жиловин.

Маъқул тушди унга сўзим, жавоб берди дўстона:
«Агар менга кулок солсанг, айтиб берай ростона!
Менга ногоҳ ҳамла қилди эчкидай қўркок ғаним,
На бошимда дубулғам бор, на қўлимда калконим».

Бегонага жавоб бердим: «Юраги бўш эр эмас,
Мард бўлганлар ялангланган киличлардан чўчимас!»
Гўё эски қадрдондай юриб кетдик ёнма-ён,
Кўзлар ақик, қад келишган, менга ёқди ул ўғлон.

Бир навкарим табобатдан унча-мунча уқарди,
Яраларин ювиб, ўқнинг бошоқларин чикарди.
Сўрадимки: «Қайси душман сенга қилди жиноят?»
У толеин карғади-ю, бошлаб берди хикоят:

... «Менинг шахрим – Мулкисангсор, қўрганни килар
мафтун,
Ўзим тожга ворис бўлдим. Мен – Нуриддин-Фаридун.
Бу қўрилган молу мулклар бари менга қарамдир.
Салтанатим зўр эмасу кўп эллардан қўркамдир.

Ўғилларга бўлган эди бобом юртни рўйи-рост,
Денгиздаги битта орол отамдан менга мерос.
Бироқ, менинг оролимга ўрнашди бир амаким,
Унинг ҳақсиз бу феълига кўнмади хеч юрагим.

Бир кун овга чиққанимда ерларимдан ўтдим мен,
Қайик тушиб мерғанлар-ла оролга юз тутдим мен.

Фақат бешта парвоначи¹ олиб чикдим шикорга,
Қолганларин – тайинладим кутсин, юрмай бекорга.

Денгиз ўтиб ҳамроҳлар-ла биз оролга чиккан он –
Дедим: «Бунда жигарлар-ку! Нима керак посбон?»
Қандай, ота уруғ билан жанжал чиқар шу галда,
Мен овларни қува солиб чопар эдим пайкалда.

Ўзини бек санаган тегиша кўрма, дўстим,
Оролдаги баковуллар менинг йўлимни тўсди.
Катта лашкар тўплаб олиб амакиваччаларим,
Кирғоқдаги сипоҳимга тўсатдан килди хужум.

Шакирлаган шамширларнинг ялтирашин кўрган дам,
Қайик тушиб жўнадимки, сипоҳга берай ёрдам;
Ёвлар менга тўлкин каби шу чок ҳамла этдилар.
Аммо шухрат баҳрасини топмади лаънатилар.

Ёвни қўллаб келаётган тағин лашкар кўринди,
Ўнгу сўлдан ёв бостириди, мен дарғазаб уриндим –
Дуч келганни пачакладим, кирди, кесди яроғим...
Чопқинлардан килич синди, ўқсиз қолди садоғим.

Тўкнашувда қоним қизган, отни солдим денгизга,
Ишонмайин кўзларига йўл берди ёвлар бизга.
Тўлқинларнинг қучоғида кирилди мерғанларим,
Яқинласа ирғитардим, кочарди малъун ғаним!

Безбетларни жазоларман Тангри ҳукмин ўрнатиб,
Душманлардан ўч олурман, жигар-бағрин конатиб!..»

¹ Парвоначи – сарой мансабдори.

Фаридуннинг қасоскорлик ташнасига бериб тан,
Дедим: «Шу тоб ховлиқмагин! Ёв қутулмас жазодан.
Биз ўша қув ўғриларни янчиб ташлаймиз бирга,
Шармандасин чиқарамиз, чўқдирамиз тиз ерга!..»

Пойтахтига бориб колдик – ихчамгина бир шаҳар.
Фаридунни кутиб олди қалъадаги лашкарлар...

XVI

ТАРИЭЛНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН НУРИДДИН- ФАРИДУН ҒАНИМЛАРНИ ТОР-МОР КЕЛТИРГАНИ

Жарохати битгач, сulton яроғланди, отланди,
Қайиқ-кема жиҳозланиб, кўшин-курол тўпланди.
Фаридунни кўрган лашкар Худовандга шукр этди,
Душманлардан қандай қассос олганин айтай энди:

Денгиздаги тўлқинларни ёриб келарди душман,
Кулоҳ¹ кийган сипохийлар ўнта кайиқка тушган.
Келиб қолгач илгор кайиқ мен тўнтардим, кўмилди,
Манжалақи хотинлардай додлаб ёвлар гарқ бўлди.

Мен иккинчи қайиқни ҳам ботиролдим тўнтариб,
Сувдан шўнғиб чикқанларни пачакладим ағдариб.
Эшкакларга зўр беришиб, орқага кочди душман,
«Баракалла!» – эшитардим Фаридун кемасидан.

Душман бизни пойлар эди оролнинг қирғоғида,
Сипохийлар инграр эди кизган уруш ҷоғида.

¹ Кулоҳ – бош кийими.

Ёв галасин мажаклашда Фаридун бўлди шаддод,
Кучи – арслон, юзи – қүёш, қомати мисли шамшод.

Амаки ва ўғли жангда тору мор бўлди бутун,
Билакларин кесдирмоққа буйрук берди Фаридун...
Қутулганлар оёгини қўлга олиб кочдилар.
Ёв енгилди, бизга қалья эшикларни очдилар...

XVII

СУЛТОН НУРИДДИН-ФАРИДУННИНГ НЕСТОН- ДАРИЖОН ҲАҚИДА АЙТИБ БЕРГАН ҚИССАСИ

Бир кун овга чикмок бўлиб Фаридун-ла баробар,
Соҳилдаги жарда туриб ҳар томон солдик назар.
Шунда султон алланима эслагандай бўлди-ю,
«Бу кирғоқда кўп ғалати иш юз берди», – деди у.

Мен қизиқиб қулок осдим қаҳрамон ҳукмдорга;
У нақл этди: «Мен бир куни отланувдим шикорга¹,
От деганда лочин қанот, сувда ўзар ўрдакдан!
Пайқадимки, битта калхат анқайиб бокар кўқдан.

От жиловин тортиб олиб, тикилдим сув томонга,
Узок денгиз тўлқинида милтилларди қўланка,
Сув устида сирғанарди баликчи кушдан ўзиб...
Фаразларда бошим котиб ҳайрон бокардим ўзим.

«Нима экан – куртми, кушми?.. Синчиклаб боксам
– қайик,
Елканлари қатма-қату суръати тез ва қаттиқ.

¹ Шикор – ав.

У қайиқда гавҳар каби ялтиар тахти равон,
Тахти равон ёстиғида ўтирган моҳитобон¹.

Қора қажлар у қайиқни ҳайдаб келиб кирғокқа,
Бир нигорни чиқаздилар коялиқда тупрокка.
Қиз күзлари бир жуфт яшин, билак каби кокиллар,
У дилрабо таърифида мақтовлар камлик килар.

Зўрға босиб титроғимни қаардим беихтиёр,
Кор устида гул сингари сўлим эди ул нигор.
Ул нигорни эгаллай деб, денгиз томон елдим ман,
Арғумоғим қушлардан ҳам ўза олур, дердим ман.

Отим елдай учар эди – мени элтиб тилакка,
Аммо афсус кечикибман, лаънат дедим фалакка.
Худди шу тоб кайик сувда сузиб кетди ғоят тез,
Махлиқони² оборишди. Ўқиндим чиккудай эс».

Фаридунни тинглагандаги кўзғаб кетди изтироб,
Кўз ёшимни тиёлмайин ерга чўқдим мен шу тоб.
Юзларимни тирнар эдим дардим бўлиб зиёда:
«Сарвинаозни бир кўрганлар армони йўқ дунёда!»

Таажжубга тушган эди бу ҳолимдан Фаридун,
Султоннинг ҳам ачингандан дили-бағри бўлди хун.
Овунтириб: «Сен ўзингни олдириб кўйма!» – деди.
Унинг ғамгин кўзларидан инжуулар томар эди.

«Шу ноўрин наклим ила кайфинг буздим, кўп аттанг!»
Сўзин бўлдим: «Подшоҳим, сен қайтгин надоматдан!

¹ Модитобон – тўлин ва порлок ой; мажозан: гўзал.

² Махлиқо – ой юзли, гўзал.

Сен бир күёш кўргансанки, мен нурига парвона,
Можаромни тинглаб олсанг, қайғурасан дўстона!»

Ўз гуссалик хикоямни айтиб бердим батафсил.
Султон деди: «Шошганимдан ўзим бўлдим кўп хижил.
Бу ерларда дарбадарсан, ватанжудо, ноилож,
Аммо сенинг пешонангта ёзилганди тахту тож...»

Султон касрин эшигида тортдик отлар юганин,
Шохга дедим: «Мен бахтсизга далладир шу килганинг...

Агар етсам муродимга дўст бўлурман умрбод,
Равшан аклинг, ўткир тилинг менга ёрдам берсин бот!
Ўзимга ҳам, ёримга ҳам бахтни қайтиб олурман,
Уни банддан кутқазмасам, аник билки, ўлурман».

Султон деди: «Жигарпорам, күёшга teng, биродар!
Бу учрашув саодати хаётимни ёритар!
Бундан ортиқ саодатни не қиласан мен хаста!
Хизматингда қуллук килиб турибман камарбаста.

Кўрасанми, ҳу кемалар турган жойда шаҳарни?
Унга бутун ер юзидан келтираплар хабарни!..
Кемаларга буюрамиз – юриб боксин дунёни,
Дарғаларга тайинлаймиз ахтарсин маҳликони...

Шоҳ амри-ла тайёрланди денгизкезар сайёҳлар,
Айтилдики: «Сиз номаълум денгизларда сарбасар!¹
Гирдобрарни кесиб ўтиб, маҳликони кидиринг,
Тўсикларни енгиб юриб, хушхабарлар келтиринг!...»

¹ Сарбасар – бошдан-оёқ.

Хайхот, хайхот! Дарижондан топмабди улар дарак!
Яна оқди күзларимдан аччик ёшлар селобдак¹.

Фаридунга сүйладимки: «Энг қаттик кун шу, эвох!
Биз айрилсак, менга жафо, Худованд ўзи гувох!..

Энди бориб ўзим излай у тутқун қуёшимни,
Рухсат бергин, мушкил дамда олиб кетай бошимни!..»

Шундай бўлгач, кора отин менга тақдим қилиб ул,
Деди менга: «Қуёш юзлик! Бу совғамни эт кабул.
Биламанки, бўлак совға ёқтирмассан, пахлавон,
Аммо чопқир, келишган от сенга лойик армуғон»...

Соҳилдаги у диёрдан узоклашиб мен кетдим,
Денгизларда изғидиму ёт элларда сайр этдим.
Ким дуч келса, суриштирдим кунчехрадан нишона,
Жавоб топмай, дайдиб юрдим ёввойи ва девона.

Мен ноумид ўйлар эдим: «Чўллар кездим беҳуда!
Толеимни карғаб-карғаб умрим ўтар қайғуда!»
Садоқатли навкарларга ва Асматта сўйладим:
«Қайтинг уйга, сизларни мен кўп овора айладим.

Шўрим қурди! Мени қўйиб, юртингизга юз тутинг!
Йиғиларим тугамайди! Сиз буни ҳам унунтинг!»
Аммо қуллар кўкка караб йиғлашиб қилди нидо:
«Бундай сўзни тағин бизга эшиттирма, эй Худо!..»

Сўровларга кўниб мен ҳам улар билан бир кетдим,
Лекин одам учраб турган ўлкаларни тарқ этдим.

¹ Селоб – сел суви.

Бугуларнинг, кийикларнинг кирларига жўнадим,
Дараларда, водийларда, кояларда тунадим.

Кўпни кўрдим, хатто бир кун дев ғорига тушибман,
Хатарларни кўзга илмай девлар-ла олишибман.
Совутимни улар эски тўрдай йиртиб иргитди,
Йўлдошларим ҳалок бўлди, фалак тинкам куритди...

Энди бунда, тоғ бағрида ғорда тургун ғарибман.
Йиглаб-йиглаб одамлардан холи қочиб юрибман...

Кунчехрани келтираман йўлбарсдай кўз ўнгимга,
Шу туфайли йўлбарс пўстин ёпинаман эгнимга.
Асмат менга либос тикди қайғу ичра чекиб ғам,
Нетай, кўлим сира бормас ўзимни сўяй десам...

Ўн йил ўтиб кетди, бироқ севганимдан йўк нишон;
Менга кисмат эмас экан олмоспора – дурахшон.
Синовларда мен чиникдим, касамимга содикман!..»
Кўксин уриб киссасини тамом қилди шу билан...

Унга деди Автандилки: «Айрилмоғим кўп оғир,
Дўст ҳажридан улуғ зиён оламда йўқ-ку охир.
Фақат битта нарса айтай – бу азобинг беҳуда:
Севганингга нафъи борми ҳа деб юрсанг қайғуда?

Табиб қанча машхур бўлиб кетса-да мамлакатга,
Тоби кочса, бошқа табиб чакирар маслаҳатга.
Ўз дардини ҳамкасбига айтиб берса шу хаста,
Ул томирин ушлаб берар дори-малҳам бир пасда.

Тажрибадан чикиб келган ҳикматларга амал қил:
 Кенташганинг тентак эмас, бўлсин доно ва окил.
 Фойдаси йўқ шошилтирса қалб бизни кўр-кўронга,
 Жафоларга, балоларга мен чидайман мардона.

Мен юртимга қайтиб бориб, севгимни улуғлайман.
 Йигитчилик шартин сақлаб, можаронгни сўйлайман.
 Биз тутинган оғайнимиз – шунга ичайлик қасам,
 Аҳдимизга гувоҳ бўлсин Парвардигор ушбу дам.

Ўтинаман сабрли бўл, биз бўлурмиз ҳамнафас,
 Мени чиндан кардош билгин, дўстлигимиз айнамас!
 Мен аҳдимга вафо қилиб, қайтурман хизматингга,
 Биз Нестонни топиб олгач, ёлчийсан қисматингга!..»

Улар бирга қасам ичиб, килишди ахду паймон,
 Чехралари бўлиб колди мисоли ёқутсимон.
 Юраклари куйган дўстлар ғорда бирга ётдилар,
 Ҳамдард бўлган оғайнилар тонгни бирга кутдилар.

Хижрон пайти оғир бўлди. Кўрингач тонг яллиги
 Кетиб колди хуноб бўлган Автандил, қалбда йиғи.
 Аччик-аччик йиғлар эди йўлбарс пўстин кийган эр,
 Дўст корасин узун-узок кузатди мард Тариэл...

XVIII

АВТАНДИЛНИНГ АРАБИСТОНГА ҚАЙТМОГИ БАЁНИДА

...Ўз мулкига келиб етди. Сипоҳлари ғоят шод
 Сардорларин кутиб олди. Ўша куни чопиб бот.

Мулозимлар Шермадинга хуш хабарни элтдилар:
«Хузуримиз қиблағохи эсон қайтиб келдилар!»

Унга пешвоз чиқиб олиб, Шермадин күчоклади,
Оғасидай үпіб олиб, суюнгандан йиғлади,
Дер әдіки: «Бу тушимми ё ўнгимми, ё Раббий!¹
Бахтлиманки, эсон-омон қайтиб келдинг күн каби!»

...Шермадинга айтиб берди барча гапни Автандил:
У ҳаётбахш қуёш билан танишганин батағсил...
Таомлар еб, кувват топиб, кечаси хуб ухлади,
Эртасига шох қасрига отланмокни хоҳлади.

Рўзғорига қўл тегизмай маликага шошар ул,
Шермадинга буюрарки, йўлда бўлгай эровул²,
Ўн кунчалик узок йўлни босиб ўтди уч кунда,
Олтин қуёш рақибасин тез кўрай деб армонда.

Чопар йўллаб хабар килди: «Олиймақом подпоҳ!
Шавкатингга, кисматимга бўйсундим, эй қиблағоҳ!
Мен шарманда бўлар эдим пахлавонни топмасам,
Аммо етиб муродимга, қайтиб келдим шод-хуррам».

Кўп ҳайбатли яроқларнинг эгаси Ростевонга
Таъзим билан кириб келди Шермадин кўшк-айвонга:
«Бегона эр топилибди – сардор сўрар ижобат!»
Султон деди: «Дуоларим Худо қилган ижобат!»

¹ Ё Раббий – эй Худо.

² Эровул – лашкарнинг олдинги кисмларидан илгари борувчи отлик аскар.

Сўнгра деди юлдузлардай нурафшон маликага:
 «Ажиб ишлар килиб келди саркардамиз ўлкага».
 Шермадинга зўр суюнчи инъом қилди Тинатин,
 Ҳамроҳларга у кийгизди шохи жияк атлас тўн.

Автандилнинг пешвозига ўзи чиқди шаҳаншоҳ,
 Атрофида башанг либос кийинган ахли даргоҳ.
 Бу азамат қаҳрамонни кўргач, суюнди султон.
 Ҳамма ёқдан унга қараб ҳузур қилди оломон.

Отдан кўниб, таъзим қилиб олдида ерни ўпди,
 Подшоҳ эса кўпдан бери кутилган эрни ўпди.
 Араб шохи мамнун бўлиб қўл очди шукронага,
 Автандилни олиб кирди хосса меҳмонхонага.

Шерлар шери қуёшларнинг қуёшини олқишилар.
 Юзлар – биллур, лаблари – гул, ўқ-ёйдай эгма кошлар.
 Боқкан кўзни қамаштирап Тинатиннинг нигоҳи,
 Бу икковага кошона тор! Само баҳтлар даргоҳи!

Майлар оқди сойлар каби тун бўйи зиёфатда.
 Арзандасин шоҳ Ростевон севар эди ғоятда...

Базм тугаб, барча меҳмон таркалиши. Саркарда –
 Подшоҳга айтиб берди қочоқ ўғлон ҳакида.
 Сирли юртлар – ўлкаларни таъриф этди Автандил,
 Қайсар ботир изларини кидирганин батафсил...

«У пачақлаб зўр девларни, ўзи яшар бир ғорда,
 Шоҳ қасридан кочкин бир киз унга каниз каторда.
 Йўлбарс пўстин ёпиниб у, бу оламни дер фоний,
 Шу сабабли менсимайди ғазналарни¹, дунёни».

¹ Ғазна – ҳазина.

❖(жаҳон шеърияти дурданлари)❖

Саёхатлар, мамлакатлар таърифин у тугатди,
Тарки дунё оғайнисин можаросин накл этди,
Бу муфассал ҳикоятни эшигнанлар айтдики:
«Саркарданинг мушкуллардан ҳеч йўқ экан ҳадиги!»

Тинатин кўп хушҳол эди, чаракларди юлдуздай,
Таомларни, шаробларни оларди четта сурмай.
Уйга қайтгач Автандилга хат узатди хизматкор,
Хатни ўқиб англадики, Юлдуз унга интизор.

Қиз меҳридан қанотланиб, чопиб борди паҳлавон,
Икки ёрнинг юракларин қоплаб олди хаяжон.
Маликанинг ҳузурида ботир – олам инжуси,
Аммо рангин ўчиргандир айрилиқнинг қайғуси.

У кунчехра тахт устида ўтирганди шўх, танноз,
Гўё Фирот¹ соҳилида чаманзорда сарвиноз.
Сочлар – катрон², ёнок – биллур, лаблар – ёқут,
тишлар – дур...
Фақат юнон маддоҳлари³ тасвирига кодирдур.

Қиз ёнига Автандилни ўтқазди хуррам ва шод,
Кўнгиллари паймонадай баҳтга тўла ва обод.
Ўғлон билан сұхбат бошлиб савол берди Тинатин:
«Шунча излаб, бегонани охир кайда учратдинг?...»

Айтиб берди, гурбатларда саёқ бўлиб чопганин,
Йўлбарс пўстин ёпиб юрган паҳлавонни топганин:

¹ *Фирот (Фурот)* – Фарбий Осиёдаги катта дарё.

² *Катрон* – ар-ар. санавбар каби дараҳтлардан олинадиган ёғсимон кора модда; мажозан: кора ранг, кора.

³ *Маддоҳ* – мадҳ этувчи, таъриф килувчи.

«Шу бевафо дунёмизнинг килигидан хабардор,
Жониворлар ўртасида Мажнун каби нолакор...»

Тариэлдан билганини айтиб берди ёрига:
«Таркидунё бўлиб, ёлғиз яширинган ғорига.
Ўша ғорда ихлос кўйган ишончли бир канизга,
Эсизгина! Тақдир мотам битган пешонамизга!»

Тинглар эди малика киз ҳамма гапга ишониб,
Сидкидилдан хуруж қилган накллардан кувониб,
Деди: «Ўша бечорага бўлмоқ лозим ғамгусор!¹
Аммо, унинг дардларига борми бирон шифокор?»

Мард Автандил жавоб берди: «Алдокчини ким кутар?
У пахлавон бўлди менга охиратлик биродар!
Мен қайтмокқа ваъда бердим, жоним билан тайёрман,
Мен номингга қасам ичдим, қуёшимсан, эй ёр сан.

Дўст йўлида дўстга шартдир синовлардан кўркмаслик,
Дўст юраклар ўртасида муҳаббатдан бор кўприк.
Ошикларнинг изтиробин англар факт ошиклар,
Дўсту ёрсиз ҳаёт бизга ширин эмас, дардисар!»

Жавоб берди Тинатинки: «Сен кўп содик ботирсан,
Бажо қилиб шоҳ амрини эсон келдинг ҳозир сан.
Аччик-аччик заҳматларга беролди севгинг барҳам,
Ўзинг келдинг ва келтирдинг қалбимга шифо-малҳам.

Одамзоднинг тақдири ҳам обу ҳаводай фоний:
Кўкда гоҳо ғазаб чакнар, гоҳ кун балқир нуроний.

¹ *Ғамгусор* – ғамдан ҳалос килувчи, кўнгил очувчи.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Хозир шодлик кулимсиар, адо бўлди кулфатлар,
Шунча жабру жафодан сўнг суюнайлик баробар.

Сен-ку унга «оға» дебсан, унутмагин оғангни,
Дарбадарнинг олдига кайт, бажар берган ваъдангни.
Маъшукасин изин топиб, бер унга умид-сурур!
Аммо билки, сен кетганда кўзимда кораяр нур»...

Ошикона сўзлар билан овутди Тинатинни,
Устозларнинг сабогидай насиҳати сермаъни...
Қиз бир шода марваридни унга берди ёдгор.
Ошикларни муродига етказсин Парвардигор!..

Ул уйига қайтиб келди фоят маъюс ва ғамгин,
Мухаббатнинг тутқунлари емиrolmas ўз дардин.
Булут агар кунни тутса, ерга коронғи кўнур,
Гар бўлмаса ёринг бирга – кунинг тунга айланур...

Фоят чукур изтиробга чулғанибди Автандил,
Қаддин букиб кўкка қараб сиктар эди муттасил.
Кўп кутилган висолдан сўнг айрилмок – куймок демак,
Чакалокни белаб туриб, кафан ҳам тўкир фалак!..

У тасалли тополмади, куйдирди хижрон уни,
Кўлга олди қизнинг берган ёдгорини – инжуни,
Лабларига босиб-босиб у зийнатни ўпарди;
Кўзлар эса чехрасига қонли ёшлар сепарди.

Тонгда уни айтиб келди шоҳ томондан ясавул.
Ётогидан дархол туриб саройга отланди ул.
Кошонага кирганида эшилди ов бўлишин,
Шикорчилар кийкириғин, бургуларнинг товушин.

Тонгда овга чикиб кетди султон бошлиқ барчаси,
Халқнинг шодлик нидолари, карнайларнинг наъраси...

Овдан кейин Ростевоннинг даргохига бўлди жам:
Аъёнлар ҳам, сипоҳлар ҳам, аслзода беклар ҳам.
Музайян¹ бир уйга элтди меҳмонларин шоҳ шу тоб.
Ашуалалар айтилди-ю, чалинди уд² ва рубоб.

Сардор шоҳга гапиравди. Лаблар ёкут мисоли,
Меҳмонларни жалб этарди Автандилнинг жамоли.
Аъёнлар шоҳ атрофига, орқада сипоҳийлар...
Тариэлнинг ботирлиги достон бўлиб айтилар...

XIX

АВТАНДИЛНИНГ СУЛТОН РОСТЕВОНДАН РУХСАТ СЎРАГАНИ

Автандил тез уйғонди-ю, Тангрига шукр қилди;
«Парвардигор, юрагимда ташвиш ўти ёкилди.
Менга сабру тоқат бергин, бу ожизни ярлака!»
У вазирнинг саройига борди уни кўрмокка.

У сардорни кутлаб, деди: «Ёрқин кун, хуш келибсан!
Келишингни эрталабдан сезгандим ирим билан».
Автандилни вазир мактаб, яхши сўзлар сўйлади.
Мехмон агар азиз бўлса, мезбон уни сийлайди...

Мехмон айтган ҳар бир сўзи ғамга тўлганди, эвоҳ:
«Улуғ вазир, сен султоннинг барча сирига огох.

¹ Музайян – зийнатланган, безанган.

² Уд – тўрт торли қадимий чолгу асбоби, барбат. Форобий томонидан унга бешинчи тор кўшилган.

Катта-кичик тадбирларда у сен-ла кенгашади,
Мени тинглаб тасалли бер. Азобларим ашаддий!

Ўша кочкин ўғлон каби мен ҳам ўтда ёнаман,
Васл умиди ва ҳажрида заҳарландим яна ман.
Улуглайлик дўстларни деб жонин берган эрларни,
Қадрлайлик яхшиликка булоқ бўлган дилларни.

Мен у билан иноклашдим. Қалбим унга уланган,
Гўё ўша гулхан ёнган ғорда тўрга илинган.
У айнан бир қуёшдирки, нурида мен куяман,
Ўзин оғам, канизагин синглим кадар суюман.

Биз бир карра онт ичишдик ва боғландик абадий,
Мен дўстимга мадад учун дарров боргим келади.
Шифо бериб дардларига, топаман офтобини,
Йўқса, сира босолмайман кўнгил изтиробини.

Хаялламай боришим фарз. Лекин дилда ҳаяжон:
У мунтазир. Аммо мен-чи: судралиб келдим ҳамон,
Ҳақ таоло амри билан Мажнунга нажот керак,
Ким айниса қасамидан омад кетар бедарак.

Подшоҳга айтиб бергин менинг шу хоҳишимни,
Аниқ айтиб билдиргайсан албатта кетишимни.
Менга рухсат этмас экан, бўйсунмайман амрига!
Мени қўлла, йўқса чидаб бўлмас фалак жабрига...

Кошонамдан кетишимга ол, албатта, ижозат,
Бу хизматинг учун сенга юз минг тилла мукофот».

Вазир деди: «Хоҳишингдан бажарурман тилласиз,
Сенинг менга кенгашмоғинг ҳамма инъомдан азиз.
Аммо шоҳга хоҳишингни айтсам, бўлур дарғазаб;
Бу хоҳишинг факат жаҳлин чикариб, қўзғар асаб.

Шу гап учун ҳукм этади қатлимга ўша лаҳза,
Бу ўткинчи хаёт гарчи кўп шириндир, мен эса –
Сенинг учун мукофотсиз гўрга кирсам, йўқ сўзим;
Лекин шоҳга шуни айтиш? Йўқ, ўлдир мени ўзинг!..

Борди-ю, шоҳ рухсат берса, юргнинг бошсиз лашкари,
Яъни сенсиз нима килар Арабистон аскари?
Кетиб колсанг, босиб кирап ёт ўлка хўжалари,
Лочин бўлиб етилгайми чумчукнинг жўжалари!»

Ботир деди: «Дард бедаво бўлса, ўлим афзалрок.
Бил, беғараз дўстлик қадри муҳаббатдан аслрок.
Ҳатто ажал бузолмайди кардошлиқ аҳд-паймонин,
Оғир кунда дўстдан кечган топмас ором бир тагин...

Эҳ, наҳотки, вазир қалби шунча бехис ва қаттик?
Ахир, шу хил ўтинчлардан эрир ҳатто пўлат, тиф!
Дўст дардига teng келолмас дарё бўлса кўз ёшим,
Унутмайман ёрдам бериб, бўлиб қолсанг кўлдошим!

Майли, мени кув десинлар, кўймасалар – кочаман!
Тагин қалбим бурунгидай дардга чўкар тамоман.
Султон сени сийлаб келган, ўтинчимга йўқ дема,
Султон сени уялтирас. Ўлим турса ҳайикма!»

Вазир деди: «Мен ҳам сенга ҳамдард бўлдим,
ишонгил,
Фалак шунча золим бўлса, унга чидаш кўп мушкил.

Баъзан сукут зиён берар, баъзан ҳар сўз ранжитар,
Майли, ўлсам, руҳим ўчмай тепангда порлаб турар!»

Топшириқдан гангиб колиб, Ростевонга борди у,
Шоҳ зардўзий либосларда юлдуздай сочар ёғду.
Сардор сўзин шаҳаншоҳга айтолмайин мот эди,
Шоҳ олдига бориб ерга таъзим килди, бош эгди.

Султон ҳайрон бокар эди хомуш турган вазирга,
Деди: «Нега паришонсан? Тушунмадим бу сирга».
Вазир деди: «Менинг дардим шамширдан ҳам
кескирдир,
Мени тингла, ундан кейин ҳоҳ кечириу ҳоҳ ўлдир!

Кўнглимдаги аламларни кўпайтириш не даркор?
Элчига-ку ўлим йўқдир, аммо дилда ташвиш бор.
Мени сенга элчи қилиб юборгандир Автандил;
Аҳдин саклаб, у дўстига қайтмокчидир астойдил».

... Вазир сўзин эшитганда бузилди шоҳ авзойи,
Ғазабланиб кilmokchidai сарой ахлин сазойи.
«Телбамисан, сурбетмисан, менга шундай сўзлайсан?
Ёмон хабар келтирмокда ёвуз ният излайсан!

Автандилнинг бу сўрови минг заҳматдан бешбаттар,
Бундай хунук харакатдан абраҳ ҳам килар ҳазар.
Нега сенинг айёр тилинг ёпишмади танглайга,
Сендақалар вазир эмас, ўхшайсизлар малайга!

Эгасининг нонин босмок девоналар шеваси!
Ҳамма гапинг шармандалик, нодонлар сафсатаси.

Бу сўзларни эшитгандан кошкийди сангров бўлсам!
Мен каллангни чопдирадим гар хунингдан қўркмасам.

Саркардадан элчи бўлиб келмаганингда агар,
Ёв сингари бошинг билан бўлар эдинг жавобгар.
Йўкол бундан, беҳаё, пес, сурбет ҳамда шаллақи,
Кўзимга ҳеч кўринмагин энди нодон – кишлеки!

Шоҳ курсини улоқтириди ул вазир – шармисорга,
Курси бутун мажақланди урилганда деворга.
Шоҳ бакирди: «Кетолмайди бўйи шамшод бежавобб!»
Вазир чўчиб беҳол бўлди, кўп пушаймон ва хароб.

У толесиз элчи энди чекинди оstonага,
Тулкиларча найранг килиб, яширинди панага.
Ўйланмасдан қилинган иш ўлимга боис бўлур,
Хатто душман қилмаганин киши ўзига қилур.

Вазир ўйлаб қайғурарди: «Мен ўзим кўп янгишдим,
Нега элчи бўлмокликка рози бўлиб келишдим?
Кўрс гап билан ким подшоҳнинг қўзғаб кўйса асабин,
Амал катта бўлган билан барибир ер адабин.

Вазир шоҳдан қочиб кетди оёғин кўлга олиб,
Келиб деди Автандилга: «Бошимга бало солиб,
Илтимосинг бажарай деб мартабамдан ажрадим,
Мансабимдан тушиб колиб, не балога учрадим!»

Йигламсираб илжайди-ю, дўстига кўз ташлади,
Титроғини зўрға босиб, мутойиба бошлади:
«Ваъда билан қул ёлласанг, ялчимайсан сира ҳам,
Масал борки: пора берсанг, кутуларсан дўзахдан.

Султон мени хақоратлаб, жеркиб ҳайдаб қакшатди,
Шармандалини чиқарди-ю, амалимдан бўшатди.
Мендаги бу жароҳатга ҳеч ким бўлмас шифокор,
Кандай тирик колибман-а! Раҳм этган Парвардигор!

Унинг шундай қиликларин била туриб янглишдим,
Сенга хизмат киласай десам, балога ўзим тушдим.
Чораси йўқ кимга фалак солиб кўйса ўз чангин!
Мен хурсандман сенинг учун бошим кетса, ишонгин!»

Ботир деди: «Фалокатда дўстни кўймок кўп уят.
Гул сўлиса, булбулни ҳам кутар ёмон окибат;
Шунинг учун булбул учиб, излар шифобахш шудринг,
Яшаш учун яхши билар оби ҳаётнинг¹ кадрин.

Мен оғамни ташлаб қўйсам, уйқумни йўқотарман,
Уй – эшигим тарк этарман, дашту чўлга кетарман.
Шоҳ минг деса, ёвлар билан урушга йўқ ишиёқ,
Одамзоддан узоқ юрмоқ ҳархашадан яхширок.

Мен сultonга хат ёзарман, аччиғланса, майлига!
Оғамни деб тан берарман замонанинг зайдига.
Тушунмаса, яширинча мен кетарман, билгайсиз.
Ҳалок бўлсан, мерос мулким колиб кетар эгасиз».

Суҳбат битгач, вазир ўзин аламин-дардин босиб,
Совғаларни тақдим этди саркардага муносиб.
Уй ичига тортиқ бериб, вазир-ла овқатланди
Ҳамма билан хайрлашиб жўнаб кетди Автандил...

¹ Оби ҳаёт – тириклик суви.

XXIII

АВТАНДИЛНИНГ ЯШИРИНЧА ҚОЧИБ КЕТГАНИНИ СУЛТОН РОСТЕВОН БИЛИБ ҚОЛГАНИ

Автандилнинг кетганини накл этайлик шу жойда,
Ўша куни кабул расми бўлмай колди саройда.
Даргоҳ ахли довдиради шоҳни хомуш кўрганда,
Шоҳ вазирин чақиртирди; титраб келди у банда.

Хўмрайган шоҳ ҳузурида тураг у камарбаста.
Султон деди: «Жахлинг чикиб, сен айнадинг
бирпасда.

Дагал сўзга аччиғланиб, сени хорладим гарчанд,
Аммо билки, дилларимиз бир-бирига доим банд.

Сен кечаги ўтинчингни энди айтиб бер очик.
Ҳакимлар дер: «Балоларнинг илдизидир кек-аччик».
Бирон ишга киришганда ҳар томонин бил аниқ,
Энди сўзла Автандилдан, яширмайин, бетакик!»

Аммо кеча чала қолган гапнинг барин эшлитиб,
«Йўқ деганим – ҳак экан-да!» – деди султон ачитиб.
Биласан-ку, қаҳрлансан арслондан ҳам баттарман!?
Бас кил, йукса фурсат бермай, сени хароб этарман!»

Уйга қайтгач, хизматкорлар бор гапни сўзладилар,
Хуноб бўлган вазир жонин босиб кетди хавф-хатар.
Вазир деди: «Хозир шоҳнинг йўқдир сабри-қарори,
Мен даргоҳга боролмайман, ким борса ихтиёри!»

Шоҳ Автандил кўрғонига мулозимлар юборди,
Ҳақиқатни улар билгач, ваҳима босиб қолди.
Бир бало юз берганини сезиб, наъра тортди шоҳ:
«Юзлаб мардни кочирган мард ўзи кочибди, эвоҳ!»

Хуноб бўлган султон бошин энкайтирди кўп малул¹,
Вазирни тез келсин, дея мулозим юборди ул:
«Барча гапни очиб берсин у номард буқаламун!»²
Шоҳ қаҳридан ғоят кўркиб, келди вазир хор-забун³.

Шоҳ вазирнинг саломини олмай бокди хўмрайиб,
Сўрадики: «Куёшимиз ойдек бўлдими ғойиб?»
Вазир шоҳга айтиб берди Автандилнинг кетишин:
«Энди инкор этиб бўлмас куёшимиз ботишин!»

Шоҳ юзларин тимдаларди, ок соchlарин юларди,
Бўкирарди, сарой ахлин хаяжонга соларди:
«Нега мени ташлаб кетди мен асраган фарзандим?
Қай томонга йўл олгандир у ягона арзандам?!»

Маҳрамларни шоҳ чакирди кенгашга кошонага,
Сипоҳийлар ва аъёнлар тўлди меҳмонхонага,
Деворларга бошлар уриб, соколларин юлдилар,
Бакирдилар: «Куёш ботиб, дилларга зулмат чўкар!»

Шоҳ уларга ҳамдард эди, ўзи топмай тасалли,
Дерди: «Эвоҳ, бизга нурин сочмайди кўк машъали!
Ҳеч ким уни ранжитмади, аммо кетди дастиёр!
Киличимиз зарбин энди писанд килмас ёв-ағёр!»

¹ Малул – гамгин, хафа, ранжиган, озор чеккан.

² Буқаламун – турланиб-тусланадиган, икки юзламачи.

³ Забун – 1) ожиз, бечора, хор; 2) маглуб.

Йиғи-сиги чиқди... Ахир тинди нола, ох,
 «Наҳотки, у ёлғиз кетган?» – деб сўради шаҳаншоҳ.
 Шу тоб шоҳга олиб келди Автандил васиятин,
 Ўз ёзмишин қарғаб-қарғаб сардор дўсти Шермадин.

У арз этди: «Биз зорларкан айриликнинг доғидан,
 Топиб олдим шу мактубни сардорнинг ётоғидан.
 Кўп олисга кетиб қолди битта ўзи Автандил.
 Менга ўлим муносибдир. Бўлма менга раҳмдил!»

Ўқилди-ю, аён бўлди у номанинг мазмуни,
 Султон деди: «Бари лашкар аза тутсин бу куни.
 Буюраман барча етим-есир дуо айласин:
 Мусофирга Худованддан раҳму шафқат тиласин!»

XXIV

АВТАНДИЛ ТАРИЭЛНИ ИККИНЧИ МАРТА ҚИДИРИБ БОРГАНИ

Ой қуёшдан йироклашгач, яна кўпроқ сочар нур.
 Аммо тонгнинг ёруғида ой ҳам хира кўринур;
 Куёш кетгач гуллар сўлар, ранглар ўчар муқаррар.
 Севгилидан айрилганда дилда ошар ғам-кадар¹.

Тасвирлайлик Автандилнинг кезганини бекарор,
 Ботир дайдиб юрар эди кўз ёшлари шашқатор.
 Севганига ялинарди: «Кўрин менга, офтоб!
 Ялтирасанг кўнгил хурсанд, яширинсанг дил хуноб!»

¹ Кадар – ғам-ғусса, қайғу.

«ЖАХОН ШЕРРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Хижронзада баходирнинг дудоклари жим, юмук.
Кўз ёшлари оқар Дажла¹ тўлқинидай бетўсиқ.
Гоҳо тўхтар қидиришдан, аммо дилда ғашлик бор,
Девонага барибир-ку, кайга югурса тулпор.

Ох, Тинатин! Нур кўролмас кимки сендан узоқда,
Махлиқонинг асириман. Дилем гўё тузокда.
Васлига кўп ташнаману ёлғизликда дарбадар,
Ошиқларнинг шўр кисмати кўп шириндай туюлар...

У шам каби ёниб-эриб, йиғлар эди доимо,
Кўп ўлкалар сайр этди-ю, топмади дўстин аммо.
Кўкда юлдуз чараклашар сочилган олтинсимон,
Ҳар бирида ёр сиймосин кўрар эди паҳлавон.

Тунда ойга ёлборарди: «Худо ҳаки, марҳамат!
Сен ошиқлар хаёлида қўзғатасан жароҳат.
Сен ҳайдайсан одамзоднинг юрагидан ғамини
Сендек равшан маҳликомга олиб бориб қўй мени!»

Наҳор чоги толикканда боқар эди ғарб томон;
Салқин сойда дам олса-да, дилда изтироб ҳамон,
Окар сувга кўз ёшидан қонли кўллар кўшарди,
Тонг отганда отин миниб, манзилларга шошарди.

Йироқларда бир кун тоғлар тизмасини кўрди у;
Бир ўқига қурбон бўлди қочаётган бир оху.
Овқатланиб ўйлар эди: «Бошимда кўп андиша!
Гул йўқотиб, тополмадим ҳатто оддий гунафша!»

¹ Дажла – Ироқдаги катта дарё.

Унинг узок сафарларда кўрган жабрин, заҳматин
Ким ҳам тасвир қила олур дўст пайида ҳимматин:
Гул чехрасин тимдаларди, тўкиларди юздан қон...
Пироварди бир ғор кўриб, отин сурди у томон.

Фордан Асмат чиқиб, йиглаб унга томон уринди.
Унинг ғамгин кўзларида севинч ёши кўринди.
Ўз синглидай ўша кизни сийлади, ўпди сардор:
Айриликда толиқканлар висол чоғи баҳтиёр!

Киздан сўрди: «Қани менинг тутингган қардошим, айт?
Киз кўзидан хуноб¹ ёшлар оқиб кетди ўша пайт:
«Сен кетгандан сўнгра у ҳам бу тоғларни этди тарк,
Ёлғиз колдим, аммо ундан ололмадим дом-дарак».

Бу хабардан тиф ботгандай сесканди у баногоҳ:
«Аттант, Асмат, киши кўнглин билиб бўлмас экан, ох!
Ул кўёш ҳам унудими қилган аҳду паймонин?!
Ожиз бўлса, нега буркар қасамга ўз ёлғонин?!

Агар уни учратмасам – ҳаёт менга қадрсиз?!
Дўстлигимиз кўзга илмай унуди жўрам, эсиз!
Аҳдни бузиб, қардошликтининг ипин узиб қочди ул!
Не килайн, фалак менга ёғдирап қаҳрин нукул».

Киз дедики: «Ундан гина килмоқликка ҳакинг бор.
Аммо инсоф қонунларин эслатай сенга, сардор.
Факат сўнмас юракларда аҳду паймон ўлмайди,
Ахир, унинг қалби тош-ку, у-ку ўлмак тилайди.

¹ Хуноб – конли кўз ёши.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Калбу руху равшан фикр – бир занжирда ҳалқалар:
Юрак ўлса – рух ҳам ўчар, фикр ҳам сўниб қолар.
Кимда иссик кон музласа – ачинишга лойик у.
Унутдингми, Тариэлнинг қалби дарддан куйган-ку?!»

Сен оғангни койимагин, шу хижронга боис сен,
Тариэлнинг саргузаштии накл этмоқдан ожиз мен.
Унинг тортган жафоларин айтай десам тилим лол,
Мен ўзим ҳам шу йилларда кўрдим талай дард-малол.

Тариэлча жафо тортган яна борми бирон жон!
Бу жафони тошлар кўрса, эрирди аллақачон.
Бечоранинг кўз ёшлари Дажладан ҳам зиёда,
Жангни четдан кузатувчи ўзин санар саркарда.

Хайрлашиб кетар чоғ кўп йиғлаб дедим унга:
«Ох, Автандил қайтиб келса, нима дейман дўстингта?»
Жавоб берди: «Куёш дўстим билан кўришмагунча
Бу ерлардан кетолмайман, бунда дилбандман шунча!

Мен дўстимни унутмайман, аҳдни узиш ёмон иш,
Тирик колсам мўъжизаю аммо бу гап гумон иш.
Кўзим дарддан куйса ҳамки, уни кутаман ҳамон,
Ўлигимга учраб колса, кўтарсин оҳу фиғон».

Ёлғиз колдим... Жабру жафо бўлмас бундан зиёда!
Киладиган ишим нима? Сиктаб юриш дунёда!
Бу оламда ғам устига чўкиб келди дард-озор,
Ажал мени унутибди, бунга толе айбдор.

Эшиздимки, Чин элида тошга шу гап ўйилган;
«Ўзига дўст кидирмаган ўзига душман бўлган».

←(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Сен йўлингдан айнамасдан дайди дўстга бер нажот,
Гул ёноғи заъфарондай сарғайиб кетди, хайҳот!»

У дедики: «Юраксиздан мардлик кутиш бежиздир,
Ихтиёрин йўқотганлар оғир кунда ожиздир.
Мен дўстимни излаб юриб учратарман мукаррар,
Соя ва сув излагандай чўллаб колган кийиклар.

Чехралари ёқут билан инжу бўлган дилбарни –
Кўйиб келдим, улаштирумай бизнинг ошик дилларни.
Султон билан аразлашиб, юртдан кочдим баногоҳ,
Мансабимни ташлаб келдим, қаҳрланди менга шоҳ...

Мен аҳдимни бузолмайман, мен оғамни топаман,
Бир лаҳза ҳам тинчимасдан бу ниятда чопаман!
Қани менинг юрагимни овлаб кетган баҳодир?
Ҳамма жойда уни излаб, бу ерга келдим охир!..»

Ботир отин суриб кетди кўз илғамас чўлларга
Ўтиб тикка қоялардан кетди узок йўлларга,
Ёнокларин силар эди енгил эсган шаббода,
Яна дайди баҳодирнинг дарди бўлди зиёда...

Яна чўллар, яна чўллар... Узок олис уфқлар,
Мижжа қоқмай, манзил кўнмай ўз дўстини чакирав.
Каттагина чангальзорда уч кун бўлди овора,
Аммо бунда ҳеч кимсани учратмади бечора...

АВТАНДИЛНИНГ АРСЛОН БИЛАН ЙЎЛБАРСНИ ҮЛДИРГАН ТАРИЭЛНИ ТОПИБ ОЛГАНИ

Машақкатли йўллар юриб, Автандил кўп уринди.
Тоғ бағрида сояликда бирдан кўзга чалинди –
Қора тулпор, югани бўш, ўтланарди у ерда,
«Тариэлнинг изин топдим!» – деб ўйлади саркарда.

Қалб талпиниб, шод туйғулар коплаб олди кўнглини,
Эски дардлар тўсолмади хурсандчилик йўлини.
Аввалгидай қатрон ўзга, гул ўзгача бўлганди,
Дўстин пайқаб, унга караб Автандил тез елганди.

Ликиллаган бир қамишнинг тагида у ётганди,
Ғамгин чехра мурдаларнинг юзидаи оқ, қотганди,
Ёқалари йиргилганди, юзларида лахта кон,
Бу дунёни аллақачон тарк этгандай ул ўғлон.

Бир ёнида ўлиб йўлбарс, бир ёнда жонсиз арслон,
Бир томонда килич ётар, сопи, дами – бари кон.
Ақик кора киприклардан оқар кўзнинг чашмаси,
Олов сўниб, музламоқда эди унинг сийнаси.

Тариэлнинг эси-ҳуши аста-секин учмоқда,
У ажални сезаётир, сустлик уни кучмоқда.
«Тариэл!» – деб кичқирса ҳам жавоб олмай Автандил,
Отдан тушиб, уни дархол қучиб олди астойдил.

Артиб унинг кўз ёшлиарин, овунтирди, сийлади,
Ёнбошига ўтирди-ю, меҳр билан сўйлади:

«Узок дайдиб юрсам ҳамки, сенга қайтиб келдим-ку!»
Аммо ботир чурк этмасди, кўзда фақат ғам, қайғу.

Нақлим тўғри: у ғарининг дудоклари юмилди,
Кўзларидан ёш тўкилиб, нур зулматга кўмилди.
Хушга келиб, Тариэл ҳам уни қучди меҳрибон,
Худо шоҳид, жаҳонда йўқ шундай икки паҳлавон.

Деди: «Билки, мен ваъдага вафо килдим, албатта,
Келишингни кутиб турдим, бок шу нимжон ҳолатда.
Лекин энди мени қўйгин! Умримнинг муҳлати оз!
Мени курт-куш титмасин деб кўмгани бир қабр қаз!»

Автандил дер: «Биз мақсадга жазм килиб борамиз,
Бу дунёнинг севгисида синов-заҳмат кўрамиз.
Шум фалакка бўйин эгмок одамзодга номус-ор,
Ким ўзига қасд айласа, у иблисга хизматкор!

Донишманд бўл! Ҳикмат билан тўсикларни енг ташла!
Эр киши мард бўлмоғи шарт: кам йиғлаю, кўп ишла!
Балоларга, бахтсизликка қалъадай тур устувор,
Банда ўзи телба бўлса, дардга бўлар гирифтор.

Донишмандлар омадларга ҳикматни она дейди:
Саҳроларда сув қидирган сароб кўриб панд ейди.
Сен ҳаммани ёмон кўрсанг, нур топасан кимлардан?!
Ахир, ўзин танғиб турмас жароҳати йўқ одам!

Кимнинг қалби ишк кўйида куймабди-кан бирон пайт?
Мухаббатда дарду алам кўрмаган ҳам борми айт?!
Бу оламнинг расми шундай, бадбин бўлмоқ не керак!
Гулни севиб, узгучининг қўлин тирнар тиканак.

Бирор гулдан сўраганки: «Сенда лаълий вожоат!
Шундай экан, бандларингда тиканларга не ҳожат?»
Гул дебдики: «Аччик кўрган билар чучук қадрини,
Қиз ҳаммабоп бўлиб қолса, очмас бирор баҳрини».

Гуллаш фасли тез ўтса-да, гулнинг раъий шу йўсин,
Бу ҳаётда жафо кўрмай, ким топибди сафосин!
Ёмонликлар-яхшиликлар мангу ҳамроҳ, ажралмас,
Бешафқат деб сен дунёни қарғамагин! Ундоқмас!

Юр мен билан бирга – йўлга! Насиҳатим тинглагин!
Васвасалар тузогига тушган фикринг-тилагинг!
Сен нафсингга банди бўлма, васвасани тез унут!
Сўзларимда қаллоблик йўқ, юрагимдан бу ўгит!»

Жавоб бериб Тариэл дер: «Мажолим йўқ, тил караҳт,
Фаҳмим хира! Ўгитларни кандай укай мен бадбаҳт!»
Такдирига кўнган киши кутулолмас азобдан!
Мангу уйку менга роҳат! Ажалга мунтазирман.

Мен Тангрига ялинаман ўлай деган ҳолатда:
Бу дунёда айрилганлар қовушолсин жаннатда.
Менга шундай висол бахти бир кун бўлар муюссар,
Қабримга сен «алвидо» деб тупрок ташла, биродар!

Севганимни кўрмоқликнинг иштиёки ғоят зўр,
Биз у билан биҳишт ичра килурмиз роҳат-хузур.
У йиғласа йиғлашамиз, чакирса «лаббай» дейман.
Юзлаб ўгит эшитсан-да юрагимни тинглайман!

Бор гапимни сенга айтдим. Мен дунёдан безганман.
Рухим қўмсар само нурин... Умрим битди – сезганман.

Ўлик тана кимга керак?! Тирик колсам қўйгин тинч!
Жуссам тезрок ириса-ю, рух юксалса! Шу ўтинч!

Яна панду насиҳатлар эшитмоққа тоқат йўқ,
Ўлим мени пойлаб турар, келгусида омад йўқ!
Фоний дунё охир мени гўрга элтур муҳаккак¹,
Тезда гилга айлангуси совук таним – бу гап ҳак!

Ҳикмат нима? Девоналар қулоғига панд кирмас,
Ноумидлик бўлмасайди тинглар эдим ўгит-ваъз.
Ҳаётбахш нур ёғмай колса, гул сўлиб, топар завол,
Дўстим, сенинг кенгашингга кўнмогим амримаҳол!»

Автандил кўп ўжар туриб ялинди олий зотга:
«Бу дунёни ташлаб кетсанг, етасанми муродга?!
Қалқ мардона! Ўз-ўзига ёв бўлурми оқил эр?!»
Бу ўтинчлар кор килмади, унамади Тариэл.

«Дўстим, энди ёлворишлар ва йигилар бехуда,
Сенга маъқул эмас экан, баҳслашмайман бу ерда.
Сен ўлмакни чамалабсан – сўлса гуллар, не чора?
Аммо бир гап...» – йиғламсираб бошин эгди бечора.

«Хайр, дедим, Арабистон диёрида дилбарга,
Гулчехрани у элларда қўйиб чиқдим сафарга.
Карорим кўп жазмий эди, бўйсунмадим шохга ҳам,
Сен йўқ бўлсанг, ҳеч ким мени қилолмайди
шод-хуррам.

Бир ўтинчим қабул этки, ёзилсин дил хумори:
Чўлда бирга бир чопишсак, эй руҳим қалитдори!

¹ Муҳаккак – аниқ, ҳакиқат.

«(ЖАҲОН ШЕҦРНИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)»

Шунда дардим, ғаму ғуссам тарқаб кетар бир зумда,
Ундан кейин хўшлашамиз, ихтиёринг ўзингда!»

Ўтинарди: «Қани бирга от чопишсак чўлларда!»
Амин эди дўстнинг ғами таркар отда – эгарда!
У ялинчок кўзлар билан энгашди дўсти томон,
Охир уни кўндириди-ю, дили бўлди шодмон.

Ғамгин ботир унаб деди: «Майли, келтир тулпорни!»
У отни тез олиб келиб, отлантириди сардорни.
Икки иноқ от қўйишди чўллар оша чолафон,
Тариэлда куч тирилди, чакакларга тўлди қон.

Автандилнинг ҳар бир сўзи рубоб каби хушнаво,
Дудоклари маржон янглиғ кирмизи ва мусаффо.
Унинг сўзин эшитсайди кексалар ёшаргудай,
Тариэлнинг дарди тарқаб, яшнади юзи шу пайт.

Оғасининг кайфияти тузалганин кўрганда,
Автандилнинг чехрасида товланди кувонч – ханда.
Чикқан кўлни табиб қандай тузатса заҳмат билан,
Автандил ҳам дўст азмини қайради ҳикмат билан.

Худди кайта тирилгандай ботир уни тингларди:
«Сен дўстингдан бекитмагин энг яширин сирларни.
Кўлингдаги билагузук севганингдан ёдгор,
Айт-чи, сенга бу азизми? Жавоб бергин, эй сардор!»

Дўсти деди: «Ўша қизни мақтагани сўз етмас!
Барча кувонч ва изтироб унга боғлиқ чамбарчас.
Оlamдаги барча бойлик: сувлар, ерлар, ўрмонлар,
Унга киёс килингдан хору хасдай туюлар».

Автандил дер: «Сендан куттан жавобим ҳам худди шу!
 Ҳамма гапни түгри айттай, мен эмас хушомадгүй,
 Билагузук сенга ирим, лекин эсда йўқ Асмат,
 Бундай ношуд ҳаракатни одамлар дер хиёнат.

Билагингда билагузук мунакқаш¹ ва жилоли,
 Бу зийнатга ким қараса, кўзи яшнар сафоли.
 Аммо Асмат канизинг-ку, бу феълинг чакки бўлган,
 Синглимдир деб тутиганинг шунча тез унутилган!

У сенга ҳам, ёрингга ҳам бўлган содик дастиёр,
 Олиб келган мактублардан кўнглинг бўлган баҳтиёр.
 Куёш юзли шоҳ кизининг сирдошини унугдинг!
 Яхшиликка жавоб қилиб, ёмонликни пеш тутдинг!»

Тариэл дер: «Аччик сўзинг ниш уради дилимга,
 Асмат чиндан ғамдош эди менга ва севгилимга!
 Мен ақлимини йўқотгандим, энди хушни тиклайман,
 Тирик колсам, уни худди ўз синглимдай сийлайман».

Тариэлнинг кўз ёшлари тиниб кетди тамоман.
 Мен бу икки қаҳрамонни тасвирлашга ожизман!
 Инжу тишли, гул дудокли Тариэл ва Автандил,
 Илонларни уясидан чикаради ширин тил.

Автандил дер: «Мен дўст учун жонимни ҳам тикамен,
 Сени сабит бўлмоқликка чақираман, ака, мен!
 Доноларча иш қилмасанг, донолигинг бефойда,
 Бойликлардан воз кечганга сандиқлардан не фойда?!

¹ *Мунакқаш* – нақшли, зийнат берилган.

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

Рұхан тушиб, довдираган умри бекор кетади,
Худовандан ижозатсиз күз юмилмас абадий!
Хатто гул ҳам уч кунгача сўлмай турар куёшисиз!
Ҳақ таоло амри билан шухратга эришамиз!»

Жавоб берди Тариэлки: «Маслаҳатинг кўп макбул,
Окилларга устоз маъкул, тентакларга номаъкул.
Аммо азоб водийсида борми менга мададкор?
Сен ҳам мендай ишқ бандаси, сўзим сенга килмас кор!

Мум оловга хуштор экан, ёниб эрир шам бўлиб,
Сувга солсанг, совуб қолар, тунга нурдай кўмилиб.
Бирорларнинг қайғусига дардманлар тушунар,
Сен ҳам тушун: менинг жоним шам мумидай
 ўртанар».

XXVII

АВТАНДИЛ ВА ТАРИЭЛНИНГ ФОРГА ҚАЙТИБ КЕЛГАНЛАРИ ВА У ЕРДА АСМАТ БИЛАН КЎРИШГАНЛАРИ

Автандил ҳам оғасининг мотамига бўзлади,
Деди: «Оға, бадбин бўлма! Яқин висол соати.
Фалак қанча дўқ қилмасин, Тангри сенга мададкор,
Хижрон даври мангу эмас, ёзмишингда висол бор.

Ошиқларни офат пойлар, яширинмок бехуда!
Ким турмушда аччиқ кўрса, бол татийди охирда.
Билки, севги кўп синайди, қийнайди ишқ аҳлини,
Анойига акл ўргатар, олар доно аклини».

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Шум кисматни карғаб-карғаб ҳорғин борар эдилар:
Тоғ бағрида ботирларга пешвоз чиқди бир дилбар.
Суюнгандан кўз ёшлари тўқиларди пайдар-пай,
Бахти Асмат билан улар ўпишдилар сингилдай.

Киз дедики: «Ҳикматингга, ё Раббим, акл етмас,
Коинотнинг эгасисан, шафқатинг нури битмас!
Исриқдаги тутун янглиғ сенга калксын шу дуом!
Мен ноумид йиғлар эдим, энди келди муддаом».

Таризл дер: «Азоб мени шамширдай тилиб туар,
Дам омадни, дам балони ҳар чоғ ёндош келтирап.
Бу азалий бир конундир дунёда ҳар иклимда!
Ачинаман сенга. Ўзим баҳт топарман ўлимда.

Ташна киши кўлидаги сувни тўкиб ташларми?
Мен-чи, куруқ чаманларга қуяман кўз ёшларни!
Ўзим сувсаб ўлмоқдаман, аммо ҳар кун йиғлайман.
Аттанг! Инжу бўталанаар, сўлиб кетар гул-чаман!»

Бошин куйи солиб, ёрин хотирлади Автандил:
«Зўрга тирик юрибман, ох, кўп соғинди сени дил.
Жаҳон ва жон кўзимда йўқ, жудо бўлсам, суйганим!
Ким англайди қанақа бир жаҳаннамда куйганим?!»

Кун булатда ғойиб бўлса, гул сўлишин билади!
Юлдузларни зулмат тутса, инсон ғамгин бўлади.
Мустаҳкам бир тош сингари, эй кўнгил, бўл устувор,
Ёрим билан учрашгунча рухим колсин умидвор!»

Икки хуноб дўст-биродар изтиробга қул-банда.
Асмат чопиб ғорга кирди. Ўт ўчмабди гулханда,

Йўлбарс пўстин ерга ёзди, таклиф килди таомга,
Оға-ини ўтиришди, кизиб кетди ҳангома.

Сих ўгириб кабоб килар киз бу икки ғарифга,
Нон йўқ эди, аммо таом арзигудек таърифга,
Тариэлга киз «Ол!» деса, у бокди жирканиброк,
Гўштдан бир жаз олиб, чайнаб ютди кўп беиштиёқ.

Агар гапинг маъкул бўлса, дўстинг жон деб эшитар,
Хеч бир сўзни колдирмайин, қулоқ осиб кузатар.
Сўниб кетган ёнғин каби эски дардлар битади,
Ўтиб кетган саргузаштлар тасалли баҳш этади.

Форда ётиб тунадилар арслонмонанд ўғлонлар,
Хар бири ўз севгисидан айтиб берди достонлар.
Тонг чоғида тағин ўтмиш мажаролар эсланди,
Мангу дўстлик паймонлари қайта-қайта сўзланди.

Тариэл дер: «Ёктирмайман гап чўзишни мен жуда,
Сен шу қилган ёрдамингнинг ажрини берсин Худо!
Акли расо дўстлар аро онтдан азиз нима бор?
Қардошликтнинг муҳаббати тураг тошдай устувор.

Инсоф қилгин, мен дўзахда ёнмоқдаман барибир!
Бу ўт оддий чакмоқтошдан чиккан олов эмасдир.
Сен ҳам фалак жафосидан куймоқдасан бешбаттар,
Кайтгин туккан диёрингга, кунчехранг сени кутар!

Дилим куяр! Худованднинг назаридан қолибман,
Кулоги бор эшитсинки, мен жафога толибман.
Доноларнинг қилганини мен ҳам килиб кўрибман,
Аммо энди девона бир Мажнун каби юрибман».

Автандил дер: «Сен инингни шунча каттик койима,
Сенинг нуткинг ҳикматларга хазинадир доимо,
Оҳ, наҳотки, юракларнинг ярасига йўқ дору,
Ахир, барча уруғларнинг мураббийси Худо-ку!

Сен Худонинг амри билан шодликлардан йироксан!
Амр Ҳак-ла юртдан кочиб, ғурбатларда саёқсан!
Билиб кўйки, севги билан машаққат шерик икков,
Сен шоҳ кизин учратгайсан, жонимни тикай гаров.

Фалокатда ерга ётиб инграганни эр дема!
Юлдузингни топиб олдинг! Дард олдида бош эгма!
Яратганинг шафқати кўп. Заҳматларни дадил енг!
Ўқиб ўрган, шу аникки, эшак билан нодон тенг.

Мен турмушдан ибрат олиб, кўп элларга юз тутдим,
Факат сени кўрай дея севганимни тарк этдим,
Севганимга икрор бўлдим: Куюман дўст кўйида,
Тақдир мени шунча эзса, мендан сенга не фойда?!»

Жавоб килди Тинатинки: «Сен эркакдай маҳкам бўл,
Сен дўстингга сўз бергансан, ўз сўзингга эга бўл!»
Маликандан рухсат олиб, тарк этдим диёrimни:
Энди сени кўйиб кетсам, номард дейди ёр мени.

Насиҳатим эшитиб ол, кудратинг бўлмайди кам,
Шавкатли иш қилганларга топинар бани одам,
Гул бошини букиб колар кўрмаса нур ҳавосин,
Сен ўзингга бепарвосан, менга топгин даво сен.

Хоҳлаганинг ишни килгин, бор истаган томонга,
Таъбинг тортса доно бўлгин, ёки отил бўронга.

Паҳлавонсан, хусну жамол, қадду комат келишган,
Шу ҳолатда нима чикар шамдай ёниб эришдан?

Мен кўп нарса сўрамайман – факат бир йил сабр кил,
Асиранинг изин топиб, куткаурман уни, бил!
Илк баҳорда қайтганимда келтиурман хушхабар,
Суюнарсан гулхан кўриб суюнгандай йўлчилар.

Шу айтилган муҳлат ўтиб, етолмасам муродга,
Билки, аллақаерларда енгилибман мамотга¹.
Йиглаб-йиглаб қайғу ичра дўст азасин саклагин,
Ундан кейин ихтиёринг: хоҳ ўйна, хоҳ йиглагин!

Бу гапимга хафа бўлма, шафқат қилиб кечиргин,
Кумлоқдами, қайиқдами жон берурман мен ғамгин?!
Ахир, тилсиз маҳлук каби туролмайман бўлиб лол...
Қандай билай, пешонамга ёзилган не ғам-бало?»

Тариэл дер: «Кўп гапириб, бермай сенга дарду ғам,
Барибир сен англамассан канча узок сўзласам.
Дўстимизни кўндиришга ожиз бўлсак, у маҳал –
Сирлар ўзи очилур деб қилайлик биз таваккал.

Билки, жаҳон йўлларида саргардон кўп кийналар,
Үйроҳати, йўл заҳмати менга ҳозир баробар.
Энди сенинг истакларинг – мен телбага фармойиш,
Мендан кечсанг, демак, менга ажалдан йўқ қутулиш».

Сухбат шундай адо бўлгач, қайтадан онт ичдилар,
Чўлга жўнаб, ов-сильясин овладилар баробар;

¹ Мамот – ўлим.

Форга қайтиб келгандан сўнг тағин аччиқ йиғлашди,
Бўладиган айрилиқнинг изтиробин ўлашди.

Бу қиссани ўқиганлар, кўзингизга ёш тўлар!
Жигар-калблар айрилганда гўёки караҳт бўлар.
Якин дўстлар айрилмоклик юракда очар яра,
Видолашув мусибатин кўрмаган билмас сира!

Отландилар икки ботир чиққанда шарқ қуёши,
Майсаларнинг гиламига куйиларди кўз ёши.
Тимдаланган чехраларнинг ранги бўлган аргувон¹,
Гўё чексиз изтиробда безовта икки арслон.

Улар ғордан узоклашиб кетишидни изтиробда,
Асмат дерди: «Ғурбатларда машаккат кўп шу тобда!
Оҳ, муҳаббат шайдолари! Менинг ишим ғамхўрлик!
Мени пойлар мусибатлар! Мен – ожиза! Мен – шўрлик!»

Танимаган йўллар ўтиб, куни билан юрдилар,
Бир денгизнинг соҳилида манзил қилиб турдилар.
Мижжа кокмай туни билан хасратлашди ботирлар,
Айрилиқнинг дардин ўйлаб сухбатлашди ботирлар.

Автандил дер: «Бу дард менинг кўз ёшимни куритди,
Сенга тулпор тортиқ қилган дўстни наҳот унутдинг?
Фаридундан кўп нарсани билиб олсан бўлар-ку!
Маликадан яхши хабар менга айтиб берар у».

Фаридунни учратганин Тариэл эслаб олди,
Унинг мулки таърифида билганин айтиб қолди:

¹ Аргувон – гуллари ниҳоятда қизил бўладиган дарахт; мажозан: қизил ранг.

«Денгиз бўйлаб шарқка қараб борилар у томонга.
Мени сўрса, биродардай рост гапни айт султонга».

Овга чикиб, бир кийикни овлашди икки ўртоқ,
Гулхан ёқиб ўтирилар, ўтмади лекин томок.
Тунадилар кўк дараҳтлар чодирининг остида,
Нолидилар бу жафокор фоний дунё дастидан.

Айрилиқ-ку ноилождир. Туманли тонг ёриди,
Улар сўзин ҳар одамзод эшитса йиглар эди.
Кўз ёшлари селоб каби куйиларди кўп нохуш,
Кулоч очиб кучоклашди икки ботир тўшма-тўш.

Инграб йиглаб тирнар эди юзин икки баҳодир –
Магриб¹ қараб Тариэлу машриқ² томон Автандил.
Айрилса-да, эшитилар ботирларнинг овози,
Куёш юзин қоплар эди хайрлашув садоси.

XXIX

АВТАНДИЛНИНГ ШОҲ НУРИДДИН-ФАРИДУН МАМЛАКАТИГА КЕЛИШИ

Денгиз бўйлаб яқин уч ой сарсон эди сафарда,
Бир кун кўрди: денгизчилар гирдобрларда – хатарда –
Қайиқ сурар, ботир деди: «Ростин айтинг, сизлар ким?
Қай пошшолик одамисиз? Сизда ким шоҳ ё ҳоким?

Улар деди: «О йўловчи, чинор қомат пахлавон!
Сени мактар юртимизда ҳали канча газалхон.

¹ Магриб – кунботар, гарб.

² Машриқ – кунчиқар, шарқ.

Бу ён – турклар эли; бу ён – Фаридуннинг давлати,
Сўз кўп, лекин аклинизни олди ботир савлати.

Ўлкамизда шоҳ Фаридун даврон сурар бахтиёр,
Сахий, ўқтам, мард чавандоз, ардоклашга сазовор.
Шижаатда унга тенг шоҳ бормикан, ким билади!
Якка жангми, ёппа жангми – ёвни яксон килади».

Автандил дер: «Тангрим кўллаб, сизга яхши дуч келдим.
Чўнг шоҳингиз дийдорини тез кўрай деб, кўп елдим.
Неча кунлик йўл бор тағин, наҳот, мушкул ва узоқ?»
Секин юзиб кетишаркан, қайиқчилар дер мундок:

«Чинор комат, эй баҳодир, яна ўн кун юргайсан.
Шундан кейин Мулкисангсор ўлкасини кўргайсан.
Унда яшар шавкатли шоҳ қиличбозу тирандоз
Худо ҳаки, камолингни юз мактасак, тағин оз!»

Ботир деди: «О дўстларим, мени кўп ҳам мактаманг,
Қиши хукмida сўлган гулни сиз асло гул атаманг.
Бир вакт араб саройининг кўрки эдим ва номдор,
Суклансангиз арзир эди, хозир менда не кўрк бор!»

Хайр, деб тағин йўлга тушди, нотаниш-ди олис йўл,
Ўзи ботир, бўйи чинор, пўлатлардан икки қўл.
Ғамдан ариб, омад учун шукр ўқирди кетма-кет:
Наргислардан ёши окиб, ҳўлланарди биллур бет...

Мулкисангор мэррасига етди охир паҳлавон,
Кўрди: чўлда сонсиз отлик, ер-кўк бирдай чанг-тўзон.

↔ (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ↔

Чўл ўралмиш, авжид а ов, тинмас бурғу, садоклар,
Мўл-мўл ўлжа олишарди, ўт ўргандай ўроклар.

Шотирлардан битта қулга сўрок берди у дарров:
 «Қай ҳукмдор карамлари бу сахрома килар ов?»
 Жавоб бўлди: «Мулкисангсор шоҳи сайрда юрибди,
 Мерганлари тўқайларда кирон солиб турибди».

Кўшин турган тепа сари чопа кетди Автандил,
 Шаъкатига ярашик сўз тополмайин ожиз тил.
 Ким учраса, қуёш каби камаштирап кўзини,
 Ҳамма койил, қамиш каби расо тутар ўзини.

Кўк авжид аулкан бургут учар шу кез айланиб,
 Ботир дарров мўлжал олди камон ўқлаб, шайланиб.
 Жаранг бериб ўқ ҳам учди, кунг ҳам тушди тошдай зил,
 Қанотларин кесиб, тағин шоша кетди Автандил.

Кўринарди юксак тепа. Фаридунга хос чодир.
 Уч тарафдан ўраб турар саф тортиб кирқ баҳодир.
 Тўп-тўп мерган ўртасида ёндашмоқда мард танҳо,
 Не важдан ов тўхтаб қолди? Кош чимирад
Фаридун шоҳ.

Кулга айтар: «Нега кўшин чўлда бебош елмоқда?
 Наҳот, жазо унут бўлса? Овни ташлаб келмоқда?!»
 Кул Автандил томон чопар – чинор бўйлик бир йигит –
 Ақлин олар, гангиб колар, ерга каар у жимжит.

Автандил тез пайқадики, бу қул шоҳга яқин кул,
 Деди: «Арзим ҳукмдорга етказигин, эй чоловул!¹

¹ Чопокул – югурдак, хизматкор.

Олисданман, овворайи жаҳон, ғарип йўлчиман,
Таризлнинг укасиман, даракчиман, элчиман».

Кайтиб келди кул ҳам шошқин, у сўзларкан,
шоҳ ҳайрон:

«Қуёш булат орасидан балкигандай ногаҳон,
Ақлим олди ботир йўлчи, шошар кўрса доно ҳам,
Таризлнинг даракчиси, дўстиман, дер сўрасам».

Куршаганди кутилмаган суюнчларнинг селлари,
Юзларининг гулин гўё тўнгдирди чўл еллари,
Шоҳ босолмас юрагининг қалтироғин, ўйноғин,
Тез кўзғолди пешвоз бўлиб, олқишлишга қўноғин¹.

Тик тепадан тушар экан, эсанкирар жуда ҳам.
Баралла дер: «Кўз ўнгимда порлок қуёш чинакам!
Юз мактасанг, юз олқасанг топилмас бу кўноқдек!»
Баҳодирнинг ёши окар ялт-ялт оқкан булоқдек.

Кучоклашар гўё якин қабиладош иккиси,
Автандилни ўпади шоҳ, худди азиз иниси.
Икки ботир жамолидан лашкар эди лолу ганг,
Топилгайми тенги – жаҳон бозорларин изласанг!

Дунёда шоҳ Фаридунга ўхшаш топмок кўп маҳол,
Лекин ўта порлок эди Автандилда кўрк, камол,
Қуёш чиқса, кўк юзида сўнар бутун юлдузлар,
Шам ярқирар тунда, лекин кўринмайди кундузлар.

Отланишиб жўнадилар Фаридун саройига,
Ов ҳам тинди, кўшин тарқаб, борар ҳар ким жойига.

¹ Кўноқ – меҳмон.

Эл меҳмонга сукланади, қўшин дер: зап баходир!
Бунақасин яратишга, Тангрим, ёлғиз сен қодир!

... Автандилга юз ўгириб шафқатли Фаридун шоҳ,
Оға каби меҳрибон дер: «Қани уйга, марҳабо!»
Мард кўркига сукланади ҳамма чикиб йўлига,
Киприклардан соя тушар кўзларининг кўлига.

Пойтахтига киришдилар. Яркирар зур кошона,
Ўрдалару арклар нақшин, юксак даргоҳ шохона.
Ясан-тусан сарой ахли тўлдириб тўрт томонни,
Кутиб олар жануб ёқлик бу ажойиб меҳмонни.

Автандил ва шоҳ Фаридун ўтиришар ёнма-ён,
Зиёфатда ўша юрглиқ аслзода юз аъён.
Шоҳ ва меҳмон сұхбатга банд, сукланишар галма-гал,
Камалакдай порлар эди ёкут, биллур, инжу, лаъл.

Зиёфат ҳам тўкин эди – шарбатлару шароблар,
Автандилни туғишгандай сийлар маҳрам, арбоблар.
Жом кетидан пиёлалар келар эди паймона,
Ҳамма ботир жамолининг шуъласига парвона.

Чўзилди базм, саҳар чоги бошладилар ҳаммомга,
Ипак чойшаб, кумуш тослар, таъриф йўқди анжомга.
Ювиб, тараб кийдирдилар сарупойи нукул зар,
Белига ҳам боғлашдилар кимматбаҳо бир камар.

Бир неча вакт қолди сардор Фаридун шоҳ мулкида,
Зиёфатда, томошада, овда ўйин-кулгига,
Мерганларни ҳайрон этар чўлда ўки, садоғи,
Учағон күш, югруқ жайрон омон топмас ов чоги.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯГИ ДУРДОНАЛАРИ»

Фаридунга деди охир: «Оға каби қулок сол!
Айрилмоғим оғир сендан, бунда кунлар соз, хушхол.
Лекин ортиқ қололмайман, кўнглим ёник, йўл йироқ,
Хатар тўлиқ, бу сафарга тез кетганим яхшиrok.

Сенсиз хаёт аччик бўлур, қайғу тўлур, мен икрор,
Лекин, кечир, хали кўп юрт кезмок зарур, аҳдим бор.
Муродига етармиди имиллаган йўлчи ҳеч!
Дарижонни илк кўрганинг жойга еткиз, қолмай кеч».

Фаридун дер: «О, баҳодир! Суюклисан ўғлимдай.
Юрагингга ғам назаси қадалиби, мен нетай!
Майли, боргин, Тангри ёру душманларинг бўлсин хор,
Сен кетасан, мен қоламан фирокингда зору зор!

Қарорим шу, кўшай сенга сокчилару йўлдошлар,
Содик куллар – оғир кунда кўмакчилар – кўлдошлар:
Совға қилай сенга хачир, яхши тулпор ҳам курол,
Сафар учун зарур бўлгай, рад этмайин барин ол!»

Шоҳ Фаридун тўрт қул кўшди Автандилнинг ёнига,
Ҳамма қойил совға қилган совути, қалқонига.
Тагин берди олтмиш лаган олтин, кумуш ва гавхар,
Бир аргумоқ, кумуш юган, нақш солинган зар эгар.

Кўрпа-тўшак юкладилар хачирга хўп тузатиб,
Давлатининг чекигача борди шоҳ ҳам кузатиб,
Айрилиқнинг оғир дамин қарғаб, тўкар инжу ёш.
Дейди: «Қишининг совуғида музлатмагин, о қуёш!»

Йўл солдилар денгиз тинмай тўлкин урган кирғокка,
Куёш кизни шоҳ Фаридун илк бор кўрган кумлокка.

Кизнинг мунгли киссасини айтар ёниб кўнглидан,
Булоқ бўлиб оқар ёши кўзларининг кўлидан:

«Занжиларнинг қайигидан тушганди у асира,
Кора парда тутса ҳамки, жамолидан кун хира.
Туткун кизни куткарғали от солгандим мен дарҳол,
Нетай, қайик уча кетди тўлкинларда күш мисол».

Юпанч топмай ҳўнграрди шоҳ, хайрлашар охири,
Кучоклашиб ўпишдилар икки юртнинг ботири;
Икков зўрға айрилишди худди оға-инидек,
Кузатганлар йиғлаб колди, Автандил ҳам ўтди чек.

XXX

АВТАНДИЛНИНГ НУРИДДИН-ФАРИДУН МАМЛАКАТИДАН ЧИҚИБ, НЕСТОН-ДАРИЖОННИ ИЗЛАШГА ТУШГАНИ

... Тўрт кул ҳамроҳ, юрт оралар ботир денгиз бўйида,
Тунлар бедор, дўстга малҳам топмоқ фақат ўйида.
Чорасизлик эзар қаттиқ, йиғлар тағин у нолон¹,
Билардики, дунё – сомон, пучак пулга ҳам арzon.

Юз кун ўтди, ҳордиқ билмай ҳамон йўлда юрарди,
Ким учраса, туткун кизнинг хабарини сўрарди;
Тоғ бошидан кўрди охир зар юкламиш зўр карвон,
Савдогарлар бесаранжом, аниқ эди ҳаяжон.

Карвон ахли ҳоли, қия шу соҳилдан олиб жой,
Ваҳимада кенгашарди – ҳолимизга, наҳот,вой!

¹ Нолон – нола килувчи, фигон килувчи.

Автандил ҳам салом бериб, яқинлашди кирғоқка.
Сүрок берди: «Қаерликсиз? Юзмокчисиз қаёкка?»

Сарбон эди кўпни кўрган Усам отлик доно чол,
Кўкрагига қўлин кўйиб, салом берди у дархол:
«Сен – каттакон далда бизга, қуёш янглиғ, эй ботир!
Кулок солгин, ҳар на бўлса айтайлик биз бирма-бир».

Давом этар: «Савдогармиз олис Бағдод шахридан,
Муҳаммаднинг умматимиз, кечганмиз май баҳридан.
Денгиз шоҳи шаҳарида кўз тутар кўп харидор,
Биз улгуржи савдогармиз, той-той киммат моллар бор.

Бу соҳилда бир нотаниш одам топдик чалажон,
Кўп уннадик, хушга келди, биз сўрадик шу замон:
– Эй дарбадар, не кўргилик, биргина сўз айта кол!
У дедики: наҳот тирик қолган бўлсан, ажаб ҳол!

Миср ёқдан келар эдик, йўллар холи ҳам кийин,
Той-той молни кемаларга жойлаб, юздинк биз кейин,
Тўсат урди ниш тумшуклик қарокчиликар кемаси,
Қандоқ келдим бу ёкка мен, ғарк бўлди-ку ҳаммаси...

Куёш юзли арслон! Қийнар бизни азоб ва гумон,
Йўлга тушсак, учрамасми бир балойи ногаҳон.
Кетга қайтсак, катта зиён, балки ундан баттарроқ,
Денгиз эса, кони хатар, вақтимиз танг, йўл йироқ!»

Автандил дер: «Аянч, хунук – умидсизлик ва фифон,
Тақдирида ёзилгандан қочолмайди ҳеч инсон!
Йўлдош бўлай, ишонингки, бирор сизга теголмас,
Киличимнинг дами қайтмас, кимса бошим эголмас».

Савдогарлар хушхол, бардам, сарбон айттар
 күп хушбаҳт:
 «Мана бизни сақлагувчи! Ваҳма қилмайлик бевакт!
 Қарокчилар нета олур! Ишонинг паҳлавонга!»
 Елкан очиб, кўзголдилар Гуланшаро томонга.

Шамол ҳамроҳ, гирдобларда юзишар бехавотир,
 Сийрак туман орасида кўрди тўсат баҳодир –
 Ёт бир кема келар якин, унда узун байроқ бор,
 Тумшуғида омоч тиши янглиғ ўткир ярок бор.

Қарокчилар карнай чалар, сурон тўлар ҳавога,
 Ваҳма босган савдогарлар ёлворишар Худога.
 Автандил дер оғир: «Кўркманг! Сизга қалқон
 бўлгайман!

Ё барига кирон солгум, ёки ўзим ўлгайман.

Юз ёв келсин, кўркинч эмас агар толе бўлса ёр!
 Бадтолега ўтмас газлик¹ зарбида ҳам ўлим бор!
 Куткаролмас на оғайнини, на дўст ва на қўрғонлар!
 Дадил бўлса, бир жангчи ҳам солгай ёвга киронлар!

Савдогарлар, номард ҳалқсиз, жанг билмайсиз,
 кўркоқсиз,
 Уқ ёғмайин, пастга тушиңг, эшик ёпинг тезрок сиз.
 Шер кучим бор, кўркиб нетай! Ёвлар кўзин ўйя мен,
 Якка ўзим кемасини қизил конга бўяй мен!»

Иўлбарс янглиғ чаққон, абжир, совут кийиб
 мард шошар,
 Қўлга пўлат гурзи олар, билакларда куч тошар;

¹ Газлик – газ узунлигида. Газ – 0,71 м га тенг узунлик ўлчови.

Ёвга қарши юрар дадил, ғалабага уй куриб,
Оғир жангга тайёр турар қиличини сугуриб.

Қароқчилар ёндашмоқда, сурон юрак ёргудек,
Гүё уриб, савдогарлар кемасин ағдаргудек.
Ёв ҳамласин дафъ этди мард, ғазабланган шер каби,
Кеманинг ниш тумшуғини абжак килди чўнг зарби.

Қароқчилар қочди, зарап кўрмади мард Автандил,
Ёв кемаси учиб борар – кайдасан, деб, эй соҳил!
Ёвларни хўп кувар ботир, гурзи ураг қулочлаб,
Кўз очтирмай, кирап эди киличин яланғочлаб.

Қароқчилар тумтаракай, ўхшар ҳурккан подага,
Сувга отар, баъзиларин ураг эди ходага,
Саккизини-тўққизига отар бирдан пахлавон,
Ўликларнинг орасига беркинса ҳам йўқ омон.

Ёвлар оёқ ости бўлди, аёвсиз зарб едилар,
«Тегма! Сени севайлик!» – деб ёлворишар эдилар,
Оёғига йиқилганни килгани йўқ мард абжак,
«Кўркув – севги туғдиради!» – кадим доно демиш ҳак.

Омад ила чиранмагин, инсон! Жанглар кўрган мард!
Тангри агар ёр бўлмаса, не-не мардлик факат гард:
Учкундан ҳам ёниб кетар йўғон-йўғон чинорлар,
Кези келса, қамишпоя бўлур тиғи обдорлар¹.

Хазинадай тўла эди молга душман кемаси,
Автандил дер: «Битта қолмай ташилсин тез ҳаммаси!»

¹ Тиги обдор – ўткир, кескир тиг.

Савдогарлар шоду хуррам, Усам эса ўбдон шод,
Баҳодирни мактар нуқул, касидалар этиб ёд.

Лекин мардни мақтамоққа камлик қиласыр юзлаб тил,
Юз достонга арзигулик зафар олди Автандил.
«Шукрлар, – дер карвон ахли, – кутулдик ёв дўқидан,
Коронғилик тарқаб кетди қуёшнинг зар ўқидан!..»

Автандил дер: «Шукроналар ўқинг ёлғиз Тангрига!
У эгадир: тақдир ёзмиш, еру осмон – барига;
Яхшиликнинг ёруғлиги, ёвузликнинг зулмати,
Тилсимотлар, теран сирлар – бари унинг қудрати!..»

Кемадаги хазинани ташидилар батамом;
Ўлжаси деган мундок бўлсин – ҳадсиз олтин –
 мол, анжом.

Қароқчилар кемасига ўт кўйдилар, бўлди кул,
Харидори топилса хам, олмасдилар тўққиз пул.

Савдогарлар хоҳишини Усам келиб қиласыр арз:
«Йўқ демагин, молимизни сенга тутмоқ бизга фарз;
Сен кутқаздинг ўлимлардан, фалокатдан, зулматдан!
Бизга жиндак берсанг агар, санаймиз муруватдан!»

Автандил дер: «Биродарлар! Бўлманг бунча
 миннатдор,
Кўз ёшингиз кўриб Тангри ўзи бўлди мададкор.
Мен кимману, қўлламаса – нетар эдим? Бўлди, бас,
Минган отим улкан давлат, ўзга давлат керакмас!

Мен давлатга ўч бўлсайдим ўткинчи бу жаҳонда,
Етгулик бор, тўплардим мўл уйда, Арабистонда,

Давлат? Тезда айрилгайман йўловчидек бериб кўл,
Мени кутар фидокорлик, хатарнок¹ ва олис йўл.

Ўлжам улкан – ўлчови йўк, саноғи йўк, дунё, мол –
Истаганча ўртангизда бўлиб олинг бемалол.
Сиздан ёлғиз ўтинч менинг кимлигимни айтманглар,
Орангизда юрай, дўстлик ваъдасидан қайтманглар!

Сўраганга: жами молнинг эгаси шу, дегайсиз,
Бир неча кун менга бошлиқ хукукини бергайсиз.
Савдогарлик либосида бозорларда юрай мен,
Дўстлик ҳаки, сипоҳлигим сирин сакланг, сўраймен!»

Бахтга ботган карвон ахлин куршаганди шодёна,
Ботирга дер: «Балолардан куткарғансан мардона.
Не истасанг, буюравер, сен ўзингсан бизга бош,
Биз – қулингмиз, тўкин-тўкин нур берувчи сен қуёш!»

Олқишлишар Автандилга гавҳар қилиб арғумон,
Лек мард кўркин гавҳар хира килолгайми хеч качон!
Елканларни ёзди тағин, қулай эди шамол ҳам,
Савдогарлар юза кетди олисларга хотиржам.

XXXI

АВТАНДИЛНИНГ ГУЛАНШАРОГА КЕЛИШИ

Автандил ҳам денгизларда кема суриб келмокда,
Боғу роғлик кўркам шаҳар кўрди бирдан қирғоқда.
Ҳамма ёғи маст этгудай хушбўй, ёрқин гул-гулзор...
Мактагали сўз топилмас – шундай гўзал бир диёр!

¹ Хатарнок – хатарли, кўркинчли.

Арқонларни боғладилар, кема тұхтар каттакон,
Автандил ҳам кийди чопон гүё әпчил корчалон,
Пул жаранглар, түп-түп ҳаммол кайлардан
бүлур жам,
Олис юртлик савдогарнинг амрин кутар бари ҳам.

Уни кўриб кўрфаз томон чопа келди бир боғбон,
Кўз узолмас, серҳашаму порлок эди бу меҳмон.
Автандил тез сўхбат бошлар, ахир, канча сўрок бор:
«Ўзинг кимсан? Қай уруғдан? Ўлкада ким ҳукмдор?

Шаҳрингизда нима арzon, қандок моллар,
қиймат-нарҳ?
Қандок моллар олсак бизга фойдалирок?
Қилгин шарҳ!»

Боғбон айтар: «Эй ой юзли, эй чиройли бозоргон!¹
Кулок солгин, барчасини бир-бир этай мен баён.

Денгиз бўйи ўлкаси бу – етмайсан йил юрсанг ҳам,
Пойтахти Гуланшаро – қадим, улуғ ва кўркам.
Бунда тўхтар олислардан юзган кема ҳамаси,
Шавкати зўр Сурҳав Малик – тожу тахтнинг эгаси.

Яшаради бу диёрга келар бўлса ҳатто чол,
Шодумон базм, ўйинларда кунлар ўтар кўп хушхол.
Ёқут коса каби гуллар киш-ёз кўрк бу чаманда,
Дўстлар кўзин кувонтирас, ҳасад қўзғар душманда.

Савдогарнинг бу ерда мўл муғамири, қаллоби,
Қайга борсанг, олди-сотти, фойда-зиён ҳисоби...

¹ Бозоргон – савдогар.

Қашшок, бирдан қарайсанки, эга бўлур давлатга,
Камбағал карз ола билур бизда йиллик муҳлатга.

Мен боғбонман бунда бозор оқсоколин боғида,
Бизда қадим бир одат бор: кема келган чоғида,
Хордик олар сояларда йўлчиларнинг ҳаммаси,
Демак, молни аввал кўрар боғу бозор каттаси.

Олис юртлик савдогарлар, мол юклаган оғалар –
Савдосини бошламасдан элтар унга совғалар.
Аввало, у сотиб олар улгуржи ва қиймат мол,
Шундан кейин жавоб берар савдога ҳам bemalol.

Ўзингиздай жанобларга бера олур хос жойлар,
Унга қарам меҳмонхона, жами карвонсаройлар.
Лекин афсус менинг хўжам ҳозир олис сафарда,
Сизни уйга чорлар эди, шаксиз, бўлса шаҳарда.

Лекин Ҳусайн қўрасида ҳозир Фотмахоним бор:
Эри янглиғ меҳмоннавоз, ширин сўзли ва дилдор.
Туғишгандай қабул этар, одам қўшар, шубҳам йўқ,
Шаҳарга ҳам йўл кўрсатар хоним, кўнгил бўлсин тўқ!»

«Куллук! Дарров бекангга айт!» Кулга ботир
шундок дер,
Кул ғизиллаб чопа кетди елкасидан оқиб тер.
Бекасини хушвакт этар: «Кулок сол хушхабарга,
Кўрки кундай кўз олгулик бирор тушди шаҳарга.

Ўзи катта карвонбоши, узок юртлик савдогар,
Қадли сарвдай ихчам, пишиқ, юзи ёрқин ой магар,

Йигит атлас чопон кийиб, алвон салла ўрайди,
Мендан нукул мол нархию юрт одатин сўрайди».

Кулларга дер хоним: «Боринг кема тўхтаган жойга,
Юкларига жой бўшатсин, айтинг карвонсаройга!»
Келди меҳмон: юзлари гул, дудоклари ол маржон.
«Йўлбарс юрак, арслон билак!» – дейди қойил оломон.

Довруғига жам бўлди халк дўконлардан, уйлардан,
Ой юзига тикилишар тўп-тўп кўча-кўйлардан;
Дилларда сук, кўзларида маҳфий ҳасад ёнарди,
Эрларини менсимай хотинлар тўлғонарди.

XXXII

АВТАНДИЛНИНГ ФОТМА ҲУЗУРИГА КЕЛИШИ

Фотма бону меҳмонига пешвоз бўлди шодумон,
Бошин эгди, яширолмас – завқи тошқин, шавқ аён.
Салқин бокка ўтишдилар бир-бирига тилаб баҳт,
Фотма юзи табассумда гулдай ёнар ушбу вакт.

Ёш эмасди Фотма, лекин кўз узгусиз роҳатбахш,
Кўкси баланд, кулча юзлик, лобар, кўрки гўё накш,
Чолғу-кўшик, кирмизи май – шулар дилдан суйгани,
Қимматбаҳо эди бутун таққанию кийгани.

Талай совға тутди йигит – кўзларни ўйнатгулик,
Ҳар ким кўрса мактагулик, завқини кўзғатгулик.
Фотма тузган тўкин базмдан меҳмонлар ҳам эди лол,
Базм тугади. Автандил дер: «Куллук, бека, яхши қол!»

Эртан йигит келди тағин гүё сахий савдогар,
Фотма билан савдолашиб, сотди мато, зар, гавҳар,
Карвон рози, йигит дейди ваъда этиб мўл фойда:
«Савдо бошланг, лекин мени тилга олманг ҳеч жойда!»

Ўша тундан келиб юрди йигит Фотма ёнига,
Оқшомлари баъзан бу ҳам борар ўз меҳмонига:
Висол чоғи сухбатларда ширин ўтар жуда ҳам,
Фотма бону шайдо эди Автандилга чинакам.

XXXIV

ФОТМАНИНГ АВТАНДИЛГА ЁЗГАН НОМАСИ

«Куёш! Сени қуёш сифат яратибди Худованд,
Сенсиз гадо бўлур эди ҳар қандай ҳам давлатманд.
Сени кўрган – парвонадек ўзин ўтга уради,
Юлдузлар ҳам сенга шайдо, пирпирашиб туряди.

Чиройингни кимки курса, кўзи дарров камашар,
Узга гуллар сенга ҳасад оташида карашар –
Эй, булбулни сайратган гул! Нетай, ҳалок бўлгайман,
Кутлуғ шуъланг тушмас бўлса, сарғайгайман,
 сўлгайман.

Тангри муроҷау
Тангрим гувоҳ, сир сакладим, ишқ дардига
 бердим тоб,
Кўрқдим иқрор бўлишдан ҳам – аламларда дил хуноб.
Дилдан тинмай яра очар киприкларинг мисли ўқ,
Рахм эт, токи жинни бўлмай – нетай, ўзга чорам йўқ.

◊ жаҳон шеърияти дурдоналиари ◊

Кўз тутаман мактубимга бирон жавоб бўлгунча,
Юрагимнинг хитобига сендан садо келгунча,
Умидим бор – булутлардан ўтмиш жиндак нур мисол.
Ўлайми ётирик қолай? Ҳукмингни тез ёза кол!»

Хат жўнатар Фотма шошқин, дардга излаб бир даво,
Худди сингил номасидай ўқийди мард бепарво.
Ўйлар: «Фотма кайдан билсин, ҳатто гумон қилмайди,
Тинатинга teng дунёга бундан сўнг ҳам келмайди!

Ўртансанг ҳам ғулга бунча талпинмагин, эй карға,
Маст қилғудек сайраб, булбул кўнганмас бу шохларга.
Тубанлик ҳам қалтис ўйин, номардга хос эрмак-ку...
Беъмани хат, пуч хаёл хат, алжиганнинг хати бу!»

Узок ўйлаб қолди йигит шубҳаларда, ҳайратда,
Охир деди: «Мени ким ҳам қўлларди бу ғурбатда?
Қуёш юзлиқ тутқун кизни изламокми аҳдим, бас,
Ҳар балога шай турайин, иккиланиш яхшимас!

Фотма хотин ўбдан туллак, афсун билар ўхшайди,
Иўлчилардан ноз аямай, шайдо қилас ӯхшайди.
Эҳтимолки, йўқолмиш киз қиссасидан хабардор,
Кенгаш берар, йўл кўрсатар, инок бўлгай, ҳайри бор.

Бир лаҳзалик шавқ туфайли севар бўлса гар хотин,
Ундан йирок шарму ҳаё, ору номус – бу ойдин,
Шундан кейин юрагин ҳам очар, саклай олмас сир,
Инжик ноздан ҳазар қилмай, сирин олай бирма-бир.

Тангри ўзи қўлламаса – қўллар ким ҳам, нима ҳам?
Жирканганинг – шай, кераклинг топилади
камдан-кам!

Дунё окшом зулматидай сирга тўлик, ғалати,
Кўзада не бўлса, ўша куюлгай окибати!»

XXXV

АВТАНДИЛНИНГ ФОТМАГА ЖАВОБ МАКТУБИ

«Мактубингни ўқидим мен, ёғдирибсан мактовлар,
Кейин колдим. Куйдирмоқда мени ҳам шу оловлар!
Икков бирдай соғинамиз кўришмасак бир нафас,
Икки юрак инок урса – бундай хушбахтилик бўлмас!»

Фотма хатдан қандай хушвакт, сўз билан айтиш маҳол!
Ёзди тағин: «Айриликка қолмади-ку ҳеч мажол.
Мен ёлғизман, бирга бўлмоқ – тансик ҳузур,
билгайсан,
Окшом тушгач, кечикмайин дарров етиб келгайсан!»

Хатни ўқиб, Автандил ҳам йўлга тушди ҳар қалай,
Лекин чопиб келар эди тўғри унга бир малай,
Кул Фотманинг ўтинчин дер: «Учрашурмиз ўзга кун!»
«Бу қандақа чатоқлик?» – дер Автандил ҳам бўлиб хун.

Таниш йўлдан борар меҳмон, сўзга кулоқ солмайин,
Фира-шира хос ётоққа кирав ҳадик олмайин.
Ранги ўчган хоним қарап – кўзларида ташвиш бор,
Лекин хижил бўлганидан кабул этар чор-ночор.

Суҳбатга ҳеч хоҳиши йўқ хоним хозир қучоқда,
Бироқ нохос ёш бир йигит кириб келди шу чокда.
Орқасидан пайдо бўлди куроллик ёш кули ҳам,
Автандилдан жуда кўркиб, чекинди қул ўша дам.

← (жалон шеърияти дурданалари) →

Хоним титраб-қақшаб колди кирган замон у йигит.
Күчоклашган ҳолда кўриб, бакирав у ўсал – хит:
«Гаштингни сур, мазангни кил, қучоклашгин,
ғар-шайтон!

Кари киздай ёт бу кеча, эртан бўлгунг пушаймон!

Шармандалик ботқоғига чўккан расво! Эй, бадном!
Хиёнаткор! Эрта билан олингуси интиком¹:
Мажбур этгум ўзинг туккан гўдакларни ғажишга,
Килолмасам, маҳкум бўлай сахроларда дайдишга!»

Ғазабидан сокол юлиб, йигит ҳам жўнаб колди,
Тақдирини қарғаб, Фотма юзига тирноқ солди,
Тентак каби тиним топмай ёш тўкарди у нолон,
Дер эдики: «Арзир мени қилсалар ҳам тошбўрон!

Аяманглар! Гўдакларим, эримни этдим ҳалок!
Бутун давлат, бутун бойлик, майли, ортиқ бўлсин хок!
Мураббийлар ва шогирдлар! Менинг жойим жаҳаннам,
Ўз эримни бадном этдим, ҳар кандайин жазо кам!»

Эсанкираб сўрар ботир: «Қандоқ бўлди бу ишинг?
Нечун йифи? Уятданми, хўрликданми нолишинг?
Гуноҳинг не? Нега бунча дўқ урди у дилозор?
Уйга босиб кирди, сўзла, унинг кандай ҳаки бор?»

«Арслон, – деди Фотма хотин, – ҳаётдан ҳам
тўйдим мен.
Суриштирма, тушунмайсан, ох, не қилиб кўйдим мен!

¹ Интиқам – қасос, ўч.

Нокаслигим – гўдакларга бўлди бало ва хатар,
Нетай, севгинг қадагандай юрагимга нак ханжар!

Тангри бало юборади кимки бўлса бадният.
Айтишга ҳам арзимасди мендаги паст мухаббат!
Ўтинаман, шафкат қилгин, дариг тутма, бер малҳам,
Ўз қонини ичганларга даво топмас табиб ҳам!

Ўтинаман, шу кечаси ёки эртан тонги пайт
Мени хўрлаб кетмиш зўрдан менинг ўчим олиб қайт.
Гўдакларим ва мен учун ўлдириб тез келгайсан,
Кўз ёшларим сабабини кейин тўлик билгайсан.

Молларингни юклаб ёки денгизга туш тўхтовсиз,
Кетаркансан, бедарак кет, узоклашиб кет довсиз.
Қўркаманки, баҳтсизлигим бўлгай сенга бир бало,
Гўдакларим ва эримни ёвуз этур зор, расво».

Фотмага кўп ачингандан сакраб турди Автандил,
Кўзларида ғазаб ёниб, гурзи олди қўлга зил:
«Аён бўлди ёвуз дўки, сенинг ўчга ундовинг!
Хотиржам бўл, тирик қолмас жирканч ёвинг,
шум ёвинг!..»

XXXVI

АВТАНДИЛНИНГ ЧАШНАГИРНИ¹ ЎЛДИРИШИ

Мард кўрфазга келди тунда ўтиб жимжит шаҳардан,
Қирғоқда уй кўрди яшил ва кирмизи мармардан...

¹ Чашнагир – сокий.

Куёш юзлик келиб тўхтар баланд кўра – эшикда,
Кул пичирлар: «Излаганинг яшайди шу кўшқда»...

Эшигида икки кули мудраб, ҳордик олади,
Секин-секин ёндашиб мард кўккисдан зарб солади...

Эгнида кон, қахри тошкин, билагида куч тошкин,
Чашнагирнинг ётоғига кирап босиб мард шошкин,
Уйғотмаёқ дилозорни ерга олиб уради,
Кўкрагига ханжар санчиб, бир неча бор буради.

Дўстга – куёш, йўлбарс янглиғ ўсал жангда ва довда,
Узук таққан бармоғини узди мард бир силтовда,
Ҳам денгизга отди совук мурдасини айвондан,
Бадном гўрсиз ва кафансиз кетсин токи жаҳондан!..

Кундан порлок, мағрур арслон кириб Фотма ёнига,
Деди: «Сурбет дўқчини мен қориштиридим қонига.
Кулинг қасам ича олур, ёлғон эмас зафарим,
Мана сенга таниш узук, мана қонли ханжарим...»

XXXVII

ФОТМАНИНГ НЕСТОН-ДАРИЖОН ТЎҒРИСИДАГИ ҲИҚОЯСИ

Бизда шундай бир одат бор – келса Наврўзи олам,
Савдогарлар дўкон очмас, сафар қилмас хеч одам,
Ясан-тусан қилар жами тоифалар, уруглар,
Тобеларин саройларга чорлашади улуғлар.

Савдогарлар ҳукмдорга тортиқ юклаб келишур.
У ҳам сийлар, жаҳон давлат теккандай шод бўлишур.

Үн кун тинмас шүх суронлар, чилторларнинг жаранги,
Майдонларда пойга, ўйин, күшик, ялла оҳанги!

Эрим Ҳусайн савдо аҳлин бошлар ўлка шоҳига,
Мен бошлардим хотинларни маликам даргоҳига.
Бойми ёки қашшоқ хотин – бормасди беармуғон,
Ҳарамда базм, зиёфатдан қайтар эдик шодумон.

Наврӯз келди. Яна бордик маликага жамулжам,
Совғамизга – ўн баравар совға берди маликам.
Базмдан кейин хушвакт бўлиб ҳар ким теккан буюмга,
Қўшниларим тўпландилар тағин менинг уйимга.

Мехмонларни олиб тушдим қирғоқдаги боғимга,
Бойвуччалар, чолғувчилар терилмиш тўрт ёғимга...

Хизматкорлар ош тортарди, мен гурунгга эдим банд,
Беваж қайғу дилим эзиб, бўлдим дарров дардманд.
Шундан таъби хира бўлиб тарқалишди тўшма-тўш,
Ёлғиз қолдим. Нимадандир кўнглим эди ғаш, нохуш.

Айвонимдан карап эдим денгизга кўз узмайин,
Қалбим ором олар эди, ғуссам тарқаб дам сайин.
Бирдан недир кўрдим милт-милт олис, чексиз
кўк сувда,
Кушми, денгиз жонивори ё хаёлми бехуда?

Қайиқ юзиб келар эди, илғадим бора-бора,
Юзлари нак кўмир каби, танлари тундан кора –
Қайиқчилар ўртасида секин бўлди намоён
Туткун аёл, жамолидан кўз ололмай мен ҳайрон.

Қайик боғлаб, боғ сояси тушган жимжит кирғокка,
Икков чиқиб, разм соларди хүшёр ўёк-буёкка,
Ишондилар – кирғоқ холи, кимса йўқ. Мен туардим,
Яшрин жойдан келганларни очик-ойдин кўрадим.

Тахти равон туширдилар ерга чаккон ва жадал,
Пайдо бўлди сарвикомат бир қиз ундан шу маҳал,
Юзда шафоф кора чиммат, эгнида яшил кийим,
Чиройи нур сочар эди, тенглашолгай унга ким?..

Тўрт қулимни чакиргандим, ҳозир бўлди шу зумда:
«Ҳинд Ойига ўхшар, – дедим, – яркираган хўв қумда,
Занжиларга эҳтиёткор ёндашинглар, билинглар,
Зардан юз бор қиммат у қиз, сотса, олиб келинглар!

Сотмас бўлса, тортиб олинг – буюраман, қистайман,
Кўқдан тушмиш тўлин ойни ўбдан кўриш истайман!»
Асирани сотинглар деб, тушди куллар кирғокка,
Лекин рози бўлгани йўқ занжилар қиз сотмоқка.

Ишондимки, сотишмайди. Сўзлашмоқдан йўқ маъно.
«Ўлдиринглар», – деб бақирдим, буйруқ бўлди жобажо:
Бошларини кесиб, барин ташладилар денгизга,
Асирани келтирдилар, пешвоз чиқдим мен қизга...

– Кимсан, – дедим, – кай бахтиёр юрт қизисан,
 айт ошкор,
Сен парини балоларга кимлар этмиш гирифтор? –
Лекин асло жавоб бермас, сирин очмас эди ҳеч,
Оқ юзига оқин-оқин ёш тўкарди эрта-кеч...

XXXIX

ХУСАЙННИНГ НЕСТОН-ДАРИЖОН ҲАҚИДА ПОДШОҲГА ҲИКОЯ ҚИЛГАНИ

Вақт ўтарди, тун кетидан келар эди ёруғ кун,
Эрим деди: «Хукмдорни кўриб келай мен бугун,
Салом берай ҳам топширай тағин унга сийловлар».
– Заб ўйлабсан, боргин, – дедим, – арзир сенга
мақтовлар!

Товок тўла инжу, гавҳар олди Ҳусайн савғога,
Огоҳ бўлгин, – дедим, – тағин бошим қўйма ғавғога,
Ғалати қиз тўғрисида шоҳга ҳеч сўз демагин!
Деди: «Қилич ўқталса ҳам айтмайман, ғам емагин!»

Ўрда томон кетди эрим ясаниб, беками-куст,
Хукмдор ҳам карши олмиш уни гўё қалин дуст,
Савғосидан кўнгли тўлиб, шароб ичмиш баробар,
Қаранг, қандок енгилтагу паст бўлур масти савдогар!..

Анграйганча қулок солар эрим ҳам шоҳ сўзига:
«Савғонг ҳатто арзигулик шаҳаншоҳнинг ўзига.
Кайдан олдинг бунча ёқут, бунча порлок марварид,
Худо ҳакки, килолмайман яртисин ҳам мен харид».

Мукка тушиб Ҳусайн дебди: – Марҳаматли ҳукмдор!..
Фақат шоҳга лойик тухфа шай қилганман, кўп шоён:
Ер куёшин кўрганида, мендан рози бўлгайлар,
Арзигулик гўзал келин, Тангрига шукр қилгайлар.

Шундай қилиб, ўртадаги сир ҳам бўлди бутун фош,
Шоҳга бир-бир очиб солди касамхўр эр, бағритош.

Бу хабардан шохимиз ҳам ўзида йўқ шодумон:
– Киз саройга келтирилсин! – бўлди шундок
тез фармон.

Хаёл суриб ўтиргандим ўша кун уйда ёлғиз,
Эшигимдан бош ясовул кириб келди туюқсиз,
Оркасида коидалик эллик навкар бор эди,
Бу келиши бежиз эмас, менга-ку ошкор эди.

Бош ясовул дарров айтди менга шоҳнинг буйругин:
«Гўзалларнинг энг гўзалин бу дунёнинг ёругин –
Олиб келинг саройимга, дарҳол менинг кошимга!»
Худди осмон ғазаб билан қулаб тушди бошимга...

Киз айтдики: «Бу кунимга ажабланма, эгачи,
Не-не бало кўрдим ахир, буни бало дема-чи!
Фалокатлар панжасида баҳтикар бир кизман,
Ҳайрон этмас мени бу ҳол – нетай, нукул
баҳтсизман!..»

Дарров тушдим хазинамиз сақлангучи қазнокқа,
Кутилардан талай гавҳар олдим қизга бермокқа.
Гавҳарларки, ҳар биттаси – битта шаҳар баҳоси,
Камарига тикдим, ахир, бўлар-ку бир давоси.

Пичирладим: «Қора кунда керак бўлгай бу тошлар!»
Курбон янглиғ ясовулга тутдим, кўзда сел ёшлар.
Кўш ноғора, сурон билан карши олди нақ тождор,
Киз-чи, бошин сал кўтармас, на писанд, на эътибор!

Томошага оқарди эл, кўчаларда чанг-тўзон.
Ясовуллар ҳайдашса ҳам, эргашар мўл оломон.

Сарви бўйлик киз кўркидан тождор ҳам лол турибди:
«Қаранглар-чи, қуёш кўқдан тушиб, ерда юрибди!»

Кизнинг ажиб жамолидан бўлди не-не кўз хира.
Ҳукмдор дер: «Мундоғини кўрмагандим мен сира!
Илоҳий туш, самоларга хос, ёруғ бир афсона,
Буни кўрган – жондан кечиб, бўлса арзир девона!»

Ўз ёнига ўтиргизиб, шоҳ сўради ўша пайт:
«Кимсан? Тоғми, бօғ қизисан? Қай юртдансан,
очиқ айт!»

Лекин қуёш юзлик барно бошин қуии солганди,
Унсиз эди, бир билгисиз кайғу чулғаб олганди.

Қиз бепарво ўтиради – унга ҳурмат на даркор!
Ўтмишини эслар хозир, хаёл учар бекарор.
Инжуларнинг баркин тўсмиш кизил гулдай дудоғи,
Осон эмас шунча алам, шунча бало қийноғи!

Денгиз шохи деди: «Зарур бу жумбокни ечмоклик,
Узр бўлгулик икки гумон – баҳслашсак ҳам нечоғлик,
Бири шуки – бир йигитнинг севгисида ёнар жон,
Шу важдан қиз индамас ҳеч, дилни эзар ғам-хижрон.

Бири шуки – бу тенгсиз қиз етуқ отин ва доно,
Бу ҳаётнинг лаззатига шу важдан у бепарво.
Бахту бало қиз наздида худди ёлғон бир эртак,
Каптар янглиғ учар олис дунёларда у юксак.

Тангрим кўллаб, ўғлим қайтар зафар олиб майдонда,
Ўшлангача ором олсин қиз шохона маконда.

Ўғлим куёв бўлгач, сўзсиз, очилгуси бутун сир,
Куёш қайтиб келишини кутсин бунда Ой ҳозир».

Шахзода-чи, мактагулик ботир эди чинакам,
Олийжаноб, ўзи гўзал, лашкарбоши, мард, ўқтам.
Анча бўлди – олис жангда, кўролмас ўз элини,
Ана шунга аталганди келинларнинг келини.

Гўзал қизга кийдирдилар олмос безак, зап сарпо,
Хусни баркин хира қилмас юлдуз тўла кенг само!
Бошига ҳам қўндирдилар баҳоси йўқ ёкут тож,
Кизил гулдай қизарганди оппок биллур ноилож.

Ҳукмдор дер: «Қуёш қизга ясатинг тез хос хона!»
Хос хонага қўйдилар тахт – яхлит олтин, шохона...

Эшигига тайин бўлди тўккиз ҳарам оғаси¹,
Шохона базм қилди тагин юрт ва тахтнинг эгаси,
Тенгсиз савғо учун Ҳусайн тўлов олди каттакон,
Карнай тинмас, авжи сурон – тўкин эди дастурхон...

Қиз қулларга деди: «Зўрлик – яхшиликка бошламас.
Ўлиб кетай, ёт юртликни кўнглим асло хушламас...
Яхиси шу: сизга бўлсин гавҳар тўлиқ бу камар,
Кўмак этинг, кочай бундан, бўлмай тагин дардисар!»

Белидаги гавҳар тўлиқ камарини ечди қиз,
Шоҳ кийгизган порлок ёкут тожидан ҳам кечди қиз,
Секин деди: «Барин олинг, лекин йўлни тутманг берк,
Худо рози, тўсманг ортиқ, кетай, беринг менга эрк!»

¹ Ҳарам оғаси – бичилган кул.

Куллар аклин олди дарров асл тошлар, инжуулар,
 Очқўзликда унудилар шоҳ амрини ҳам булар.
 Тезроқ қочсин, – дейишдилар, – пайсалда
не хикмат бор...
 Олтин – шайтон калтагидай хукм этар на фитнакор!..

Куллар қизнинг хоҳишини сўзсиз бажо этдилар,
 Бири қалпок, бири белбоғ, бири чопон тутдилар.
 Ён эшикдан ўтди Нестон, колди сархуш базм, сарой...
 Шундай килиб, Аждарга ем бўлгани йўқ Тулиной.

Қиз кетидан тўққиз қул ҳам қочиб, бўлди тез пинхон,
 Бирор тунда эшик коқиб, дер эди: «Оч, Фотмажон!»
 Қизни таниб, кучок очдим, дедим: «Келгин, марҳабо!»
 Кочкин уйга киргани йўқ, юз бергай деб бир бало.

Деди: «Сенинг гавҳарларинг очди нажот йўлини,
 Тангрим ўзи берсин сенга ундан юз қат мўлини.
 Пайсаллашим хавфлик, ҳозир менга бергин
бир тулпор,
 Йўқса, кувғин қуршовига тушиб қолғум мен такрор».

Эгарлоғлик бир арғумоқ тутдим унга мен шошқин,
 Отланди-ю қиз кўзлари чақнар эди худ чақин.
 Куёш гўё минган эди бу пайт асов арслонга...
 Уруғ сочдим – ўролмадим. Қолдим яна хижронга!..

Ой юзликнинг қиссасини айтгум тағин ўзга кун,
 Эшиит, кеча кўп дўқ урди сурбет Чашнагир нечун...

Мен савдои ўйнашимга нохосдан сир бергандим;
 Кочкин қизни кутказдим, деб кўкрагимни кергандим.

Кўрқардимки, қаҳр устида чакимчилик қилмасин,
Сен ўлдиридинг, енгил тортдим, асло қайтиб келмасин!

Чашнагирни рад этгандим, урса ҳамки қанча дўк,
Сени кутдим, ўйловдимки шаҳарда у шилқим йўқ,
Нак мен сени чорлаган кун нохос келди сафардан,
«Келмагин!» – деб ёздим сенга, ҳадик борди ҳатардан.

Сен қайтмайин тўғри келдинг, у ҳам келди кетингдан,
Иккимизни бирга кўрди, хавфлик эди у чиндан.
Кўрқдим, чунки чакирилмаган меҳмон эди даҳшаткор,
Мени хўрлаб, ўз бошингга етдинг, аянч жонивор!

Агар тирик қолса, шаксиз, ҳукмдорга чақарди,
Ғазабланган ҳукмдор ҳам хонумоним¹ ёкарди...

XL

НЕСТОН-ДАРИЖОННИНГ АСИРГА ТУШГАНИ ҲАҚИДА ФОТМАНИНГ АВТАНДИЛГА ҲИКОЯСИ

«... Кўзларимдан ғойиб бўлди қуёш юзлик сиймоси,
Қайғу тўлиқ бу дунёning севинчи ва жилоси.
Ўша кундан ўртанаман, бир оловда ёнаман,
Кўзимда ёш булок-булок, ҳасратда тўлғонаман!..

Бир кез оқшом ўтиrolмай, дилимда ғаш ва малол,
Катта йўлда бекат томон кетдим секин, яккахол...

Бостирмада тўрт ўйловчи ўтиради, солдим кўз,
Биринчиси – қул кийимида, ўзгалари киймиш бўз.

¹ Хонумон – уй-жой.

Бир дирҳамга олишдилар ичкилик ва егулик.
Гурунглашар, сўз кўп экан бир-бирига дегулик.

Бири деди: «Ажаб ҳордиқ олмоқдамиз тўртовлон,
Нотанишмиз, ўртамида гарчи битта дастурхон;
Билишайлик, танишайлик – қуриб бунда базму гашт,
Ким қаёқдан? Айтсин ҳамма бу гурунгда саргузашт».

Ғарифона сұхбат кетди бир-биридан ғалати.
Кул дер: «Дўстлар, ҳар йўлчининг ўз тақдир,
 ўз кисмати!..

Мен қажетлар подшосида аскар эдим – аслим қул,
Кўпдан шоҳни қийнар эди бир касаллик – кўп мушкул.
Гўдаклари етим қолди ўлиб охир ҳукмдор,
Эгачига ўтди давлат, икки ўғил, ихтиёр.

Дулардуҳт – шоҳ эгачиси, коя каби савлати,
Душманига ларза солар лашкарининг ҳайбати.
Етим колган Росан билан Родиога меҳрибон,
Хозир бизга ўша хотин маликаю ҳукмрон.

Ўлиб қолди маликанинг синглиси ҳам йирокда,
Вазирлари ногаҳоний бу хабардан титрокда:
«Маликага қандай айтсак – ботибди-ку қуёши!»
Бундай деди Рошак деган аскарбоши, мингбоши:

«Йиги-сиги, оҳи войга, ўлай агар, йўқ ҳеч вакт!
Яхвиси, биз катта йўлда излашайлик омад – баҳт.
Ўлжа олиб, давлат юклаб кайтғум, Тангрим бўлса ёр,
Фотихага, маросимга шундан кейин боргум бор!»

Аскарбоши яна деди: «Йўлдош бўлар юз ботир!»
 Жами қулдан юз ботирни танлаб олди у охир.
 Кечалари пойлокда-ю, кундуз карвон талардик,
 Карвон талаб, ўлжаларни ҳар кун бўлиб олардик.

Бир кез тунда, коронғида кезар эдик чўл-саҳро,
 Олисларда пайдо бўлди бир ёруғлик – бир зиё:
 «Наҳот, қуёш ер юзига тушган бўлса кечаси?»
 Ўйлар хайрон кўп ҳодиса кўрганларнинг нечаси.

Бири: ой дер, ўзга бири: тонг ёришар, эҳтимол!
 Бу ажойиб шарпа сари ёндашардик гунгу лол,
 Ёруғликни ўраб олдик эҳтиёткор шу замон,
 Ёруғлиқдан кўшиқ каби садо келди ногаҳон:

«Хой отликлар, кимсиз? Тўсманг, илтижолар этаман!
 Гуланшаро элчисиман, кажетига¹ кетаман!»
 Ҳар қалай биз хаёлотни куршаб, бордик яқинрок,
 Бир суворий экан, кўрдик, қуёшдан ҳам ёркинрок.

Ёруғ юзи туманларда гўё чакмок чақмокда,
 Даشت кўкини гўё шу дам тонг оташи ёқмокда.
 Ярим тунги хаёлотнинг таъна бўлди сўзлари,
 Сўзлар экан, ғазабларда ёнар эди кўзлари.

Суворийга бокар эдик, юракларда бир қўркув,
 Элчи эмас – аник эди, ёлғон сўйлар эди у.
 Рошак тўсат пайқаб колди: «Бу қиз!» – тутди
жиловдан.
 Шундай қилиб, асир олдик, кочолмади куршовдан.

¹ Кажети – кажларнинг забт этиб бўлмас афсонавий кальаси.

Қайта-қайта сўрар эдик: «Қай юртликсан, моҳпора¹,
 Сўйла, нечун бу даштларда кезмокѓасан оввора?»
 Қиз индамас, жавоб бермас, ёш тўкарди худди сой...
 Аждахонинг ҳалқумига тушган эди тўлин ой!..

Рошак деди: «Қиз тақдири жуда оғир ўхшайди,
 Бағрин эзган, кўнглин бузган – айтилмас сир
 ўхшайди...

Тангри ўзи лойик кўрмиш бу ғалати армуғон –
 Маликага маъқул тушар, курсанд бўлар бегумон...»

Ҳаммасига ёқиб тушди бу ғалати хикоя.
 Яхши фол, деб кўз ёшларим артардим бениҳоя,
 Хабар топдим, умидворман ўзини ҳам топмокка,
 Чақа топган девонадек шайман йиглаб чопмоққа!

Мен у қулни уйга чорлаб, дедим: «Қани сўйлагин,
 Бу қиссадан мен шўрликни тез хабардор айлагин,
 Қиз ҳақида билғанларин айтиб берди кул такрор,
 Ўлик эдим, хаёт берди гўё, бўлди баҳтим ёр.

Менда икки занжи кул бор, иккови ҳам жодугар,
 Кўздан ғойиб бўла олур ҳар вакт беиз, беасар.
 «Иккингиз ҳам кажетига, – дедим, – сафар қилгайсиз,
 Асира қиз аҳволини бориб тугал билгайсиз!»

Уч кундан сўнг кажетидан кайтди икки қулим ҳам:
 «Маликаю кўшин хозир сафарга шай жамулжам.
 Куёш каби қиз кўркидан кажет нурга тўлибди,
 Аммаси ҳам шаҳзодага унатмокчи бўлибди.

¹ Моҳпора – ой парчаси; маҳбубанинг гўзал чехраси.

Дулардухтнинг амри шундок: «Росан бу қиз эгаси!
Лекин ҳозир азаликман, тўй-томуша ҳаммаси –
Қайтганимдан кейин бўлгай!» – ҳам жўнади сафарга,
Битта оға караб тураг ҳозир тенгсиз дилбарга.

Дулардухтга йўлдош жами афсунгару сеҳрбоз,
Чунки йўллар жуда олис, душмани ҳам эмас оз.
Баҳодирлар пойлоғида ҳозир калъя, сарой, тахт,
Синглисининг азасида колмоқчи у талай вакт.

Яхлит тоғдай бесёнақай, юксак кажет кўрғони,
Кунгиралик деворлар-ла ўралган тўрт томони.
Тик қояда улкан сарой, ер тагида махфий йўл,
Минорада киз кўркидан ёруғ олар ўнгу сўл.

Бу калъада микти ва зўр лашкар доим айғокчи:
Расо ўн минг нукул ботир бўсағада пойлокчи,
Уч дарвоза ҳар бирида тураг уч минг зўравон...
«Шўрим курсин, кора тақдир бунчалар ҳам
кийнар жон!»

Бу киссани тинглар экан, қуёш юзлик Автандил...
Фотмага дер: «Қайта умид берди ажиб бу кисса!..
Кажлар, жинлар, нечун ахир одамзодга ўхшашлик?..
Каж жин бўлса, нега керак жинга қайлиқ ё хотин?»

Фотма деди: «Беваж кўйма, билгин, кажлар инсондир,
Кояларда яшайдилар, ўйламаки, бежондир!

Кажлар нечун кучли ва зўр – бу ҳали ҳам муаммо,
Сеҳр бобида кажларга тенг келолтувчи йўқ аммо.

Каж лашкари – офат лашкар, ёвуз, бераҳм, заарлик,
Кажлар билан жанг килмоқлик – одамзодга хатарлик!..

Сехру афсун сабабидан каж уларнинг отоғи,
Жисман ожиз, лек одамни хўрлайди сеҳр-қийноғи».

«Фотмахоним, – деди ботир, – сўзим бўлмас ёккудек,
Сўзим ҳозир ёвуз илон бўлиб сени чақкудек.
Чунки ҳануз билмайсанки – ўзга дардда доғликман,
Ўзга кора киприкларнинг ўрмонига боғлиқман.

На ўткинчи савдогарман, на бошлиқман карвонга,
Саркардаман фармонбардор улуғ шоҳ Ростевонга;
Шонли араб ўлкасида лак-лак лашкар измимда,
Курол-ярок омборлари, хазиналар измимда.

Яширмайин айтай, хоним, менга бўлгин кўмакдош!
Шоҳимизнинг бир қизи бор акли, кўрки нақ қуёш,
Факат унинг шайдосиман, ўртанаман туну кун,
Отасининг ўрдасидан кетдим ўша қиз учун.

Ўшал шоҳ қиз ами билан жаҳонгашта бўлгандим,
Хинд ботири севган тенгсиз қизни излаб келгандим –
Ҳикоятин айтдинг кеча – у қиз бандда тўкар сел,
Ярали шер каби инграр фирокида Тариэл!»

Айтди шундок сарсон дўстнинг мусибатлик қиссасин,
Елкасига йўлбарс тери илган йигит ғуссасин...

«Асир қизни кутқазайин, кўмак учун чўзгин қўл,
Ошиқ-маъшуқ учун очсак тонг сингари ёруғ йўл...

◊(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Сеҳргарга буюр ҳозир: Кажетига жўнаб кол,
Қизга салом айтгин, – дегин, – киз ҳолидан хабар ол!..»

Фотма деди: «Хайрли ишга Тангри мадад бергуси,
Сенинг қатъий бу қароринг – яхшиликнинг белгиси!»
Чакирганди, дарров келди қарға каби кора қул.
Кулга деди: «Кетар йўлинг жуда олис ва мушкул!..

Куёш қизга айта боргин: яқин озод бўлур чок!»
Кул дедики: «Кўп куймагин, қайтиб келгум эртаёқ!»

XLI

**ФОТМАНИНГ НЕСТОН-ДАРИЖОНГА
ЮБОРГАН НОМАСИ**

«... Кулфатларинг киссасини айтмагандинг
жиндак ҳам,
Кези келиб, барин билдим, оғир экан чинакам.
Тариэлга тез нома ёз, юпат, қийнар бу фирок,
Ү – гулдай, сен – гунафшадай очилинглар якирок!

Сенга нажот бермоқ учун келди излаб зап меҳмон,
Мард Автандил – лашкарбоши, мақтагулик пахлавон;
Шоҳ Ростевон қадрдони, енгилмас бир тарзи бор,
Ҳолингни айт, аклинг етуқ, дўстга бурчи – қарзи бор!

Биз юборган даракчига неки билсанг – тўлиқ айт:
Кажлар олис сафаридан қайтар қачон, қайси пайт?
Қанча аскар, қанча ярок қолмиш ҳозир қалъада?
Ишончликми посбонлари? Ким бошлиқ шу
паллада?..»

Фотмахотун хатни бериб жодугар кул кўлига,
Деди: «Асир кизга етказ, нигоронман йўлига!..»

Учган ўқдай бир нафасда ғойиб бўлди, ҳайт деди,
Кажетига етганида гира-шира пайт эди.
Соя каби ўтди жоду посбонларга кўринмай,
Хушхабардан то асир киз юпансин, кўп уринмай...

Асира киз титраб кетди, балога тоб берар жон,
Гунафшалар – зангор бўлди, қизил гуллар – заъфарон.
Кул дедики: «Сиз беҳуда чекмабсиз кўб азоблар,
Мен даракчи, Фотма кутар кўп сўрокка жавоблар...»

Жодугардан хатни олиб, ўқир экан туткун киз –
Кўзларидан шаффофт томчи тўкиларди изма-из...

Киз айтади: «Ишонаман, даракчисан узоқдан!
Нақ шу жойда ётганимни Фотма билмиш қаёқдан?
Суйганимнинг хаёлида мен бўзлайман туткун, зор,
Жавоб ёзай, оғир куним сен яширмай айта бор!»

XLI

НЕСТОН-ДАРИЖОННИНГ ФОТМАГА ЁЗГАН МАКТУБИ

Куёш юзлик жавоб ёзар: «Сен онамдан суюмлирок!
Мактубингнинг ҳар сатридан дил овунди бугун
бирик...

Ёв кальяси борасида не дер эдим, эй Фотмажон!
Кажетлар ва хонбекаси олисларда анча замон.

Аммо кўрғон атрофида аслаҳадор сонсиз посбон,
Мени ҳалос этолмагай келса ҳамки кўп қаҳрамон,

Ўқтам, ботир Автандил ҳам етолмагай, хатарлик йўл,
Дўстга қилған аҳдда тураг, факат бўлур қийноғи мўл...

Шу мусибат етар ўзи! Кўй бўлмасин ботир ҳалок...
Не қилғайман агар нохос ҳалок бўлса у марди пок?..

Тариэлга нишон дебсан – дўстинг шодмон юборадир,
Неча замон саклаб юрган матойимдан бир порадир.
Ёр совғаси эди ўзи – дилга юпанч ва чорадир,
Гарчи унинг бўёклари толеимдай қоп-қорадир!»

XLIII

НЕСТОН-ДАРИЖОННИНГ СЕВГАНИГА ЁЗГАН МАКТУБИ

Нола айлаб, ёш тўкиб қиз мана ёзар хат жононга,
Кўз ёшидан сув сепади оловланиб, куйган жонга...
«Суюкли ёр, бу хат ғурбат тарихимдан бир оҳимдир,
Менга таним қалам бўлди, кора турмуш сиёҳимдир...»

Суюклим, бок – бошимизга на кулфатлар солди дунё,
Күёш беҳад ёруғ, лекин менга олам хира тўё...

Иккимизни айирмишdir ёвуз дунё, малъун замон,
Ёрим, сени хандон кўриш насиб бўлур менга қачон!
Ишкинг ўки яралаган юрак нетсин, сўйла бу он,
Бутун маҳфий сирларимни сенга очдим, оромижон!

Сени ўлган гумон айлаб, дилни босган ғам-изтироб,
Мадор битди, сўлди ҳаёт, умрим факат бўлди азоб...

Сен тириксан, менга шу бас, ўзга умид керак эмас,
Ёнган кўнгил, яра кўнгил бундан ортиқ керак демас.
Сен деб куйдим, сен деб ёндим, юпанчим сен ҳар
бир нафас
Юрагимда муҳаббатинг ғунча очур, асти сўлмас.

Ҳасратимнинг қиссасини қандай ёзай сенга бугун?
Айтаверсам чарчайди тил, ишонмагай ҳеч ким бутун.
Халоскорим Фотмажондир, Тангри уни ярлақасин,
Тақдир тағин бошга солди ғурбат, жафо, аламли кун...

Шундай баланд қальадаман, унга кўз ҳам зўрға етур,
Посбон туарар йўл устида, ер остидан бу йўл ўтур,
Паҳлавонлар кун ҳам, тун ҳам қоровулда навбат турур,
Ҳар ким жангта кирап экан, уни мудхиш олов кутур.

Наҳот, Кажет одатдаги жангчи янглиғ тутар йўсин?
Жанг ҳакида ўйлама ҳеч, ғамда адо бўлмай бутун.
Агар ўлсанг, мен ёнаман, жигаримдан чиқар тутун,
Мени рад эт, тоғдай маҳкам, юракли бўл, жоним букун.

Мени ўйлаб ўксима кўп, дард чекма, ҳеч фурсат сайин
Ёт боғида кўкарувчи сарвмасман ёки кайин.
Сенсиз менга ҳаёт бўлмас, ўлгунимча ёр атайин,
Ё ўзимни тоғдан ташлай, ё ништар-ла тугатайин...

Хиндистонга шошиб жўна, отам унда паноҳсиздир,
Ёвуз душман ўраб олмиш, тождан ажраб, давосиздир,

Тасалли бер, фироқимда дили ғамгин, сафосиздир,
Зор йиглайман, унутмагил, сенсиз умрим
маъносиздир...

Танигайсан; юборганим ўшал совғанг парчасидир,
Бок, бу дурра нишонаси – муҳаббатнинг ғунчасидир.
Ўша улуғ умидимдан нима колса барчасидир,
Етти қат кўк чархи тўйкан ғазабларнинг жафосидир».

Ёзib бўлди. Тайёр мана азиз ёрга ёзилган хат.
Дуррадан бир парча кесиб, ўраб қўйди уни қат-қат...

Гуланшаро томон кетди жинга ўхшаш кора кул,
Фотмага ҳам етди дарров, яқин бўлди узоқ йўл,
Муродига восил бўлиб, Автандилда суюнч мўл,
Яратганга шукр этарди, тўғри кўкка очиб кўл.

Фотмага у деди: «Тақдир – баҳтимга ёр бегумон,
Миннатдорман, ташаккурим қандай этай мен баён?
Фурсат келди! Дўстларимга билдирайин мен аён,
Кўшин тортиб, ёв қальласин қилғумиздир тез вайрон».

Хоним деди: «Сен кетасан – менга ҳаёт нақ дўзах,
Куёшимдан айриламан, кўзимда ёш, дилда зах,
Аммо шошил, кўмакка чоп, мени десанг, бу мазах,
Кажи қайтса, қальласини олиб бўлмас, иш чаток».

Қароллари томон боқиб, полвон сўз қилди оғоз¹:
«Шу чоққача ўлик эдик, лек тирилдик мана боз...

¹ Оғоз – бошлаш.

Шоҳлар шоҳи Фаридунга мендан айтинг кўп дуо,
Учрашолмай кетар бўлдим, ёт ўлка бўйлаб танҳо.
У розилик берсин, буюк сафар бўлар жобажо.
Сизга бўлса жангда олган давлатим қилдим савғо...

Олинг, бунга эга бўлинг, шоҳга эса омонат –
Бу тугунни унга беринг, биродардай ёздим хат».

XLIV

АВТАНДИЛНИНГ НУРИДДИН-ФАРИДУНГА ЁЗГАН МАКТУБИ

Шундай ёзди: «Юрт эгаси, эй баҳтиёр шаҳаншоҳ...
Оғам каби қабул этгил, узоклардан бу салом...
Қуёш юзлик хабарини топдим охир мен аниқ,
Фирокида чўл кезар шер, ҳасратида дил ёниқ.

Ҳозир кажлар қалъасида банд ва тутқун у қуёш,
Наргислардан гул юзларга ёғар ҳануз биллур ёш.
Сафар оғир, йўллар йирок – йўлга тушгум ҳар калай,
Гарчи кажлар қалъада йўқ, лекин аскар бор талай...

Сенга ўзим боролмадим, кечир, вакт оз, йўл йирок,
Ҳар дам қиммат, тўлин Ойни эзар унда ғам, фирок.
Ёвни енгсак, биз боргаймиз, бешак, мену Тариэл,
Ўтинаман, оға каби кўмак учун ўзинг кел!..»

Кема топиб, тағин сафар жабдугини шайлар мард,
Фотмахотун йиғлар эди, хижрон унга оғир дард.
Йўлга тушди, колиб кетди Гуланшаро – гул диёр,
Фотма, Ҳусайн ва қароллар узатдилар зору зор.

АВТАНДИЛНИНГ ГУЛАНШАРОДАН КЕТГАНИ ВА ТАРИЭЛ БИЛАН УЧРАШГАНИ

Зўр дентизда суза-суза етди йигит кирғокка,
Хушвакт бўлиб, кейин отда чопа кетди ғор ёкка...
«Тариэл!» – деб чақиради, тинмас эди йиғидан,
Йиртқичларни ўтказарди йўлда қилич тиғидан...

Бутазордан борар йигит тўғри калин ўрмонга,
«Тариэл!» – деб чақиргани садо солар ҳар ёнга.
Бирдан шуъла пайдо бўлди ўрмонзорнинг четидан,
Бу – Тариэл, кўлда қилич, нур ёғарди бетидан...

Кучоқлашар сарсон ошик ва саркарда икковлон,
Бир-биридан хол сўрайди, иккаласи шодумон.

Севинчидан хўнграп ошик, кўзғалар дил армони,
Кон ёшлардан кизил рангда киприкларнинг ўрмони,
Сарвдай расо қоматини эгиб турар bemажол,
Дер эдики: «Дийдорингни кўрдим, кетди дард, малол!»

Тариэлнинг сўзин тинглаб, жилмаярди чин ўрток,
Лаъли дудок орасида саф-саф садаф порлар оқ:
«Тутқун шоҳ қиз хабарини айтай, кўнглинг очгуси,
Баҳор келиб, гулинг яна яшнаб, хазон кочгуси!..»

Ошик турар хушхабарга ишонгиси келмасдан,
Автандил-чи, ёмон хаёл ёки шубҳа қилмасдан,
Шошкин берар киз тухфасин – хат ўроғлик чашмбанд¹,
Ёр тухфасин ўпди ошик, у жафокаш, дардманд.

¹ Чашмбанд – кўзбоғлагич; чачяон, чиммат.

Унга таниш бу дуррача ва шоҳ қизнинг дастхати,
Кўзларини туман олди, ҳазон эди сурати...

Тариэл жим, беҳаракат, чўзилганди нак бежон,
Автандил сув тополмайин елар эди ҳар томон.
Ўлик арслон ётар эди чўзилиб кум устига,
Арслон конин сочди охир Тариэлнинг кўксига.

Арслон кони куч бағишилаб гўё бехуш арслонга,
Мотам ранглик киприклари келиб аста ларзонга.
Қуёш каби ёруғ кўзин очди ошиқ, ҳоли танг,
Автандилнинг ой жамоли кўринарди хаво ранг...

Асира ёр номасини ўқир экан Тариэл,
Акли шошиб, ўт тулашиб, кўзларидан ёғар сел...
Ҳозир ёкут каби порлар боя заъфарон юзи,
Бандасига марҳаматлик Яратганнинг бир ўзи!..

Фор томонга дилшод, кувноқ келмоқдайди қўш сувор¹,
Билишарди – Асмат юпанч ва гурунгга жуда зор.

Нимяланғоч², хаёлга ғарк қиз ўтирап ҳарсангда.
Сардор билан сипоҳсолор куйлашиб шўх оҳангда –
Булбул каби сайраб келар, ўйноқларди қўш тулпор,
Қарши олар нимяланғоч чўри, кўзда ҳайрат бор...

Йигит овдан ҳар кун йиглаб қайтар эди, зор-нолон,
Бугун куйлаб келмоқда-ку, не ходиса, қиз ҳайрон;

¹ Қўш сувор – икки отлик.

² Нимяланғоч – ярим яланғоч.

Ё телбалик авжимикин, чўри кизда хавотир,
Маст кишидай ағраяди, не айтар деб кўш ботир.

Икки ботир чехраси ҳам табассум-ла яркирар:
«Кувонавер, о, Асмат, – деб икков бирдай чакирар, –
Туткун куёш хабарини топдик, Тангри ёр бўлиб,
Шодлик келгай, йиги битгай ғурбатларда хор бўлиб!»

Отдан сакраб, кизни кучар Автандил шод чинакам,
Кулоч ёзиб, сарв бўйликни ўпар эди Асмат ҳам:
Киз парвона бўлар, йиглар, ўтинарди бағоят:
«Сўйла ахир, маликамдан не хабар, не ҳикоят?»

Сўлғин ойнинг номасини узатаркан Асматга,
Мард Автандил шундок деди кизни солиб ҳайратга:
«Мана ёркин Куёш ёзмиш, банд¹ маликанг ёзмиш хат,
Куёш балкар, коронғилик кочар, колди оз фурсат!»

Дарижоннинг қўли унга эмас эди бегона,
Хатни ўқиб, дағ-дағ титрар Асмат худди девона,
Хушхабарга ишонмайин сўрап, дилда ҳаяжон:
«Бу хатдаги ёзганлари наҳот тўғри, оғажон?»

Автандил дер: «Кўркма, Асмат... мен айтдим-ку,
соз хабар.
Шодлик келиб, бахтсизлик-ғам учар бўлди
сарбасар...»

Яратганга юз кат куллук айтар ҳиндлик пахлавон,
Икки дўстни горга чорлаб, Асмат ёзар дастурхон.

¹ Банд – бу ерда: туткун, асира.

Тариэл ўз меҳмонига деди: «Менга кулок сол!
Ғалати нақл айтай сенга, ёлғон эмас ё тусмол.
Дев зотига кирон солиб мен бу ғорга киргандим,
Бунда чексиз хазина бор, эламасдан¹ юргандим.

Очмадим ҳам, кўрмадим ҳам, кўргим ҳам келмас эди,
Бирга очсак, ола кетсак, ёмон иш бўлмас эди!»
Икки ботир туриб дархол: «Юр», – дедилар чўрига,
Дуч келдилар кирк хоналиқ хазинанинг зўрига.

Эшик очиб, хоналарда айланишиб юрдилар,
Уюм-уюм, тепа-тепа лаълу ёқут кўрдилар.
Қиличга teng келар эди ҳар инжу, ҳар дурдона,
Тоғ-тоғ ёмби ва олтинга тўла эди ҳар хона.

Бир хонаси ўзгалардан ғалатирок, каттароқ:
Бунда нуқул жанг анжоми – ноёб курол ҳам ярок –
Нақ сабзавот хирмонидай пасту баланд, чалакам,
Туар эди муҳрланмиш каттакон бир сандик ҳам.

Сандикка ҳам боғлик эди ёзуви бор бир лавҳа:
«Бунда совут, Басра тифи, жами зарур аслаҳа,
Дев билан каж жанг бошлашса, каж босқини
пуч бўлғай,
Кимки беваж очса, шохлар ғазабига дуч бўлғай!»

Кулфин очиб, жанг анжоми танлашди уч кишига,
Токи барҳам беролгудай жанг чоги ёв ишига;

¹ Эламоқ – бу ерда: эътибор бермаслик, назар-писанд қиласлик.

Не совутлар, дубулғалар, не қиличлар – бебаҳо,
Тош тобутда ўлик каби ётарди, тахт, жобажо.

Икки ботир совут кийиб, қўлга қилич олдилар,
Мўъжизалик ва сеҳрлик, синааб ҳайрон колдилар,
Пўлатларни нақ қоғоздай кесар эди bemиннат,
Ботир учун яхши қилич хазинадан ҳам киммат!

Икки мард дер: «Зап топдик-да! Бу – яхшилик белгиси!
Тангри қўллаб, бу сафар ҳам бизга омад келгуси!»
Икков қурол такиб, жангта тайёр бўлиб чиқдилар,
Фаридунга аталганни боғлаб олиб чиқдилар.

Ёнларига жойладилар андак олтин ва гавҳар,
Кирқ эшикка қулғ уришиб, шувадилар сартосар¹.
Автандил дер: «Ажаб қилич! Жуда кескир хилидан!
Хордик олиб, сахар кетсак дуруст девлар элидан»...

XLVI

ТАРИЭЛ ВА АВТАНДИЛНИНГ НУРИДДИН- ФАРИДУН ЁНИГА КЕТИШИ

Баҳодирлар шоҳ Фаридун юртига йўл солишар,
Навбат-навбат чўри кизни эгариға олишар.
Йўл-йўлакай талай зарга битта учкур от топиб,
Автандил йўл бошлаб борар гоҳо йўртиб, гоҳ чопиб...

Шоҳ Фаридун саройига келиб тушди меҳмонлар,
Шоҳ, Автандил ўтирилар қатор, сўнгра аъёнлар.

¹ Сартосар – бошдан-оёқ.

Тариэл-чи, порлар эди шохнинг олтин тахтида,
Шохга ярок тутди булар шу тантана вактида...

Базмдан кейин хориб-толиб ухлагани ётдилар,
Эрта билан ҳаммом шайлаб, охиста уйғотдилар.
Ҳаммомдан сўнг меҳмонларга кийгизди шоҳ
кимхоб түн,
Товок-товок гавхар тутди – битта эмас ёки ўн!

Фаридун дер: «Бегаразман, ўйламангки ғирт тентак,
Сизни барвакт уйғотдим, рост, бу айб, лекин
килманг шак,
Йўлга тушмок даркор! Нахот, қиз тутқунда қолгуси!
Кажлар кайтса, бошимизга баттар бало солгуси!

Кўшин эмас, танлаб-танлаб уч юз отлик олайлик,
Қалъасини ёв кутмаган кезда боса қолайлик.
Соқчиларга зарб урайлик чакмоқдай тез, туткусиз,
Ёруғлиқка чикқай ҳатто кажлар мафтун бўлмиш қиз.

У қалъани мен биламан – айланаси баланд тоғ,
Ҳали бирон душман ўқи сололмаган унга доғ.
Агар яшрин ёндашмасак, жангу жадал бехуда,
Шунинг учун қўшин олмай борганимиз соз жуда!»

Йўл жабдуғин тайёрлашар маъқул тушиб маслаҳат.
Чўрига ҳам совға бериб, шоҳ дер: «Бунда кол, Асмат!»
Уч юз отлик, уч юз ботир йўлга тушди саф-катор,
Сабру тадбир ҳар сафарда ғалабага килгай ёр!

Ёт дengиздан ўтиб, чўлда борар эди уч кардош,
Киши юрмас пасқам йўлдан бошларди шоҳ бўлиб бош.

«ЖАХОН ШЕРЬИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Бир кун деди: «Жуда яқин қолди қажлар қальаси,
Сир бермасдан юрмоғимиз зарур факат кечаси».

Донишманд шоҳ кенгашига кўнди икки азамат,
Кундуз тўхтаб, кечалари қиласдилар ҳаракат.
Кўз ўнгига пайдо бўлди мудҳиш, азим, зўр қўрғон,
Қояларда овоз берар саноғи йўқ кўп посбон...

XLVII

КАЖЕТ ҚАЛЬАСИ ЁНИДА ФАРИДУН, АВТАНДИЛ ВА ТАРИЭЛНИНГ КЕНГАШИ

...«Иккалангиз, – дер Тариэл, – ажаб тўқис ботирсиз,
Мардлиқдау маслаҳатда тенги йўқсиз, нодирсиз!..

Менинг айтар маслаҳатим – маслаҳатнинг созроғи:
Ҳар ким юзта аскар олиб, бонг урайлик тонг чоғи,
Бизни душман оз фаҳм айлаб, дарвозадан чиккуси,
От кўяйлик, киличимиз битта-битта йиккуси!

Кирғин солсак, дарвозани бекитолмас ёв шошиб,
Учимиз уч дарвозага от кўйгаймиз, чек ошибб.
Ичкарига аввал кирсан, йўл очгум мен тўкиб кон,
Саваш чоғи – ёвқурлик шарт, иш кўрсатгай тиғ,
қалқон!..»

Тариэлнинг кенгашидан дўстлар эди ўбдон шод,
Жанг олдидан уч баҳодир қилди тагин қасамёд,
Ҳар баҳодир етагида жангга шай юз суворий,
Совут кийиб, йўлга тушди уч юртнинг уч сардори.

XLVIII

КАЖЕТ ҚАЛЪАСИННИГ ОЛИНГАНИ ВА НЕСТОН-ДАРИЖОННИНГ ҚУТҚАРИЛГАНИ

... Уч баҳодир бўлиб олди ҳар қайси бир дарвоза,
Ёнларида шер шижаат уч юз ботир саф тоза.
Айғокчилар огоҳ турди ухламайин то сахар,
Яролларни кўрсатмайин, йўлга тушди сўнг аскар.

Олдин булар сайёҳлардай саф тузмайин юрдилар,
Ғафлат босган коровуллар шубҳа қилмай турдилар.
Дарвазабон кўз солади булар томон сукутда,
Якин келгач, дубулғалар кийилди бир минутда.

От ўйнатиб, ёв устига келди булар ногаҳон,
Жанг сурони, дарвозада саросима, ҳаяжон.
Уч баҳодир жондан кечиб, уч томонга қўйди от,
Шахар ичра карнай чалди, хой-хой, шовкин, арасот.

Бугун Кажет Парвардигор ғазабига дуч бўлди,
Ер юзини зулмат босди, ҳамма зўри пуч бўлди.
Мурда узра мурда ётар, юриб бўлмас, бехисоб;
Кўк юзини тўёzon олди, кўринмайди офтоб.

Ёв юртига даҳшат солар Тариэлнинг наъраси,
Пора-пора бўлур занжир, совут, қалқон ҳаммаси,
Қўрғонга ҳам рахна солди уч баҳодир уч ёқдан,
Тош ёғдирап, девор бузар, тинмас ёвни кирмокдан.

Фаридунга учраб колди шаҳар ичра Автандил,
Кирғин бўлди, конлар оқди арикларда худди сел...

Ўн минг посбон жонсиз ётар, кизил кондир тупроклар,
Уюлмишdir парчаланган қилич, калкон, яроклар.

Бари бирдай чўзилмишdir дарвозанинг ёнида,
Совутлари пора-пора, яра бари танида.
Дарвоза ҳам парчаланиши, бир чеккага ташланмиш,
– Таризлнинг хунаридир, – дерди кўрган – шунча иш!

Ер ости йўл бўйлаб юрди минорага икковлон,
Кўрдиларки, ой ва қуёш топишибди, йўқ илон...
Бир-бирини ўпар, кучар, тўхтамас ҳеч кўз ёши,
Гўё Муштар ва Зухранинг кўк юзида учраши...¹

Табассум-ла карши олди икковини Дарижон,
Жононининг ёронларин мағрур ўпди қиз шу он.
Ширин сўз-ла баён этди ожизона ташаккур,
Автандил ва шоҳ Фаридун сухбат бошлар баҳузур...

Уч юз эди, жангда ўлмиш бир юз олтмиш эр йигит,
Фаридун шоҳ ғалабадан суюнади кетма-кет;
Ёвуз душман битта колмай ўтди қилич дамидан,
Ўлжа бўлди санаб бўлмас бир хазина душмандан.

Олтин, кумуш, ёқут, маржон, жавохирот беҳисоб,
Накшин тошлар, лаъли, гавҳар, садаф, зумрад
 қопу қоп.

Минглаб хачир, туяларга юк бўлди бу хазина,
Маҳовара² ўтказилди қуёш қиз у соғсийна.

¹ *Муштар* (*Муштарий*) – Юпитер сайёраси. *Зухра* – Венера сайёраси. Шарқ мунажжимлари бу икки сайёранинг ўзаро яқинлашувини кирон буржи деб атаб, баҳт-саодат аломати деб хисоблаганлар.

² *Маҳовара* – кажава, тахтиранси.

Бу қалъани сақлагали қолди олтмиш паҳлавон,
 Куёш карвон ичидадир, қайтаролмас ҳеч бир жон.
 Денгиз шоҳи шаҳарига йўл солди катта карвон,
 «Фотмага кўп бурчимиз бор», – дер Тариэл, Дарижон.

XLIX

ТАРИЭЛНИНГ ДЕНГИЗЛАР ПОДШОҲИ ЮРТИГА БОРГАНИ

Денгиз шоҳи номига мард жўнатди хат ва чопар:
 «Соҳибқирон Тариэлман, то бўлгайсан боҳабар,
 Кажетида тутқун куёш ҳозир йўлда мен билан,
 Келмоқдаман отам каби кўришмокқа сен билан.

Каж қалъаси таслим бўлди жангда, талай ўлжам бор,
 Бу зафарда факат сенга бурчлиман, эй шаҳриёр¹,
 Фотма – тутқун маликага эгачидек жон фидо...
 Яхшилигинг ажрин қандок қилсам экан мен бажо?

Салтанатинг ҳудудидан ўтмай туриб, кутиб ол,
 Каж қалъасин икки кўллаб тутай, эга бўлиб қол.
 Ўз ишончли посбонларинг тайинла бу кўрғонга,
 Мен-чи, жадал йўл тортаман туғилган юрт томонга!

Хусайнга ҳам мендан салом, юборсин тез хонимни,
 Кувонтирсин бир кўришга муштоқ Нестонжонимни,
 Биллурдан ҳам тиник гўзал кутар то у келгунча,
 Чунки Фотма яхшилигин унуполмас ўлгунча».

Етиб борди шоҳга чопар ва ботирнинг номаси,
 Ўбдан ҳайрат ва қувончга солди мард ҳангомаси...

¹ Шаҳриёр – буюк шоҳ.

Фотма ва шоҳ роса ўн кун тинмайин йўл юрдилар,
Шер ва қуёш дийдорини кўрмокка от сурдилар.

Пешвоз чиқди уч баходир дарҳол денгиз шоҳига,
Кучок очиб, ўпишдилар тушиб манзилгоҳига,
Тариэл ва кўш сардорга шоҳ мактовлар ёғдирап,
Дарижоннинг қуёш кўрки шоҳни эсдан оғдирап.

Дарижоннинг дийдорини кўриб Фотма чексиз шод,
Тизларидан ўпар, кучар, айланар нак гирдибод¹,
Дейди: «Тангри, бағишладинг ёруғлик ва омонлик,
Яхшиликнинг умри мангу, тез ўтади ёмонлик!»

Киз Фотмани ўз бағрига узок босиб дер шундок:
«Соғинчларда сўнган дилга Тангри ёқди шамчирок.
Тутқун эдим, мана ҳозир ой сингари тўлғунман,
Бахор чоғи япроқ ёзган гул ғунчадай гулгунман».

Кажет учун миннатдор шоҳ тўй бошлади шўх, тўкин,
Шодиёна янграб турди тинмай роса етти кун;
Саноғи йўқ совға тегиб, хушвакт уч дўст ва аскар,
Оёқ ости – майда тошдай сочиғанди нукул зар...

Қиёматлик эгачидай Фотмага дер Тариэл:
«Бурчим катта, яхшилигинг достон қиласай элма-эл.
Сенга сийлов Кажетидан олмиш ўлжам – карвон мол,
Бир чака ҳам керак эмас, йўқ демайин барин ол!..»

Куёш каби кулимсираб Тариэл ва Дарижон,
Денгизларнинг шоҳига дер: «Яхши қол, шоҳи жаҳон...

¹ Гирдибод – айланма шамол, қуюн.

Сен-ку бизнинг улугимиз, отамизсан бузруквор¹,
Сўраймизки, бир кема бер, эй шавкатли тождор!»

Яхши кема ҳозирлатди йўлга денгиз шоҳи ҳам,
Тариэлу йўлдошлари сузуб кетди хотиржам.
Кузатганлар нола чекар, соч юлишар бошлардан,
Денгиз гўё тошган эди Фотма тўккан ёшлардан.

L

**ТАРИЭЛНИНГ ФАРИДУН
МАМЛАКАТИГА КЕЛИШИ**

Уч оғайни дўстлик аҳдин дилга такрор битдилар,
Денгиз кечиб, шоҳ Фаридун ўлкасига етдилар...
Сарой ахли пешваз бўлди Фаридунни ардоклаб,
Асмат кўнглин ёзар дилшод, Дарижонни кучоклаб...

Мулки сангсор қалъасига кирди булар шундан сўнг,
Карнай-сурнай навосидан янграр эди чап ва ўнг,
Тинмас эди ноғоралар, шўх оҳанг, шўх садолар,
Шодиёна, олкишлардан гурулларди самолар!..

LI

**НУРИДДИН-ФАРИДУН САРОЙИДА ТАРИЭЛ БИЛАН
НЕСТОН-ДАРИЖОННИНГ ТЎЙИ**

Кўшалоққа² шоҳ Фаридун забаржаддан³ кўйди тахт,
Қора-кучқил тахт устида Автандил ҳам кўп хушвакт,

¹ *Бузруквор* – улут, буюк, мухтарам.

² *Кўшалоқ* – бу ерда: икки жуфт маъносида.

³ *Забаржад* – кимматбаҳо тош.

Либослари чўғдай қизил, безаклари шоҳона,
Барча қойил боқар, бу ранг – улуғлиқдан нишона!

Кўшалоққа мадҳ янграрди шўх наволар авжида,
Сарой ичи яркирарди нуқул ипак мавжида.
Суклангудек тўй ўтказар шоҳ Фаридун меҳмондўст,
Киз жилмаяр, биллур тишлар порларди бекаму кўст...

Тўппа-тўғри саккиз кунга чўзилди бу шодиёна,
Кўшалоққа келар эди ҳар кун янги тўёна.
Кеча-кундуз чолғу тинмас, янгарар эди шўх ёр-ёр,
Мана шундоқ бир-бирига қовушдилар икки зор...

Не деса ҳам Тариэл ўз кароридан қайтмади,
Мард Автандил дўст раъийга норози сўз айтмади;
Карвон тузиб, танлаб-танлаб аскар олди Фаридун,
Дўстларига ҳамроҳ бўлиб йўлга тушди ўша кун.

LII

ТАРИЭЛНИНГ ФОРГА КЕЛГАНИ ВА ЎЗ ХАЗИНАСИНИ КЎРГАНИ

Мана қандок хикмат айтмиш Дионисий донишманд:
«Яхшиликнинг уругини сочар доим Худованд,
Ёвузликнинг илдизини кесар, ўзи омилдир,
То азалдан Ҳак таоло камолотда комилдир!»

Шоҳ элидан йўлга тушди уч ёруғлик, уч арслон,
Ёруғ сочиб борар бирга куёш юзли Дарижон...
Хордик олмай, не-не сувсиз сахроларда елдилар,
Кора ўмров қояларга охир яқин келдилар.

Тариэл дер: «Мажнундек зор яшовдим шу диёрда,
 Ёр хажрида ҳар кун бир бор ўлар эдим шу ғорда.
 Бугун Асмат илвасинга¹ кўнок этгай бегумон,
 Кейин девлар хазинасин қилгум сизга армуғон»...

Нортую² ҳам елмоядан³ катта карвон туздилар,
 Хазинани шоҳ Фаридун юртига етказдилар;
 Шундан кейин йўл тортдилар олис Арабистонга,
 Тулин ойдай Автандил ҳам шошар кундай жононга.

Кайнок қумда йўл юрди мўл – ташна, ҳорғин
 арслонлар,
 Пайдо бўлди бир кун ахир миноралар, кўрғонлар,
 Кўк ва яшил кийимдаги оломон тик туришиб,
 Севинч ёшин тўкар эди Автандилни кўришиб.

Тариэл хат ва чоповул жўнатар Ростевонга:
 «Эй улуғ шоҳ, кувон, яйра, ҳамиша ет армонга.
 Сенга келдим, мен ҳам шоҳман, Ҳиндистоннинг эгаси,
 Менинг билан бирга келар баҳорларнинг ғунчаси...»

Бу хабардан араб шоҳи кўнгли тўлиб, бўлди шод,
 Шукроналар адо этиб, Яратганни қиласр ёд.
 Тинатин ҳам ўта шодмон, тушиб киприк кўлкаси,
 Порлар эди биллур ёноқ, лаъли дудоқ шуъласи...

Араб шоҳи қўшин ила пайдо бўлди йироқда,
 Тариэлга дер Автандил хижолатда, титроқда:
 Отахоним ва устозим келар, айтгин, не қиласр,
 Гуноҳкорман, дилхун⁴, нечук оёғига йиқилай?..»

¹ Илвасин – гўшти учун овланадиган ёввойи парранда.

² Нортую – эркак түя.

³ Елмоя – урғочи түя.

⁴ Диҳхун – бағри кон, ғамгин.

Тариэл дер: «Улуғ шоҳга адаб-хурмат эзгу фарз,
Сен бунда кол, мен бораю сенинг учун қилай арз.
Шоҳга сенинг хижолатда ёнганингни айтгайман,
Куёш қизни келинликка унаштириб қайтгайман!»

Мард Автандил чаманзорда курди дарҳол бир чодир,
Бирга қолди Дарижон ҳам – кўркда тенгсиз ва нодир.
Зич ва узун киприклардан эсар хушбўй, майин ел,
Хайрлашиб отландилар Фаридун ҳам Тариэл.

Водий бўйлаб тадбир ўйлаб келар эди икковлон,
«Бу – Ҳиндистон шоҳи!» – деди, таниганди Ростевон,
Савлатига койил бўлиб, Арабистон эгаси –
Тариэлни карши олди гўё ўғли – эркаси...

Катта кўшин ўртасида ўтиради икки шоҳ,
Тариэлнинг тенгсиз кўрки таратар барк ва жило,
Кўз узолмай тикиларди кўшин ва эл дар хайрат,
Тариэлнинг сухбатида ҳам чечанлик, ҳам ҳикмат:

«Автандилдек зринг кошки бўлсан лойик элчиси!
Даргоҳингга лекин келдим мен олислар йўлчиси;
Сенга қилур ёруғликдан ёруғрок у мард хитоб,
Токи кечир гуноҳини, шоҳо, кўйма бежавоб!..

Кўпдан бери ошиқ-маъшуқ Автандил ва малика,
Айрилиқда мард бошига тушди не-не таҳлика...
Даргоҳингга бош ураман: ўртамасин икки дил,
Маликага ўбдан лойик шер билаклик Автандил!..

Шоҳо, ортиқ сўз қолмади, айтдим фақат дўст ҳолин...»
Сиртмок каби ўз бўйнига боғлаб дарров рўмолин,

Шоҳ олдида тиз чўқди мард, бошин қуин солди мард,
Эшитганлар ва кўрганлар изтиробда чекар дард.

Шоҳ кўрдики, йигит ўзин ўбдан ерга урмокда,
Кўзига ёш олиб, ранжиб шоҳ ҳам гурунг курмокда:
«...Нахот, менга маъқул бўлса Автандилдан ўзгаси?
Хозир қизим Арабистон тожу тахтин эгаси...»

Севмасайдим, кўришни ҳам истамасдим – энг ози,
Худо ҳаки, сипоҳсолор куёв бўлсин, мен рози!..»

Суюнчига чопа кетди Фаридун ҳам отланиб,
Хушхабардан хуввакт йигит гўёки канотланиб.
Учар эди Фаридун-ла устоз қароргоҳига,
Келди, лекин боқолмади сира араб шоҳига...

Автандилни ўз ўғлидай шоҳ ўпар ва кучоклар:
«Сув сепдинг сен, учар ортиқ бағримдаги ўчоклар.
Тенгсиз арслон, кани юргин, кутар сени малика,
Қуёшингни кўрмок учун тушгин сарой йўлига!»

Автандилнинг савлатига шоҳ койилу меҳрибон,
Ҳар дам ширин сўз эспитар устозидан паҳлавон.
Қиз жамоли, давлат тожи улуғликка ярашик,
Бахт қадрига етар фақат азоб чеккан ҳар ошиқ!..

Йўлга тушди ёш келину мўйсафид шоҳ, уч ботир.
Нестон кўрки етти юлдуз чиройидан ҳам нодир,
Мактовини келтиролмас на ғазалхон, на доно...
Кўшкка тушди уч қаҳрамон, шоҳ ва тенгсиз дилрабо.

«ЖАҲОН ШЕРРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Салом бериб, Тинатиннинг дийдорини кўрдилар,
Этагидан битта-битта ўпиб, катор турдилар.
Кўшкка зиё сочар эди Тариэл ва Дарижон,
Ёноқлари ёнар эди гўё лаъли Бадахшон...

Автандилни кўрсатиб шоҳ дер кўшинга, аъёнга:
«Шу бугундан Автандил – шоҳ бутун Арабистонга!
Мен ёшимни яшадим хўб, ўлсам ҳам йўқ армоним,
Автандилга қуллук қилинг, бош эгинг –
шу фармоним!..»

LIII

АРАБ СУЛТОНИНИНГ АВТАНДИЛ ВА ТИНАТИНГА ТЎЙ ҚИЛГАНИ

Автандил шоҳ – эл суюнчи, тож яркирар бошида,
Вафолик дўст Тариэл ҳам гурунг кураган кошида.
Юрт безаги, кўз қувончи Тинатин ҳам Дарижон –
Кўқдан тушмиш икки қуёш, дерди дилдан оломон...

Хайру эхсон тегди жами ногиронга, чўлокка,
Ховуч-ховуч инжу, олмос сочиларди тўрт ёкка,
Кўлтикларда кимхоблару, олисларнинг кумоши...
Тариэл ҳам белин боғлаб, бўлди уч кун тўйбоши.

Гапни калта килсан, роса бир ой тўй-тўйлашдилар,
Май ичдилар, соз чалдилар, шодона куйлашдилар.
Тариэлдек азиз меҳмон ғарк бўлганди сийловга,
Хар дурдона ўхшар эди осмондаги оловга.

Тариэл гул дудоғини очиб дер: «Эй ҳукмдор,
Айриликка фурсат етди, ижозат бер, важи бор,

Хузурингда доим бўлмок менга-ку, зур ифтихор,
Лекин кетай, ёв подаси оёғида юртим зор...

«Иккиланиш, – дер Ростевон, – тўғри келмас
шашнингга,
Кўнгил амрин бажар мудом, майли қайт ватанингга.
Автандил ҳам бирга кетгай, ёв адабин беринглар,
Кўшин олинг, ярок олинг, битта қўймай қиринглар!»

Шоҳ Ростевон қароридан ўбдан хушвакт Автандил,
Тариэл дер: «Яхши эмас, ҳар иш қилсанг – ўйлаб кил,
Ўз ойингта зўрга етдинг, қуёш, қандоқ кетасан?»
Автандил дер: «Ахир, бундок гап чалғитиб, нетасан?

Ёлғиз кетсанг, кейин ўпка килишинг бор, бу аён,
Дегайсанки, ёр туфайли бекор бўлди аҳд-паймон.
Сен кетарсан, ўй ва ҳасрат қуршар мени бу жойда,
Дўст бошига иш тушганда – дўст колгайми саройда!»

Табассуми инжу сочиб, Тариэл айтар жавоб:
«Айрилиқка менда ҳам йўқ жиндак токат, жиндак тоб!
Муғамбирлик деб ўйлама! Кетар бўлсанг, юр кани!»
Кўшинига амр этди шоҳ жадал йўлга тушгани.

Тайёр бўлди сатта ёвкур ёйандозу¹ найзабоз,
Совут киймиш нак саксон минг отлик эди, деманг оз,
Хоразмий эди бутун қурол-яроғ, от анжом,
Айрилиқнинг юки босиб, кари шоҳда йўқ ором...

Кўшин борар, орқасидан борар эди юқ, карвон,
Энг олдида уч баходир ҳам ўртада Дарижон.

¹ Ёйандоз – мерган.

Жангга ташна саксон минг мард тўхтовсиз
йўл юрарди,
Уч ботирнинг дов юраги бир тилакда урарди.

Роса уч ой жанг қилдилар тенги йўқ уч баходир.
Талай ёвга кирон солди. Чўлда тикиб кенг чодир,
Хушвакт ҳордик олардилар – баҳодирлик учун хос,
Чалоб эмас, зардоб эмас, ичардилар соз шароб.

LIV

ТАРИЭЛ ВА НЕСТОН-ДАРИЖОННИНГ ТЎЙИ

Муродига етди буткул Тариэл ва Дарижон,
Етти иқлим фармонбардор, мамлакати шодумон,
Бадбаҳт кунлар унутилиб, севинчларга бўлди ғарқ,
Аччиқ тотмай, ширин ҳаёт қадрин киши
килмас ғарқ!..

Ўрда ахли Автандил ва Фаридунга дер: «Балли,
Бахш этдингиз бизга ҳаёт севинчи ва тасалли!
Не десангиз – бажарилур, сиз – бошларга соябон».
Тўйга саф-саф одам келур, хабар олмиш ҳар томон.

Подшоҳ айтар: «Асмат, биз деб бало кўрдинг сен зиёд,
Яхшилигинг бу дунёда киммаган ҳеч одамзод.
Сенга бўлсин Ҳиндистоннинг еттиламчи ўлкаси,
Бизга содик қарам бўлгил, бир ўлка хонбекаси!

Ихтиёринг ўзингдадир – лойиқ куёв сайлаб ол,
Давлатимиз соясида доим бека бўлиб кол».
Ерни ўпид Асмат йиғлар: «Мени килдинг баҳтиёр,
Сенинг содик чўринг бўлай, то танимда жоним бор»...

Йўлга тушди Автандил ва шоҳ Фаридун дўст-хамроҳ.
Ўз юртига караб кетди йўл сўнгига икки шоҳ.
Қайғулари изсиз кетди сувга чўккан тошдай зил,
Ўлкасининг гуллаганин кўрди келиб Автандил.

Мамлакатнинг сардорига пешвоз бўлди фуқаро,
Қуёш киз ҳам чикиб келди кийиб кимхоб сарупо.
Тахт устида карор топди – ўрдасига ярашик,
Тангри берган шону шавкат, салтанатнинг чеки йўқ.

Уч мамлакат тепасида уч баҳодир хукмрон,
Бир-биридан хабар олур, бир-бирига меҳрибон,
Ғанимларни килич тортиб бўйсундирар аёвсиз,
Душмандан ер тортиб олур – ер кенгаюр тўхтовсиз.

Мол-давлатга ботди барча, гўё бўрон сепди кор,
Етим-есир хайр олди, душманларда йўқ мадор –
Ёв юртида қўзичоклар сут эмишга зор бўлди,
Баҳодирлар ўлкасида бўри қўйга ёр бўлди.

ДОСТОНДАН ҲИКМАТЛАР

Севги билан зиногарлик ўртасида сархад зўр,
Сўзимни ук: бу иккови бўлолмайди сира жўр.

* * *

Мұхаббатда вафодор бўл, пасткашликка бегона,
Айрилиқка чидаб тургин, сабр қилгин мардона;
Сен ягона маъшукангга муҳлис бўлгин баркарор,
Фаҳшу зино нафсоният назарида кўп мурдор!

* * *

Қаллобларнинг қуллуғини чин севги деб айтмаслар,
Шу бугун – шу, эртага – у, охир у ҳам бездирап.

* * *

Чиндан севсанг, севгингни ҳам, нолангни ҳам
яширгин,
Шайдолигинг билдирмагин, ғийбатлардан қочиргин.
Юрак сиринг халойиққа бўлмагай ҳеч ошкора,
Кувониб тур ишқ ўтида бўлсанг ҳамки дилпора.

* * *

Биз ёзмишнинг инъомига севинайлик аввалдан,
Жанг сипоҳга, қўш дехконга қисмат экан азалдан.

← ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ →

Ошик учун мухаббати армуғондир гўзалдан,
Саклаб турсин севгисини гийбатдан, бадназардан.

* * *

Кўйчи фикри туғилади сидки дилдан, бепардоз,
Сиқик сўзлар ҳалкасида кенг фикрлар ғоят соз!

* * *

Қўшиғингда жон қолмаса, байтлар ётса кўп хаста,
Шоир, тўхтат мисраларинг чопишини бирпасда.

* * *

Достонларда билинади шоирларнинг аълоси.

* * *

Кўк фазога учмоқлиқдир ошиқларнинг қисмати,
Улар билан бирга учар ернинг дарди, ҳасрати.

* * *

Ошиқ агар нўнок бўлса, хаёлида ортар кек.

* * *

Осмоний камолотга кўп покиза дил керак,
Йўқса, нафсинг кули бўлсанг; хор бўларсан ғубордак.

* * *

Денгиз суви қайга кетса, яна қайтиб келади.

* * *

Жаннатга гул, султонларга очикқўллик ярашар,
Баттоллар ҳам сахийларнинг эҳсонига қарашар.

◀ (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ▶

Меҳмоннавоз эшик яхши, хасис лаънатга қолган,
Берган нарсанг – у сеники, яширганинг – йўқолган!

* * *

Денгизларга шўнғимасдан топилмайди дурдона.

* * *

Бало келса, юз киши ҳам, бир киши ҳам баравар.

* * *

Одамзоднинг донолиги ютуқларга қалитдир.

* * *

Адабсизга қилинмас лутфу эҳсон.

* * *

Севги шайдосига ачинар ҳатто душман,
Аммо ошиқ ажал излаб ҳайиқмайди ўлишдан.

* * *

Муродингга эришгайсан холис бўлса тилагинг!

* * *

Насиҳатта қулоқ солсанг, эришгайсан ниятга.

* * *

Ҳар бир ишни чертиб олиб, кўрмак керак охирин.

* * *

Алдамчилик тубан ҳунар – яхшиликка бошламас.

* * *

Оғилдан ҳам баттар сарой унда дўстинг бўлмаса!

* * *

Одамзодга бир фалокат келтирай деса фалак –
Найқамишлар бужғун бўлур, олмос эса – бўтанак!

* * *

Бехудадир биз интилсак ботувчи қуёш томон.

* * *

Биз Тангридан баҳт тиласак, чидайлик кулфатга ҳам.

* * *

Фалокатга йўлиққанлар гарчи хоҳлайди ўлмак,
Тирикликни, тирикларни кувватлаб яшаш керак!

* * *

Мұхаббатнинг алангасин ҳаммадан сир тутмоқ шарт...
Юрак сирин вайсаганлар чин ошиқ эмас, номард.

* * *

Товоң олмай хизмат қилмоқ ортиқ ҳамма совғадан.

* * *

Дўстлар учун жонфидолик ғоят улуғ фазилат,
Оғир кунлар синовида билинади дўст факат.

* * *

Билиб қўйки, пасткашликни кечирмас Парвардигор!

↔(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)↔

* * *

Вафодорлар синовларда етади ўз баҳрига,
Мунофиқлар, айнаганлар учрар Худо қаҳрига.

* * *

Чин дўстликнинг алангаси сўнмасин дер эканмиз:
Биринчи шарт – бўлмогимиз лозим дўст-ла бирга биз.
Иккинчи шарт – дўст йўлида аямаслик сийму зар¹,
Учинчи шарт – дўст-ла бўлмоқ оғир кунда баробар.

* * *

Мунофикнинг аввал тани, сўнгра жони куяр.

* * *

Барча бало чикиб колар дилга сингган ёлғондан.

* * *

Ҳалол хизмат қилганларнинг ҳаки қуймас ҳеч қачон.

* * *

Дарбадарлик ва мажнунлик ошиқларнинг қисмати –
Сен ҳам буни тан ол, чунки бу қоида абадий.

* * *

Фалакка бўйсунмас киши собит бўлгай ҳамма вакт,
Васвасага учган киши ачинарли ва бадбаҳт.

¹ Сийму зар – олтин-кумуш.

* * *

Сўлган бодринг нархича бор бу дунёнинг баҳоси.

* * *

Коинотнинг конунларин ўқиб олайлик дея,
Бизга равшан ақл билан берилган ўткир мия.

* * *

Лочинларнинг парвози ҳам муҳаббатга мадхия.

* * *

Ҳеч канака иш ўнгмайди амри Ҳақдан ташкари.

* * *

Кўзимизни кувонтириб, жон бахш этар гўзаллик.

* * *

Ёппа-ёлғиз юрганимдан маъқулроқдир ўлмаклик.

* * *

Фарёдларнинг, инграшларнинг ҳаммаси ҳам фойдасиз
Пешонага ёзилганни ўзгартира олмаймиз.

* * *

Толеини алдаб кўйиб, кочолмас бирон бандা.

* * *

Агар дўстни алдасаму бўлиб қолсам шарманда,
Қиёматда хор бўлурман у дўстимни кўрганда.

← **ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ** →

* * *

Биз дўстларга ҳамдард бўлсак, жон-бошимиз
қолар бут,
Алдоқчида ва хоинда на виждон бор, на субут.

* * *

Катта номардликдир чўчиб жангга бормаслик!

* * *

Жанг олдида қочиб кетиб, мункайиб ютган нафас,
Олишувнинг кўркинчини енгмаган эркак эмас!
Кўрқок – умри ип йигириб ўтган хотинга ўхшар,
Сандикдаги зардан кўра эрга шараф ярашар!

* * *

Ажал ҳукмин тўсолмайди жар бўйи тикка йўллар!
Полвоннинг ҳам, заифнинг ҳам кўзин юмар баробар.
Охиратда дуч келишпар кари билан баходир,
Расво кунлар уятидан шонли ўлим аълодир.

* * *

Ўлим ҳар лаҳзада бизни пусар пойлоқда.

* * *

Севганини таҳкир килмок эркакларга келишмас!

* * *

Гул тикани ўз курбонин маҳв этишга хўп кодир.

* * *

Куёшини йўқотганлар зулматларга чидайди.

* * *

Тошларгина дардни билмас, сеъмас сира фалокат,
Пичок тегса, изтиробда конаб кетар жароҳат.

* * *

Қарғага гул даркор эмас, шоҳ ярашмас эшакка!

* * *

Ўз-ўзига кимки ажал раво кўрса, аянчдир,
Оғир кунда одамзодга аклу тадбир суюнчдир!

* * *

Олтин – кўзга жилвалигу, лекин бермас чин суюнч,
Тамагирлик то ўлгунча этар тубан ва кулунч!
Дам озаяр, дам кўпаяр – зар тинчитмас бир офат,
Юксалолмай, хору хасда суринар жон бетоқат!

* * *

Бадномлиқда эркак агар номард бўлса, хотин ғар...

* * *

Душманларнинг энг хавфлиги – дўст кўринган
душмандир!

* * *

Эслик одам важи-беваж ёвга сирин айтмас ҳеч.

← (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) →

* * *

Гул шохига кўнса, ўзин булбул сезар карға ҳам.

* * *

Кутилмаган севинч оғир қалби узок куйганга!

* * *

Одам қалби гул сингари омонату бекарор:
Севинчда ҳам, қайғуда ҳам ўлчов топмай, титрар зор,
Ҳаёт уни эзар, бўғар, хар қадами жанг ва дов...
Бу дунёга ишонгандар ўз-ўзига катта ёв!

* * *

Ёвузликнинг умри калта, яхшилик-чи умрзок!

* * *

Ўзи севган бандасига Тангри доим чўзар қўл!

* * *

Яраси йўқ дилга табиб на ҳожат.

* * *

Якинидан дард яширган кишини дўст демайман.

* * *

Дейдиларки, жўмард одам баҳт топгуси хар качон.

* * *

Ёлғиз – ожиз.

* * *

Бадбаҳтликни енгади баҳт ҳамиша бу жаҳонда.

* * *

Бир-бирини севганларнинг орасидан ўтмас кил!

* * *

Узок деган мухлатлар ҳам аслида эмас узун.

* * *

Дунё ўзи бевафодир, дунё йўли жафокор,
Ҳаёт эса мижжа кокқан мухлат қадар қиска, тор.
Довдирамок нега лозим? Толе кўп беомондир.
Лутғ айласа, ҳар иккала дунё умри осондир.

МУНДАРИЖА

Эргаш Очилов. Умрбоқий қадриятлар күйчиси	3
Дебоча	12
I. Араб султони Ростевон таърифида (Шайхзода таржимаси).....	13
II. Араб султонининг йўлбарс терисини ёпинган пахлавонни кўриб колгани (Миртемир таржимаси)	17
IV. Автандилнинг бегонани кидириб юргани (Шайхзода таржимаси).....	24
V. Тариэл ўз можаросини Автандилга баён қилгани (Шайхзода таржимаси).....	36
VI. Тариэл ўзининг илк севгисини баён қилгани (Шайхзода таржимаси).....	41
VII. Нестон-Дарижоннинг ўз севганига мактуби (Шайхзода таржимаси).....	46
IX. Тариэлнинг хатовлар хонига юборган номаси (Шайхзода таржимаси).....	47
X. Хатовлар хонининг Тариэлга нома ёзгани (Миртемир таржимаси).....	47
XII. Нестон-Дарижоннинг Тариэлга мактуби (Шайхзода таржимаси).....	55
XIII. Тариэлнинг маъшукасига ёзган мактуби (Миртемир таржимаси).....	56
XIV. Нестон-Дарижоннинг ўғирланганини Тариэл билиб колгани (Шайхзода таржимаси)	65
XV. Нуриддин-Фаридунни учратгани хакида Тариэлнинг ҳикояти (Шайхзода таржимаси)	69
XVI. Тариэлнинг ёрдами билан Нуриддин-Фаридун ғанимларни тор-мор келтиргани (Шайхзода таржимаси)	72

XVII. Султон Нуриддин-Фаридуннинг Нестон-Дарижон ҳакида айтиб берган киссаси <i>(Шайхзода таржимаси)</i>	73
XVIII. Автандилнинг Арабистонга кайтмоғи баёнида <i>(Шайхзода таржимаси)</i>	78
XIX. Автандилнинг султон Ростевондан рухсат сўрагани <i>(Шайхзода таржимаси)</i>	84
XXIII. Автандилнинг яширинча қочиб кетганини султон Ростевон билиб қолгани.....	90
XXIV. Автандил Тариэлни иккинчи марта кидириб боргани <i>(Шайхзода таржимаси)</i>	92
XXV. Автандилнинг арслон билан йўлбарсни ўлдирган Тариэлни топиб олгани <i>(Шайхзода таржимаси)</i>	97
XXVII. Автандил ва Тариэлнинг форга қайтиб келгандари ва у ерда Асмат билан кўришганлари <i>(Шайхзода таржимаси)</i>	103
XXIX. Автандилнинг шоҳ Нуриддин-Фаридун мамлакатига келиши <i>(Миртемир таржимаси)</i>	109
XXX. Автандилнинг Нуриддин-Фаридун мамлакатидан чишиб, Нестон-Дарижонни излашга тушгани <i>(Миртемир таржимаси)</i>	115
XXXI. Автандилнинг Гуланшарога келиши <i>(Миртемир таржимаси)</i>	120
XXXII. Автандилнинг Фотма хузурига келиши <i>(Миртемир таржимаси)</i>	123
XXXIV. Фотманинг Автандилга ёзган номаси <i>(Миртемир таржимаси)</i>	124
XXXV. Автандилнинг Фотмага жавоб мактуби <i>(Миртемир таржимаси)</i>	126
XXXVI. Автандилнинг Чашнагирни ўлдириши <i>(Миртемир таржимаси)</i>	128
XXXVII. Фотманинг Нестон-Дарижон тўғрисидаги ҳикояси <i>(Миртемир таржимаси)</i>	129
XXXIX. Ҳусайннинг Нестон-Дарижон ҳакида подшоҳга ҳикоя қилгани <i>(Миртемир таржимаси)</i>	132

←(ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

XL. Нестон-Дарижоннинг асирга тушгани ҳақида <i>(Миртемир таржимаси)</i>	137
XLI. Фотманинг Нестон-Дарижонга юборган номаси <i>(Миртемир таржимаси)</i>	143
XLII. Нестон-Дарижоннинг Фотмага ёзгая мактуби <i>(Миртемир таржимаси)</i>	144
XLIII. Нестон-Дарижоннинг севганига ёзган мактуби <i>(Миртемир таржимаси)</i>	145
XLIV. Автандилнинг Нурилдин-Фаридунга ёзган мактуби <i>(Миртемир таржимаси)</i>	148
XLV. Автандилнинг Гуланшародан кетгани ва Тариэл билин учрашгани <i>(Миртемир таржимаси)</i>	149
XLVI. Тариэл ва Автандилнинг Нурилдин-Фаридун ёнига кетиши <i>(Миртемир таржимаси)</i>	153
XLVII. Кажет қалъаси ёнида Фаридун, Автандил ва Тариэлнинг кенгаши <i>(Миртемир таржимаси)</i>	155
XLVIII. Кажет қалъасининг олингани ва Нестон- Дарижоннинг қуткарилгани <i>(Миртемир таржимаси)</i> ...	156
XLIX. Тариэлнинг денгизлар подшохи юртига боргани <i>(Миртемир таржимаси)</i>	158
L. Тариэлнинг Фаридун мамлакатига келиши <i>(Миртемир таржимаси)</i>	160
LI. Нурилдин Фаридун саройида Тариэл билан Нестон-Дарижоннинг тўйи <i>(Миртемир таржимаси)</i>	160
LII. Тариэлнинг горга келгани ва ўз хазинасини кўргани <i>(Миртемир таржимаси)</i>	161
LIII. Араб сultonининг Автандил ва Тинатинга тўй килгани <i>(Миртемир таржимаси)</i>	165
LIV. Тариэл ва Нестон-Дарижоннинг тўйи <i>(Миртемир таржимаси)</i>	167
Достондан ҳикматлар <i>(Шайхзода ва Миртемир таржимаси)</i>	169

←(ЖАХОН ШЕҮРИЯГИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Адабий-бадиий нашр

Жахон шеърияги дурданалари

ШОТА РУСТАВЕЛИ

**ЙЎЛБАРС ТЕРИСИНИ
ЁПИНГАН ПАҲЛАВОН**

Достон

Мухаррир	<i>Б. Ҳудоёрова</i>
Рассом	<i>A. Сайидбердиев</i>
Бадиий мухаррир	<i>P. Зуфаров</i>
Техник мухаррир	<i>D. Габдрахманова</i>
Кичик мухаррир	<i>D. Холматова</i>
Мусаххих	<i>H. Абдураҳмонова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>K. Голдобина</i>

←(ЖАХОН ШЕРРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.2009.

Босишига 2013 йил 12 апрелда рухсат этилди.

Бичими 70×90^{1/32}. Офсет коғози. «Times» гарнитурасида

офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 6,73.

Нашр табоғи 6,43. Адади 3000 нусха. Буюртма № 13-43.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Руставели, Шота

P92 Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон: достон / Ш. Руставели; нашрга тайёрловчи, сўзбоши изохлар муаллифи: Э. Очилов). – Тошкент: O'zbekiston, 2012. – (Жаҳон шеърияти дурдоналари). – 184 б.

ISBN 978-9943-01-927-0

Шота Руставелининг мухаббат, дўстлик, ватанпарварлик, мардлик, олийжаноблик, садокат, тўғрилик каби юксак инсоний фазилатлар баланд пардаларда ўзининг бетакрор тараннумини топган «Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон» достони нафакат грузин, балки жаҳон адабиётининг ҳам дурдона асарларидан ҳисобланади. Ҳаёт ва инсон шаънига битилган энг гўзал мадхия, мухаббат ва дўстликка қўйилган энг улуғвор ҳайкал бўлмиш бу бебаҳо бадиий обида дунёнинг кўплаб тилларига, жумладан, ўзбекчага ҳам Максуд Шайхзода ва Миртемирлар томонидан таржима килинган. Ушбу нашр ана шу таржиманинг бирмунча кискартирилган нусхасидир. Лекин сюжет йўналиши ва воқеалар кетма-кетлиги сақлаб колинганлиги жиҳатидан у асарнинг умумий мазмуни ва моҳияти ҳақида яхлит тасаввур беради.

**УЎК: 821.353.1-512.133
КБК 84(2Рос. Дог)**

РАССЫЛКА